297.
К-37.

МАШРАБ

КУЛЛИЁТ



Мумтоз шеърият

ddatdan
lshi shart

297 | 05-862.
K-37. | M. Бобораҳим
Кулиёт - Т.: „Мухар-
рир" нашр. 2017-
528 b. 6. 51.74080
сим. ISBN 978-9943
3026-0-4.

БОБОРАҲИМ
МАШРАБ

КУЛЛИЁТ

Тошкент
"Muharrir nashriyoti"
2017

УЎК 297
КБК 86.38
К 37

Машраб, Бобораҳим.
Куллиёт [Матн] / Б.Машраб. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2017. - 528 б.

ISBN 978-9943-5026-0-4

Улуғ шоир, етук инсон, муршиди комил, ориф ва ошиқ Бобораҳим Машраб куллиётининг биринчи китобига деярли барча ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ ва мусамманлари киритилди. Ҳайратланарли ҳаёт, беназир ижод, нурли маърифат, ўлмас ишқ соҳиби бўлган азиз бир зотнинг маънавий хазинаси – кўз олдингизда. Бу хазина "маънолар денгизининг дурри бебаҳоси", мудом "ганжи ниҳон излаган" ҳақшунос ошиқнинг тирик қалби, огоҳлик фарёдлари, хавфу ва ражоси – қўрқув ва умиди, парҳез ва тақвоси, йиғи ва зорилари ҳақида сизга гувоҳлик бериб туради...

Бу хазина камайиш билмасдан, асрлар оша кўнгилларда ортиб борувчи маънавий неъматдир. Машраб куллиёти – муҳаббат аҳлининг доимий ҳамроҳи, ишқ мактаби толибларининг дарс китоби, огоҳлик давраси муҳибларининг ҳаёт гулханидир.

ЎУК 297
КБК 86.38

Араб имлосидаги кўҳна туркий ёзувдан жорий имлога ўтказиб, жамлаб нашрга тайёрловчи, луғат ва тадқиқий мақола муаллифи:
Жалолиддин ЮСУФИЙ


Илмий-маърифий шарҳ ва изоҳлар асосида қайта нашрга тайёрловчи, тақдим муаллифи:
Мирзо КЕНЖАБЕК

JIZZAX VILOYAT AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI
INV № 05-862
«29» 04 2021 y

ISBN 978-9943-5026-0-4

© Ж.Юсупов, М.Кенжабек (Кенжабоев М.Т), 2017 й.
© "Muharrir nashriyoti", 2017 й.

ОШИҚ МАШРАБ ВА ТАСАВВУФ ОЛАМИ



Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм. Аллоҳ таолога сўнгсиз ҳамду санолар, жаноб Расулуллоҳга чексиз салоту саломлар бўлсин.

Исм ва насаблари

Саййид, олим, ориф, ошиқ, шоир, девонаи Ҳақ – ҳазрати Бобораҳим Валийбобо (ёки Мулло Валий) ўғли Машраб насабда жаноб Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак хонадонларига боғланади, яъни ҳазрати Али ва ҳазрати Фотимаи Заҳро (розияллоҳу анҳумо) наслларидан дунёга келган саййидзодадир. Машрабнинг *"Ҳам саййиду ҳам олиму дарвиш бу Машраб"* сатрини бунга далил қилиш мумкин[1]. Аммо у зотнинг бирор шеърида ўз насаби билан фахрланиш кўзга ташланмайди. Аксинча, *"Саййиду хожа қилма, соҳиби ихлос мўъмин қил"* деган дуо-илтижоси ҳамда *"Саййидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма"* деган танбиҳи маълумдир. Бобораҳим исми манбаларда Раҳимбобо деб зикр қилинади.

Туғилиши ва вафоти

Машраб XVII асрнинг ўрталарида Наманган шаҳрида файзли-зиёли хонадонда туғилган. Ҳижрий 1123, милодий 1711 йилда Балх вилояти ҳукмдори Маҳмудбий Қатағон амрига кўра дорга осиб ўлдирилган. **"Тазкираи Қайюмий"**да туҳмат остида куфрда айбланиб ўлдирилгани айтилади: "Ниҳоят, Амударёдан ўтиб, ундаги ўзбеклар уламолари ила мулоқотда бўлиб, қандайдир бир масъала устида куфр ила иттиҳом этилиб (туҳмат қилиниб), Қундуз шаҳри уламоларининг фатвоси билан Субҳонқулихоннинг Балхга қўйилмиш амири – Қатағон қабиласининг бошлиғи Маҳмудбий Қатағон томонидан Балх шаҳрида осдирилиб ўлдурилмишдир.

[1] Жалолиддин Юсуфий, "Уни девонаи Машраб дерлар" , Машраб девонига ёзилган сўзбоши-мақола. Тошкент, "Янги аср авлоди" нашриёти, 2006 йил. 10-бет.

Офоқ Хожа 1695 йилда вафот этмиш эди. Демак, Машраб бундан 16 йил кейин вафот этгани кўринадир"[2]. (Бошқа манбаъларга кўра, Офоқ Хожа вафотлари ҳижрий 1046, милодий 1668 йил.) Жалолиддин Юсуфий фикрича, бу ўлимга Машрабнинг ҳукмдорни танқид қилиб, халққа жабр-зулмлар ўтказгани ва мамлакатни харобага айлантирганини фош этишлари сабаб бўлган[3].

Машрабнинг вафот йили аниқ экани боис тадқиқотларда унинг таваллуди вафот санасига қиёсан белгиланмоқда. Шоир таваллудини ҳижрий 1050, милодий 1640 йил деб кўрсатувчи олимлар *"Ёши етмиш бирга кирган бандайи радди фалак"* сатрига асосланадилар. Баъзи олимлар эса Исҳоқ Боғистонийнинг **"Тазкирайи қаландарон"** асаридаги *"Ҳазрати Шоҳ Машраб мавтлари айёминда умрларидин 58 сана кечуб эрди"* деган сўзга таяниб, шоир таваллудини 1653 деб таъкидлайдилар. Машраб ижодини халққа етказишда беназир хизматлар қилган Жалолиддин Юсуфий таниқли олим Муҳсин Зокировнинг мазкур тазкирадан келтирган иқтибосини бунга далиллардан бири қилиб келтиради[4]. Лекин ҳозирги тадқиқотчи олимлар наздида "Тазкираи қаландарон" ишончли манба эмас, муболаға ва тўқималари кўп асардир. Шоир эса ўзини бекордан-бекорга "етмиш бирга кирган" деб айтмайди. Шунинг учун Машраб таваллуди борасида олимларимиз аниқ бир тўхтамга келиб олишлари зарур.

Машрабнинг отаси Валийбобо (Мулло Валий) илму маърифат ва тақвода пешқадам зотлардан бўлгани ўғлининг келажаги ва камолига берган эътиборидан англашилади: Машрабни болалигидан илмга жалб этган ва у етти ёшида Қуръон каримни гўлиқ хатм қилган. Шоирнинг бир сабаб билан ёзган шеърidаги *"То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сани"* сатридан отага бўлган таъзим ва эҳтироми равшан намоён бўлади.

Машрабнинг онаси Салимабиби фозила ва шоира аёл бўлиб, Ховарий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Жалолиддин Юсуфий Машраб ҳақидаги қиссаларда онаизор Ховарийнинг ижодидан

---

[2] Пўлатхон Домулло Кайюмов, "Тазкираи Кайюмий", 1-жилд, Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти тахририй нашриёт бўлими, Тошкент, 1998. 64-бет. (Муаллиф атоқли Навоийшунос олим Азизхон Каюмовнинг оталаридир.)

[3] Қаранг: "Уни девонаи Машраб дерлар" , 16-бет.

[4] Ўша мақола: "Уни девонаи Машраб дерлар" , 8-бет.

бир ғазал келтирганки, ундан ўз шоир ўғлини ҳаёт мактабига, илм даргоҳлари ва Пир остонасига кузатиш манзараси кўзга ташланади; матлаъи ушбудир:

Эмди биздин фойда йуқ, машғули Раҳмон бўл, болам,
Йўл хатардур, борасан, доим пушаймон бўл, болам.

Байтда муайян дард ва маъно бор: биз ўз вужудимиздаги ҳамма илмни сенга бериб бўлдик, энди сенинг талабингга жавоб бера олмаймиз, бас, бизнинг хизматимизни қўй, Раҳмон маърифати ва динининг хизмати билан машғул бўл, деган маъно бўлиши мумкин. Машрабнинг ушбу сатрлари эса она ғазалига жавобан ёзилганга ўхшайди:

Жоним онам, йиғлама, бечора онам, қол букун,
Абри найсон кўзларинг, дурдона онам, қол букун...
...Хизмати шоиста ҳаргиз бўлмади мандин санга,
Буйруғи Жаббордур, мардона онам, қол букун.
...Машраби бечора Пирнинг хизматига олди йўл,
Каъбаму қиблам манинг, ғамхона онам, қол букун.

Машрабнинг онаизор хизматини қила олмаганлик надомати, соғинч ва изтироб билан яшагани бир қанча шеърларидан англашилади. Жумладан:

Наманган шаҳридин, дўстлар, манинг ёронларим келди,
Отам бирлан онамни билгучи меҳмонларим келди.

Ёки яна:

Жамолинг кўргали келдим, аё, эй меҳрибон онам,
Манинг учун адо бўлған, юроку бағри қон онам.

Ёки яна:

Борсанг салом айт, эй корвоним,
Мазлуму ожиз қолғон онамға.
Ўғли учун ҳам кўп емасун ғам,
Ғаму мотамда қолғон онамға.

Ёки яна:

Онайи зоримга бермàнглар хабар,
Балх шаҳрида қазо топсам керак.

Она ва туғилиб ўсган юрт соғинчлари мавзуйи Машраб ижодида салмоқли ўринни эгаллайди.

Машрабнинг синглиси Моҳибадр (Тўлин ой) ҳам фозила ва шоира зот бўлиб, Маҳваш (Ойжамол) тахаллуси билан

шеърлар битган. Жалолиддин Юсуфий кўҳна қиссаларда унинг сатрларидан келтиради, жумладан, бир банди ушбудир:

.... Етим қолди бу ғам даштида икки баччаги оху,
Чиқар ғам тоғидин овозлар "Ё Раб!" уни ҳар су,
Тазарруъ шохида ҳайрон бўлуб бир қуш каби "Ху-ху",
Қилиб тавбам қабул, ё Раб, насиб эт зикри "Аллоҳ Ху",
Кўзум ғафлатдин очган покдомонимдин айрилдим.

Машрабнинг мана шундай маърифатли хонадонда ўсганлиги келажакда ошиқ ва ориф зот бўлиб етишувида муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиздир.

Наклга кўра Машраб ўн беш ёшларида Наманганни тарк этади.

Биринчи устоз

Машраб илк таълимни отаси Мулло Валийбобо ҳузурида олган. Китобларда "мулло" деб зикр қилиниши у зотнинг илм эгаси эканига етарли далилдир. Одатда, унча-мунча одамни мулло дейилмайди. Маълумотларда Машрабнинг отадан ёш етим қолгани, оила моддий қийинчиликлар билан яшагани, онаси ип йигириб, тирикчилик ўтказгани баён қилинади[5].

Мулло Бозор Охунд ҳузурида

Машраб Қуръонни кўргач, уни тўққиз-ўн ёшларида[6] Наманганнинг етук олимларидан бўлмиш **Сўфий Мулло Бозор Охунд – Хожа Убайдуллоҳ** даргоҳига топширадилар. У зот ҳузурида шариат илмлари ва тариқат одобидан таълим олади, форс тилини тўлиқ эгаллайди. "Тазкираи Қайюмий"да ҳам: 'Бошда Мулло Бозор номли кишининг тарбиясинда бўлмиш", дейилади[7].

Машрабнинг бу азиз устози ҳақида "Аллоҳнинг ошиғи" маъносидаги "Мулло Бозор девона" радифли ғазали машҳурдир. У зотни "Маърифатнинг гулзори, ошиқларнинг сардори", 'Сийнаси – ирфон денгизи, Ҳақ нурининг оинаси", "Ичлари гўла нур" деган сўзлар билан тавсифлайди. Бухорода машҳур эканларини айтиш билан, Бухорода ном қозониш улуғ шараф эканига ишора қилади:

---

[5] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 5-жилд, 534-535-бетлар.
[6] Жалолиддин Юсуфий маълумоти.
[7] "Тазкираи Қайюмий", 1-жилд, 63-бет.

Ичларидур тўла нур, пирларидур Баҳодур,
Бухорода ул машҳур, Мулло Бозор девона.

Мулло Бозор охунднинг вафотини (ҳижрий 1046, милодий 1668) Машраб илм ва маърифат аҳли учун катта йўқотиш деб қабул қилади ва мотам мақомида марсия битиб, "Боғи илм" деган иборада у зотнинг вафоти таърихини дарж этади. Сўнг 1668 йилда илм истаб Самарқандга боради. Мулло Бозор Охунд вафотидан сўнг 1669-1671 йиллар орасида Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларини кезади, жумладан, илм олиш ниятида Бухорога боради.

Машрабо, пир излагил, андин муроди дил тила,
Бўлмагил сан бир даме охирги савдодин жудо.

Байтдан Машрабнинг доимий мақсадларидан бири — пири комил излаш, ўзини унга топшириб, охират савдосига киришиш эканлиги англашилади ва шу мақсадда Офоқ Хожа Эшон даргоҳига қадам қўяди.

Офоқ Хожа Нақшбандий даргоҳида

Машрабнинг тахминан 1665 йилларда (бошқа маълумотга кўра, 1672 йилда) Мулло Бозор Охунд тавсияси билан Қашқарга бориб, донгдор Нақшбандия шайхи ҳазрати **Ҳидоятуллоҳ Офоқ Хожа Эшон** даргоҳига боғланиши, яъни, у зотга мурид бўлиб, тариқат таълимига киришуви унинг ҳаёти, ижоди, қулфи дилининг очилишида ва муршид ўлароқ камол топишида оламшумул аҳамият касб этгандир. Бу ташриф хоҳ Мулло Бозор Охунд вафотидан олдин юз берган бўлсин, хоҳ кейин бўлсин, Қашқарга у зотнинг тавсияси билан борганлиги ҳақиқатга яқиндир. "Тазкираи Қайюмий"да ҳам: "Бошда Мулло Бозор номли кишининг тарбиясинда бўлмиш. Сўнгра саёқлиқ ила Қашқарга бормишдур, Даҳбедийлардан бири бўлмиш шайх Мулло Ҳидоятуллоҳ Хожа лақабли Оффоғ Хожамбек хонақоҳида бўлмиш", дейилади[8].

"Даҳбедийлардан" дейилишининг сабаби шуки, Самарқанд вилоятидаги Даҳбед қасабасида яшаб вафот этган атоқли Нақшбандия шайхи ҳазрат Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий авлодларидан бўлган зотлар Даҳбедийлар деб юритилади.

[8] "Тазкираи Қайюмий", 1-жилд, 63-бет.

Мазкур шаҳарчада XVI асрга оид Маҳдуми Аъзам ёдгорлик мажмуаси бор. Ўзбекистон истиқлоли даврида зиёратгоҳ қайта таъмирланиб, янада обод ҳолга келтирилди.

"Тазкираи Қайюмий"даги "саёқлиқ ила бормишдир" деган ифода Машрабнинг шахсини тўғри баҳоламаслик деб ўйлаймиз. Чунки бундай тўхтамлар ориф бир зотнинг ҳоли ва олий мақсудига муносиб эмас.

Машрабнинг Пир даргоҳидан кетиши ҳам (тахминан 1672-1673 йиллар) мақолаларда турлича талқин қилинади. "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси"да "Қиссаларда қайд этилишича, бунга Машрабнинг Пири даргоҳидаги канизакларнинг бирига кўнгил қўйгани, севиб-севилгани сабаб бўлган"[9], дейилса, "Тазкираи Қайюмий"да ҳам "(Пирнинг) хизматида туруб бир жорияси муъошиқаси туфайли ҳайдалмиш", дейилади.

Камина бундай оғир гапларни Машрабнинг ахлоқи, жазбаси, ишқи, маърифати ва пок зотига лойиқ бўлмаган асоссиз ифодалар деб ҳисоблайман. Машраб ҳақидаги қиссалар илмий ҳақиқат учун мукаммал ҳужжат бўла олмайди. Зотан, "Қиссайи Шоҳ Машраб" китобини нашрга тайёрлаган мухтарам олимларимиз Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Абдусаттор Жуманазар сўзбошида: "Қиссадаги Машраб билан тарихий Машраб ўртасида анча фарқ бор. Шу сабабдан асардаги воқеаларни икки асрдан буён тарихий Машраб ҳаётига тўлиқ татбиқ этишнинг иложи топилмаган", деб ёзадилар[10].

Шоир ижодида Пирнинг даргоҳидан ҳайдалиш фожеаси акс этган эмас. Аксинча, унинг шеъриятида Пирга бўлган муҳаббат ва садоқат, хизмат қилиш иштиёқи, дунёю дин саъодатига эришганлик эътирофлари ўз аксини топган. Зотан, Машраб: "Пирга қўл бердингми, энди Ҳақ таъолодан бошқа нарсани тарк эт, нафс муддаоларини қўй, ҳаммадан бегона бўл, ҳирсу ҳавони кўнгилдан чиқариб ташла, огоҳ бўлгинки, Пирнинг амри Аллоҳнинг амридир", дейди. Бу ифодалар муқаддас Каломдаги: **"Кимки Пайғамбарга итоат этса, муҳаққақ, Аллоҳга итоат этган бўлур"**[11] деган маънодаги ҳукмга таянгандир:

---

[9] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 5-жилд, 534-535-бетлар.

[10] "Қиссайи Шоҳ Машраб", нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Сайфиддин Сайфуллоҳ, Абдусаттор Жуманазар. "Халқ севган қисса", сўзбоши. Тошкент, "Наврўз" нашриёти, 2014. 5-бет.

[11] Нисо сураси, 80-оят маъноси.

Пирга қўл топшурдунг, эмди мосивони ташлағил,
Эй жигарбандим, букун сан муддаони ташлағил,
Жумладин бегона бўлғил, ошнони ташлағил,
Хотирингдин дам-бадам ҳирсу ҳавони ташлағил,
Боҳабар бўлгилки сан, амри Худодир амри пир.

Машраб Офоқ Хожа Нақшбандий ҳазратларига эришгунича бошқа умрни яшаган бўлса, у зотни топганидан кейин бошқа бир умрни яшади, десак тўғриоқ бўлади. Ҳикмат булоқларининг шоир дилидан тилига оқиб чиқиши, ижодининг гуллаб-яшнаши, ҳатто, ихтиёрсиз ҳолда жазба касб этишида бу тариқат даргоҳининг хизмати улкандир. Шоир: "Магар васлингга етсам пири комилнинг дуосидин", деб бежиз айтмаган. Бу муборак йўлнинг арбоблари: "Тасаввуф авлиё бўлиш йўлидир, натижа сифатида иймон билан оламдан ўтишни таъминлайди"[12], деганлар. Машраб ижодида айни ана шу эътироф ошкорадир: *"Кимики пирни топти, давлати дунёву дин келди..."*.

Машраб Пирга қўл бериш нима эканини, тасаввуф йўлининг шарафи, талаб ва натижаларини ўз вужуди гувоҳлигида англаган ориф зотдир.

Пирга қўл бермоқ – токи Аршга қўл солмоқ эрур,
Риштайи нисбатни тутганларга хизмат эътибор.

Улуғ Нақшбандия шайхи Мавлоно Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий "Жомиъ ул-усул" китобида айтадиларки: "Бутун тариқатларни тадқиқ этдим. Барча тариқатларда муштарак бўлган асос – хизматдир". Яъни, ҳар бир тариқатнинг ўзига хос нозик фарқлари бор, аммо барча тариқатларда бир бўлган, муштарак бўлган жиҳат хизматдир! Пирга хизмат қилиш дегани Пирнинг атрофида офтоба кўтариб юришдан иборат эмас. Халққа яхши хизмат қилмоқнинг шарти аввало Ҳаққа яхши қул бўлмоқдир. Пирга хизмат қилмоқ эса Муршиди комилнинг эзгу мақсад ва ғояларига, муқаддас ислом дини илму маърифати йўлида хизмат қилмоқдир. Машраб ёзади:

Кўнгул зангорини соф айлаган пири мукаммилдур,
Аларнинг доманини гардидин минг ганж ҳосилдур.

Машраб тушунчасида тасавуф йўли марди Худо бўлмоқ йўлидир. Пирга қўл бердим, деган билан иш битмайди, зоҳирини

[12] Маҳмуд Асъад Жўшон, "Ислом, тасаввуф ва ахлоқ", таржимон Сайфиддин Сайфуллох. "Истиқлол", Тошкент, 1999.

ўхшатиш билан бирга ботинни ҳам поклаш Нақшбандиянинг талабларидандир. Машраб ёзади:

Хожалиғ осон эрур, марди Худо бўлмоқ қийин,
Хақ Таолонинг Ўзиға ошно бўлмоқ қийин.
Пирга қўл бердим дема, кел, сан дилингни соф қил,
Маҳзи зоҳир сурат ила бегуноҳ бўлмоқ қийин.

Машраб тариқат таълими абадий эканини айтиб, азиз зотларни зикр қилиб, Муршиди комилга эътимодини бундай баён этади: "Гарчи ҳазрати Муҳаммад Мустафо алайҳиссалом бу оламдан кетган бўлсалар-да, лекин у зотнинг нисбати Аллоҳнинг мардларидан пайдо бўлиб туради, ул зотнинг ҳар нисбатидан Нажмуддин Кубро, Жалолуддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд каби зотлар халқни эргаштирувчи маънавий раҳнамо бўлдилар, яна бошқалар пайдо бўлдилар. Бу нисбат то қиёмат кунигача зоҳир бўлиб, давом этади, гоҳ гадодан, гоҳ шоҳдан, гоҳо ҳар кимдан зоҳир бўлади. Бу нисбат ана шундай пояма-поя келиб, энди ҳазрати Пирим Офоқ Хожа ҳазратларидан яна бир бор зоҳир бўлди", дейди.

Агарчанде Муҳаммад Мустафо кетти бу оламдин,
Валекин нисбати марди Худолардин бўлар пайдо.
...Келибдур поя-поя чун бу нисбат ушбу соатда,
Офоқ Хожам пиримдин бўлди чун бори дигар пайдо.

Бу эътирофлар Пири комил билан Машраб ўртасида зиддиятлар бўлган, деган маънодаги асоссиз фикрларни буткул рад этади.

Машраб Муршиди комил даргоҳидан соҳиби иршод бўлиб, ҳаёт мактабига йўл олганидан кейин деярли 40 йиллик умрини доимий сафарлар, сайру саёҳатлар, зиёратлар билан ўтказади.

Сафарлар, саёҳатлар, зиёратлар

Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳар-қишлоқларида Машрабнинг қадамжолари бор. Ушбу ҳол бу беқарор ошиқнинг кезувчи, зиёратчи зот эканини кўрсатади. Бу қадамжолар орасида баъзи масжид ва хонақоҳлар ҳам мавжуд.

Жалолиддин Юсуфий тадқиқига кўра, Бобораҳим Машраб 1690 йили Наманганга қайтади. Отаси Мулло Валийбобо вафот этган эди, кўп ўтмай дардманд бўлиб қолган онаси Салимабиби ҳам вафот топади. Шоир бемор синглиси Моҳибадрни яқин

қариндошларига топшириб, 1691 йили кўп йиллик сафарга отланади. Шоир бу йилларда Фарғона водийси, Хўжанд, Тошкент, Самарқанд, Каттақўрғон, Хатирчи, Кармана, Нурота, Ғиждувон, Бухоро, Хоразм, Туркистон каби манзилларда бўлгани аниқдир. Яна Афғонистонда – Балх ва Ҳирот шаҳарларида, Покистон ва Ҳиндистон, Эрон, Эрон Арманистони, Ироқ, Туркия, Сурия, Саудия Арабистони – Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара да бўлган, ҳаж қилган, сўнг пирлари айтганидек, саййиди коинот ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг равзайи покларини зиёрат қилган.

Тахаллуслари

Шоир ижодининг илк даврида Риндий, Маҳдий деган тахаллуслар билан ҳам шеърлар ёзгани айтилади. Лекин унинг хос ва мос тахаллуси **Машраб**дир. "Машраб" сўзининг маъноси кўп. Лекин Пири комил – Офоқ Хожа Нақшбандий назарда тутган маънолари ушбулардир: "Машраб" – тасаввуф луғатида 1) **"чашма", "булоқ"** деган маънони билдиради. Шоирнинг дилидан тошиб турувчи ҳикмат булоқлари бу номга боис бўлган; 2) машраб табиат (феъл-атвор), фитрат, яъни асл яратилиш ҳолати (поқ, тўғри ва исломий ҳолат) деган маънони англатади; 3) яна сўзи, ҳаёт тарзи, англаш таври ва тутган йўли бир хил, деган маънони билдиради.

Тасаввуф аҳлининг ва маломат аҳлининг бошқаларникидан фарқ қиладиган, оламни ва одамни ўзига хос англаш тарзи бор. Уларнинг табиатини ана шу ўхшаш қарашлар вужудга келтиради. Тасаввуф таълимига кўра, инсонлар туғилишдан дарвишмашраб, яъни дарвиштабиат, маломатмашраб, маломатий табиатли каби хусусиятга эга бўладилар. Бир хил қараш, бир хил фикрга эга бўлганлар ҳам машраб деб аталади. Мана шу маънолар биз билган шоир Машраб исми ва жисмига мувофиқдир.

Маҳдий – Офоқ Хожа қўйиб берган лақабларидан бўлиб, "ҳидоят қилинган, ҳидоятга эришган, тўғри йўлга сазовор бўлган" деган маънодадир. (Агар "Муҳдий" бўлса эди, ҳидоят қилгувчи, тўғри йўлни кўрсатувчи, раҳнамо деган маънода бўлар эди.) Қиёмат яқинлашганда чиқиши ҳақ бўлган зот ҳам Маҳдий дейилади. Шоир ёзади:

Машраби Маҳдий айтадур: олами бевафо аро
Бир бути бебадал учун ошиқи мубтало ўзум.

Ёки яна:

Шароби маърифат дурдини Маҳдий илгидин ичдим –
Ки, ғайри ошнолиғ номасин қилмас Умам имло.

Машраб бир шеърида *Машраби Маҳдий Адҳамий* иборасини қўллайди:

Машраби Маҳдий Адҳамий хушлади факр аҳлини,
Бандайи Сиддиқи Умам басидқи дилсафо келур.

Адҳам – комил валий бўлмиш Балх подшоҳи Иброҳим Адҳамнинг оталарининг номи. Луғатда турли маъноларни англатади.

Машраби Маҳдий Адҳамий – кишанбанд қилинган, оёғига кишан урилган гуноҳкор Машраб деган маънодадир; чунки "адҳам" сўзи мужрим-гуноҳкорлар оёғига солинадиган темир кишан деган маънони ҳам англатади; яна бу ифодани Балх подшоҳи Иброҳим Адҳамдек дунё салтанатини тарк этиб, ҳидоятга эришган, тўғри йўлни топган, орифлар ва ошиқлар сулукига сазовор бўлган зот, деган маънода ҳам тушуниш мумкин.

Машраб билан Сўфи Аллоҳёр кўришуви

Бу – икки денгиз бирлашуви, икки буюк замондош, икки муршиди комил, икки маънавий дарға, икки аллома, икки ориф, икки ошиқ, икки шоир кўришувидир. **Мажмаъул-баҳрайн** – Қуръон ифодаси, ҳазрати Хизр алайҳиссалом билан ҳазрати Мусо алайҳиссалом кўришган манзил. Аллома Қози Байзовий: "Айтиладики, икки денгиз аслида Хизр алайҳиссалом билан Мусо алайҳиссаломнинг ўзларидир. Хизр алайҳиссалом – ботин илмлари денгизи, Мусо алайҳиссалом – зоҳир илмлари денгизи", дейди[13]. Кўнё шаҳридаги Мавлоно Жалолуддин Румий билан Шамси Табрезий кўришган жойда ҳам **Икки денгиз бирлашган жой** дея ёдгорлик ўрнатилган. Шубҳасизки, ҳазрати Сўфи Аллоҳёрнинг ўзи икки денгизни – зоҳир ва ботин, шариат ва тариқат илмларини вужудида бирлаштирган зотдир. Машрабда эса тариқат илмларининг баҳраси кўпроқ.

Машраб сатрларида Сўфи Аллоҳёрнинг зиёратга интилув ишоратлари бор:

---

[13] Қози Байзовий,

Топмасак Сўфий изини Каттақўрғонда юруб,
Қўши Аллоҳёр деб азми Ҳисор истар кўнгул.

Қадим Чағониён ҳудудида, бугунги Сурхондарё вилоятининг Вахшувор тоғларида бу икки азизнинг кўришгани ва бир неча бор суҳбатлар қургани бугунги олимлар томонидан эътироф этилган. Икки буюк олим ва шоир кўришуви фақат туркий-ўзбек адабиёти учун эмас, балки, жаҳон адабиёти учун шоёни эътибор бўлган улкан воқеадир.

Шоир "Қўши Аллоҳёр" иборасини Сўфи Аллоҳёрнинг қароргоҳи, хизматхонаси маъносида қўлламоқда. Қўш – сафар, юриш ва шу кабиларда вақтинча қўниладиган жой, муваққат қароргоҳ, яна хизмат аҳллари учун белгиланган қўниш манзили демакдир.

Ҳисор водийси эса Ҳисор тоғ тизмалари орасидаги ботиқ бўлиб, бугунги Тожикистоннинг ғарбий қисмлари, Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги баъзи ҳудудларни қамраган манзилдир[15].

Машраб шеъриятининг мажоз ва ҳақиқатлари

Девон адабиёти, яъни мумтоз шеърият намояндалари икки йўналишда – мажоз ва ҳақиқат тариқида ижод қилганлар. Мажоз тариқи вакиллари сўз ва истилоҳларни кўчма маънода қўллайдилар. Лекин мажоз санъатида сўзнинг ҳақиқий маъноси тарк этилган бўлиши мумкин эмас, балки мажознинг ортида сўзнинг ўз ҳақиқий маъноси туриши шарт қилинган[16]. Шунинг учун ҳазрат Навоий: *"Ким, назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз"* деганлар.

Мажоз – 1) йўл; 2) ўтиш жойи (кўприк); 3) ҳақиқатнинг зидди; 4) сўзнинг ўз ҳақиқий маъносидан бошқа кўчма маъносидир. Тасаввуф луғатида эса **"мажоз"** деганда омонат, фоний дунё, **"ҳақиқат"** деганда эса боқий, абадий олам, охират, Аллоҳ деган маънолар тушунилади. Шунинг учун Машраб бу дунёдаги султонларни "мажозий шоҳлар" деб атайди ва шеър муҳибларини: *"Мажозий шоҳлар дарвозасин ёстонмағил зинҳор"*, яъни: "Ўткинчи дунё султонларининг даргоҳига таянма, асл

[15] Қаралсин: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 11-жилд, 361-362-бетлар.
[16] Қаранг: "Ғиёсул-луғот", Муҳаммад Ғиёсуддин ибни Жалолуддин ибни Шарофуддин Ромпурий (Мустафоободий), 1-жилд, с.233. Душанбе, "Адиб", 1987.

Машрабнинг риндлиги

Мумтоз шоирларнинг "ринд"лигини ҳозирги замондаги майпарастлик ва мастлик деб тушуниб, ўзлари эса нопоклик балосига гирифтор бўлган, соғлигидан ҳам, шуъуридан ҳам жудо бўлган шахсларни кўрганмиз. Шунинг учун бу мавзуни бир оз шарҳлашга зарурият бор. Ҳазрат Навоий: *"Ишқ сиррин ринди дурдийкаш билур, йўқ аҳли дарс"*, яъни, ишқ сиррини дарс аҳли эмас, май қуйқасини ичувчи ринд билади, – дейди. Яна айтади:

Харобот аро, эй хуш, ул ринди сармаст
Ки, оллинда олам вужуди адамдур.

Яъни: "Харобот аро ул ринди сармаст қандай яхшидир, чунки унинг олдида оламнинг борлиги асли йўқликдир". Яна айтади:

Янаки нутқ илаю руҳ ила етурди анга
Фуйуз орифи Жомию ринди Шерозий.

Яъни: "Тағин Навоийга орифи Жомий – мавлоно Абдурраҳмон Жомий ва ринди Шерозий – Хожа Ҳофиз Шерозий ҳам нутқ билан ва руҳ билан файзлар етказди".

Машраб ҳам: "Ҳидоят, яъни ҳақ йўл кўчасининг ринди бўл, маҳшар кунининг этагига ёпиш, яъни қиёмат ёди билан яшагил" дейди:

Тараддуд айлагил, занги дилинг шоядки соф ўлғай,
Хидоят кўчасининг ринди бўл, домони Маҳшар тут.
Улуғман деб такаббур пеша қилма муштипарларга,
Сарафрози топай десанг, давомат дийдани тар тут.

Яна айтади:

Машраби ринди Умам, кўйингда жон берсам, на ғам,
Хар гуноҳе ўтса мандин, тавбайи оҳ қилдило.

Бу улуғ эътироф ва орифона сатрлардан "ринд"нинг бошқа бир пок ва нурли маъноси борлиги ўз-ўзидан равшандир.

"Тасвуф луғати"да айтилади: "Ринд – халқнинг ўзи ҳақидаги гап-сўзларига эътибор бермай, кўнгил амрига биноан ҳаракат қиладиган, ичи маърифат нурлари билан зийнатланган ва ботини илм билан тўла бўлгани ҳолда, халқнинг оддий бир вакилидек содда яшайдиган ҳаким зот, маърифатли инсон, ризо мартабасига эришган, шунинг учун ҳамма нарсанинг илоҳий тақдирга кўра вужудга келганини билган, буни идрок қилиб, фаҳмига етган комил инсон". Яна "Тафвиз ва таваккул аҳли бўлган, яъни ўзини Аллоҳга топширган ва Унга таваккул қилган зот" эканлиги айтилади. Риндлар кўнгил озодлиги ичра яшайдиган шахслар

эканлиги ҳам қайд этилади. Шоир ёзади:

Сури Исрофилни тортган рўзи Маҳшарда – ўзум,
Жумла ошиқлар ичинда ринди расвоман бу вақт.

Машрабнинг *"Мани ринди лоуболи – кўча-кўйда бесаранжом"* дея ўз-ўзини маломат қилиши ва ўз расволигини баён қилишининг маломатия ва қаландария сулукларига ҳеч алоқаси йўқ. Шоир ишқ шаробини риндона ичиб, шу мастлик билан ғариблик дунёсидан ўтиб олганини билдиради:

Кийган тўнимни мардона бичтим,
Ишқин шаробин риндона ичтим,
Ғурбат сувидин мастона кечтим,
Эй бод, еткур ёра саломим.

Машраб ўз риндлигини ошкор қилиш орқали аслида ичи илм ва маърифат нурларига тўлган, ризо мақомига эришган ҳаким зот эканини ошкор қилади.

Машрабнинг ўзини девона деб аташи

Бу ўз ошиқлиги ва Ҳақ таолони кўп зикр қилувчи зот эканини изҳор этувчи мажозий ифодадир. "Бехудлик" (беҳушлик) ҳам шу маънодадир. Ироқий таърифига кўра, **"девоналик"** ошиқнинг ўз ишқига мағлуб бўлиб, ўзини бошқара олмай қолишидир. Девона сўзи ақл-ҳушини йўқотган мажнун деган маънода келса-да, Аллоҳни кўп зикр қилувчи баъзи зотларга нисбатан "ошиқ" деган маънода қўлланади. Жилва, яъни сулук аҳлининг, ориф зотларнинг қалбида порлаган илоҳий нурлар уларни девона қилади. Инсон ҳам, олам ҳам Ҳақ таоло нурларининг жилваланадиган мистоқидир. Аслида тўлиқ ифодаси ***"Девонаи Ҳақ"***, яъни ***"Ҳақнинг ошиғи"*** демакдир. Чунки, "Тасаввуф луғати"га кўра, ишқ ва девоналикда зоҳир ва ботиннинг (ички олам билан ташқи оламнинг) маҳв бўлиб (йўқ бўлиб) кетиши бор. **Машраб девонаи Ҳақдир.**

Машрабнинг девоналиги беҳуш девоналик эмас, балки айни "Ҳуш дар дам" рашҳасига мувофиқ огоҳлик ифодасидир. Аслида бу ҳам катта даъводан ўзини йироқ тутиш, ҳолни хаспўшлаш, тавозуъ кўрсатиб, гумномлик касб этишдир. Машрабнинг "девоналиги" **"Ба Худо девона бош, ба Муҳаммад боадаб"**, яъни: **"Аллоҳга девона бўл, ҳазрати Пайғамбарга одобли бўл"** деган тасаввуфий шиорга таянади. Дарҳақиқат, Машрабнинг барча шеърларида девоналик, мажзублик ифодалари билан бирга,

MARKAZI
INV № 05-862
«29» 04 2021 y

ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломга бўлган улуғ одоб, инсонлик имконининг энг баланд даражасидаги буюк ҳурмат-эҳтиром, чексиз муҳаббат жўш уриб туради. Яна бу мажнунлик сифати ***"Аллоҳни шундай кўп зикр қилингларки, одамлар сизларни мажнун (девона) десинлар"*** деган маънодаги ҳадиси шарифга асосланади.

Тасаввуфда машҳур шоир ва ҳаким Баҳлули Доно номи билан боғлиқ "баҳлул" истилоҳи ҳам бор. Бу сифатга мансуб кишилар софликка эришган, очиқ чеҳрали, табассумли, софдил дарвишлар бўлиб, айтган сўз ва ҳикматлари билан инсонларни огоҳлантиради, шунингдек, маънили ҳол ва ҳаракатлари билан ҳам уларга сабоқ беради. Улар "Уқалои мажонин" – "Ақлли девоналар" деб ҳам аталади. Машрабнинг "девоналиги" ана шундай одоб, ибрат ва ҳикматга бой оқилона девоналикдир.

Машрабнинг ўзини қаландар деб аташи

Бу – шоирнинг тавозуъларидан, хоксорлиги ва ўз нафсига қилган аччиқ маломатларидандир. "Тасаввуф луғати"га кўра, **"қаландар"** – дунё ва охиратга қизиқмаган, урф-одатларга, анъана ва жамият талабларига эътиборсиз шахс. У завқ ва хоҳиш аҳлидир. Қаландарларнинг кўпчилиги ё ҳеч ибодат қилмайди, ёки кўнгли тусаган вақтда ибодат ҳам қилади. Гуноҳлардан сақланиш борасида ҳам уларнинг ўз қарашлари бор. Ҳаром бўлган тақдирда ҳам кўнгли тусаган ишни қилаверади". Бу ҳақда Суҳравардийя таълимоти асосчиси, улуғ аллома ҳазрати Шаҳобуддин Суҳравардийнинг"Аворифул-маъориф" (77-боб), Абдурраҳмон Жомийнинг "Нафаҳотул-унс" (15-боб) асарларида маълумотлар бор. У зотнинг маломат ва тавозуъ мақомида ўз-ўзини "қаландар" деб атаганига таяниб, баъзи асарларда Машрабни қаландария тариқатига мансуб қилиб кўрсатадилар. Бу ҳазрати Машрабга нисбатан оғир туҳматдир. Чунки у зотнинг Нақшбандия сулукига мансуб, ҳазрати Офоқ Хожа Эшон даргоҳига боғлиқ ориф, обид ва ўта муттақий зот эканлиги етарли далиллар билан исботини топганлиги шубҳасиз ҳақиқатдир. Қаландария тариқати эса, тасаввуф арбобларининг якдил хулосасига кўра, Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабидан ташқаридаги бир оқимдир. У ҳолда шундай азиз зотни нотўғри нарсага ҳукм қилинган бўлиб қолади. Нақшбандия тариқатида "қаландария" деган шохобча йўқ. Бу нақшбандия таълимотига нисбатан бўҳтондир.

Машрабнинг ўз-ўзини *қаландар* деб аташи худди *девона* сўзи каби мажозий ифода бўлиб, Аллоҳга берилган, дунё бойликлари, ишрат ва маишатларидан воз кечган зот деган маънодадир. Бинобарин, тарихий далилларга қарамай, у зотни қаландария тариқатига мансуб қилиб кўрсатиш илмий жиҳатдан мудҳиш хатодир. Машраб ижодидан у зотнинг қатъиян аҳли суннат вал-жамоат йўлига тобелиги равшан англашилади.

Машрабнинг суннатга тобелиги

Машраб Аҳли суннат вал-жамоат йўлида собитқадам эканини, Аллоҳга итоат этишнинг йўли Пайғамбар суннатига иттибоъ этиш, Аллоҳни севишнинг асоси Пайғамбарга эргашиш эканини кўплаб шеърларида таъкид билан баён қилади. Шоир фикрича, халққа таъна қиладиган инсон жамоатдан бўлмайди. Чунки, ислом эътиқодига кўра, жамоати муслимийнга мухолафат қилиш жоиз эмас:

Аҳли суннат бошқадур, аҳли жамоат бошқадур,
Хар киши халқ таънасин қилса, жамоатдин эмас.

Шоир Бухорои шарифни мадҳ этганда ҳам унинг хислати суннатга эргашиш эканини таъкидлайди:

Бу шаҳр аҳлига доим руҳи Пайғамбар эрур ҳомий,
Чароки, кеча-кундуз пайрави суннат Бухородур!

Фиққда таҳорат суннатлари орасида оёқни тахлил қилиш, яъни ўнг оёқ синчалоғидан бошлаб, оёқ бармоқлари орасига сув етказиш масаласи бор. Бу амал чап қўлнинг чимчалоғи билан бажарилади, хилол қилиш чап оёқнинг синчалоғида тамом бўлади. Ҳазрати Имом Аъзам Абу Ханифа аввал чимчалоқ билан бажариш ҳақидаги далил-ҳужжатга эга бўлмаганлари боис бир неча йиллик намозларини қайтадан ўқиганлари ва кўп йил йиғлаганлари нақл қилинади. Машраб шу воқеага ишора қилиб ёзади:

Кўрунг, бир суннат учун Бу Ханифа йиғлади қирқ йил,
Урар деб захми сўзан ҳар замон ангуштнамоларға.

Машраб фикрича, суннатдан айрилиш Пайғамбардан айрилишдир, қасдан суннатни тарк қилган кимсанинг эса иймони хатардадир:

Каёнга йўл топар умматки, Пайғамбардин айрилса,
Кимики тарки суннат қилса, доим йўқту(р) иймони.

ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломга бўлган улуғ одоб, инсонлик имконининг энг баланд даражасидаги буюк ҳурмат-эҳтиром, чексиз муҳаббат жўш уриб туради. Яна бу мажнунлик сифати ***"Аллоҳни шундай кўп зикр қилингларки, одамлар сизларни мажнун (девона) десинлар"*** деган маънодаги ҳадиси шарифга асосланади.

Тасаввуфда машҳур шоир ва ҳаким Баҳлули Доно номи билан боғлиқ "баҳлул" истилоҳи ҳам бор. Бу сифатга мансуб кишилар софликка эришган, очиқ чеҳрали, табассумли, софдил дарвишлар бўлиб, айтган сўз ва ҳикматлари билан инсонларни огоҳлантиради, шунингдек, маънили ҳол ва ҳаракатлари билан ҳам уларга сабоқ беради. Улар "Уқалои мажонин" – "Ақлли девоналар" деб ҳам аталади. Машрабнинг "девоналиги" ана шундай одоб, ибрат ва ҳикматга бой оқилона девоналикдир.

Машрабнинг ўзини қаландар деб аташи

Бу – шоирнинг тавозуъларидан, хоксорлиги ва ўз нафсига қилган аччиқ маломатларидандир. "Тасаввуф луғати"га кўра, **"қаландар"** – дунё ва охиратга қизиқмаган, урф-одатларга, анъана ва жамият талабларига эътиборсиз шахс. У завқ ва хоҳиш аҳлидир. Қаландарларнинг кўпчилиги ё ҳеч ибодат қилмайди, ёки кўнгли тусаган вақтда ибодат ҳам қилади. Гуноҳлардан сақланиш борасида ҳам уларнинг ўз қарашлари бор. Ҳаром бўлган тақдирда ҳам кўнгли тусаган ишни қилаверади". Бу ҳақда Суҳравардийя таълимоти асосчиси, улуғ аллома ҳазрати Шаҳобуддин Суҳравардийнинг"Аворифул-маъориф" (77-боб), Абдурраҳмон Жомийнинг "Нафаҳотул-унс" (15-боб) асарларида маълумотлар бор. У зотнинг маломат ва тавозуъ мақомида ўз-ўзини "қаландар" деб атаганига таяниб, баъзи асарларда Машрабни қаландария тариқатига мансуб қилиб кўрсатадилар. Бу ҳазрати Машрабга нисбатан оғир туҳматдир. Чунки у зотнинг Нақшбандия сулукига мансуб, ҳазрати Офоқ Хожа Эшон даргоҳига боғлиқ ориф, обид ва ўта муттақий зот эканлиги етарли далиллар билан исботини топганлиги шубҳасиз ҳақиқатдир. Қаландария тариқати эса, тасаввуф арбобларининг якдил хулосасига кўра, Аҳли суннат вал-жамоат мазҳабидан ташқаридаги бир оқимдир. У ҳолда шундай азиз зотни нотўғри нарсага ҳукм қилинган бўлиб қолади. Нақшбандия тариқатида "қаландария" деган шохобча йўқ. Бу нақшбандия таълимотига нисбатан бўҳтондир.

Машрабнинг ўз-ўзини *қаландар* деб аташи худди *девона* сўзи каби мажозий ифода бўлиб, Аллоҳга берилган, дунё бойликлари, ишрат ва маишатларидан воз кечган зот деган маънодадир. Бинобарин, тарихий далилларга қарамай, у зотни қаландария тариқатига мансуб қилиб кўрсатиш илмий жиҳатдан мудҳиш хатодир. Машраб ижодидан у зотнинг қатъиян аҳли суннат вал-жамоат йўлига тобелиги равшан англашилади.

Машрабнинг суннатга тобелиги

Машраб Аҳли суннат вал-жамоат йўлида собитқадам эканини, Аллоҳга итоат этишнинг йўли Пайғамбар суннатига иттибоъ этиш, Аллоҳни севишнинг асоси Пайғамбарга эргашиш эканини кўплаб шеърларида таъкид билан баён қилади. Шоир фикрича, халққа таъна қиладиган инсон жамоатдан бўлмайди. Чунки, ислом эътиқодига кўра, жамоати муслимийнга мухолафат қилиш жоиз эмас:

Аҳли суннат бошқадур, аҳли жамоат бошқадур,
Ҳар киши халқ таънасин қилса, жамоатдин эмас.

Шоир Бухорои шарифни мадҳ этганда ҳам унинг хислати суннатга эргашиш эканини таъкидлайди:

Бу шаҳр аҳлига доим руҳи Пайғамбар эрур ҳомий,
Чароки, кеча-кундуз пайрави суннат Бухородур!

Фиқҳда таҳорат суннатлари орасида оёқни тахлил қилиш, яъни ўнг оёқ синчалоғидан бошлаб, оёқ бармоқлари орасига сув етказиш масаласи бор. Бу амал чап қўлнинг чимчалоғи билан бажарилади, хилол қилиш чап оёқнинг синчалоғида тамом бўлади. Ҳазрати Имом Аъзам Абу Ханифа аввал чимчалоқ билан бажариш ҳақидаги далил-ҳужжатга эга бўлмаганлари боис бир неча йиллик намозларини қайтадан ўқиганлари ва кўп йил йиғлаганлари нақл қилинади. Машраб шу воқеага ишора қилиб ёзади:

Кўрунг, бир суннат учун Бу Ханифа йиғлади қирқ йил,
Урар деб захми сўзан ҳар замон ангуштнамоларға.

Машраб фикрича, суннатдан айрилиш Пайғамбардан айрилишдир, қасдан суннатни тарк қилган кимсанинг эса иймони хатардадир:

Қаёнга йўл топар умматки, Пайғамбардин айрилса,
Кимики тарки суннат қилса, доим йўқту(р) иймони.

Шоир жон қуйдириб айтадики, замона охир бўлганда ҳақ билан ботил, тўғри билан эгри аралашиб кетади, фарқи қолмайди, Китоб – Қуръон ва суннатларга амал қилиш жойидан ўзгаради, замон олимлари илмсиз жоҳил бўлиб қолади: "Паямбар айдилар: "Умматни аъмоли нечук бўлғай?" Лекин унутмайликки:

Ба ҳар тарзида бўлсак ҳам, жамоат – аҳли суннатмиз,
Набийнинг умматимиз, вале муҳтожи шафоъатмиз,
Расулуллоҳ сабо маҳшарда "Уммат!" деб чақирғайму?

Бутун коинот – Ер осмонлар, Аршу Курсининг яратилиши аслида инсон учун ва инсониятнинг гултожи бўлмиш – соҳиби суннат Расулуллоҳ алайҳиссалом учундир. Буни жон-жонига сингдирган шоир: "Тамоми Аршу Курси ман учундур, Аҳли суннатман", дея нидо қилади. Мўъмин бўлиш, аҳли суннат бўлиш, Расулга уммат бўлиш, шариатга эргашиш минг-минг шукрга лойиқ улуғ неъмат эканини уқтиради Машраб.

Машрабнинг суннатга тобелигини таъкидлаш шунчаки илмий маълумот учун эмас, балки шоир шаънига айтилган баъзи сўзлар, уни қаландарияга мансуб қилиб кўрсатиш каби ҳоллар асоссиз, пуч гаплар эканини таъкидлаш учун ҳамдир. Машраб суннатни маҳкам тутмоқ иймон гавҳарини сақламоқ деб билади. Шоирнинг муборак суннатга доир ҳар бир сўзи олам аҳлига ўлмас васият-тавсиядир:

Набийнинг суннатин маҳкам тутинг, бидъатга қайтманглар,
Бу дунё лаззати деб гавҳари иймонни сотманглар...

Машраб ва шариат мавзуйи

Башар ҳаёти учун сув, ҳаво, нафас, ёруғлик нақадар зарур бўлса, солик учун шариат ана шундай ҳаёт мезонидир. Машраб ва шариат дегани бамисоли инсон ва ҳаёт, инсон ва ҳаво, инсон ва сув, инсон ва нур дегандек, бир-биридан ажралмас тушунчадир. Тасаввуфни шариатдан узиб ёки шариатга зидлаб талқин қилувчилар бу илмдан йироқ, ўз ҳавойи нафсига кўра фикр билдириб, илмни таҳқир қилувчи шахслардир. Абул-Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг "Мақомоти Шоҳ Нақшбанд" китобида айтилади: "(Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларидан): "Сизнинг тариқангизни қандай топиш мумкин?" – деб сўрадилар. "Шариатни маҳкам тутиш ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам суннатларига тўлиқ амал қилиш

билан", дедилар"[19]. Мазкур таълимот асосчиси ва раҳнамосининг сўзлари ана шудир.

Улуғ Нақшбандия арбоби Имом Раббоний "Мактубот"и шарифнинг 36-мактубида "Тариқат ҳам, ҳақиқат ҳам шариатнинг хизматчиларидир", десалар[20], 160-мактубда: "Чунки шариат пайғамбарлик мартабасидан юзага келган", дейдилар[21]. Шунинг учун Машраб шеърларида "Шаръи Пайғамбар" – "Пайғамбар шариати" деб сўз юритади. Машраб ифодасига кўра, кўнгил уйини ёритгувчи чироқ шариатдир, ақлу ҳуши жойида бўлган соғ одам асло чироқсиз, яъни шариатсиз яшай олмайди:

Асли билсанг, ҳужрайи дилга шариатдур чироғ,
Бечироғ ҳаргиз қадам қўймас бу йўлда ақли соғ.

Ориф шоир айтади: "Салоҳи корни – ишнинг ислоҳи, яхшилигини ҳақиқатнинг пок шахсидан, кўнгилнинг равнақини эса роҳи шариатдан, ҳақиқат Каъбасини соҳиб каромат бўлган валий зотдан – Пири комилдан, иймоннинг ҳожатларини олий ҳиммат кишидан талаб қил, агар талабдан қолмай, бардавом бўлсанг, кўнглингга лаълу маржонлар етади, яъни маънавий неъматларга эришасан". Бу йўлдаги асосий ўлчов роҳи шариатдир:

Кўнгулнинг равнақин роҳи шариатдин талаб қилғил...

Машраб таълимотига кўра, бандалик, яъни инсонлик аломати аҳли тоат бўлишда ва шариатга эргашишдадир:

Нишони бандалик улдурки, аҳли тоат бўл,
Мудом кўшише қилғил, пайрави шариат бўл.

Машраб руҳий тарбия йўлини, нафсни камолга етказиш чораларини содда ва тагдор баён қилади: "Манманлик салтанатини бузиб, жисмингни кулга ур, ҳиммат қўлини талаб қилиб, қўлингни домани раҳбарга – пири комилнинг этагига ур, азал шамъининг талабгори бўлсанг, туриб кўнглингни мижмарга – хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган идишга ур, яъни дилингни тутатқилар идишига айлантир". Бу чақириқлар сўнгида Машраб энг асосий ҳаёт шиорини эълон қилади: "Сен қўлингни Пайғамбар алайҳиссалом шариатига ур, тавбага юз бур", дейди:

[19] Абул-Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али, "Мақомоти Шоҳ Нақшбанд", Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли таржимаси. Тошкент, "Ёзувчи" нашриёти, 1993. 78-бет.

[20] Имом Раббоний Аҳмади Форуқ ас-Сарҳандий. "Мактубот", 36-мактуб.

[21] Ўша асар, 160-мактуб.

Эй азизим, сан қўлунгни шаръи Пайғамбарга ур,
Мақсудингни **"Раббано инна заламно"**дин тила.

"Раббано инна заламно анфусано" – "Эй Раббимиз! Биз ўз-ўзимизга зулм қилдик" деган сўз Одам алайҳиссалом билан Момо Хаввонинг тавба нидоларидир. Яъни икковлари: **"Эй Раббимиз! Биз ўз-ўзимизга зулм қилдик. Агар бизларни кечирмасанг ва бизларга раҳм қилмасанг, албатта, биз зиён кўргувчилардан бўлиб қоламиз!", дедилар"** (Аъроф сураси, 23-оятдан).

Машраб бу ифода билан тариқатнинг шартларидан бири шариатга амал қилиш эканига, бу даргоҳга киришнинг илк шарти эса тавба эканига орифона бир тарзда ишорат қилаётир. Зотан, йўл хатарлидир, бу йўлда фикр ва қўрқувсиз қадам қўйма, чунки ўнгу сўлда жаннат билан жаҳаннам ёнма-ён турибди, бас, туну кун Пайғамбар шариатида мустақим – собитқадам бўл, чунки Пайғамбар шариати дўзах ўтини саломатлик ва омонликка айлантиради, дейди:

Кеча-кундуз шаръи Пайғамбарга бўлгин мустақим,
Шаръи Пайғамбар қилур дўзах ўтин ул дам салим,
Тилда иқрор, ушбу йўлни устувор истар кўнгул.

Машраб чексиз қўрқувлари, қалбни йиғлатадиган синиқликлари орасида ўз камолоти, ўзига етган маънавий неъматларни зикр қилишга ҳам имкон топади: *"Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мандадур мавжуд, Чу султони азалдурман, ки Арши аълоға сиғмамдур"*, дейди ихтиёрсиз мажзубона ифодалар билан. Бу таълимотнинг сирларини Ҳақ таоло меърож кечасида ҳазрати Аҳмадга, яъни жаноби Муҳаммад алайҳиссаломга билдириб, ул зотни надийм, яъни яқин хизматкор, сирдош-маҳрам, суҳбатдош қилиб тайин этди, дейди: *"Ҳам шариат, ҳам тариқат, ҳам ҳақиқатдин Худо, Англатиб қўйди, дедики: "Эй Ҳабибим, сан – надийм"*.

Яна бир ўринда шариат аҳли Фурқондан, яъни ҳақ билан ботилни ажратиб берувчи Қуръондан тўғри йўлни топсинлар деб бу илоҳий Китобнинг бошида (Бақара сурасида) ҳуруфи муқаттаъот бўлган **"Алиф. Лом. Мим"** оятини туширди, дейди. Чаҳор ёрни зикр қилганда эса ҳазрати Умарни "Дарёйи шариат" – "Шариат денгизи" деб улуғлайди. Яна бир ўринда "Модомики, анбиёлар хотами – Пайғамбаринг бор экан, ёлвориш тупроғига юзингни суриб, шариат тахтида султондек одил бўлиб ўтирмайсанми?!" – деб

нидо қилади: *"Шариат тахтида султон сифат одил ўтурмангму? Нигини анбиёлар хотами – Пайғамбарим бордур!"*

Шоир илтижо мақомида: "Эрта Маҳшар кунида Ҳақ таоло бизни ҳам Аҳли шариат деб, тариқат уммонини қидирувчи деб, муҳтожи раҳмат деб, ғарибу хоксор – аҳли ҳақиқат деб чақирармикин?" дейди ва хулоса ўлароқ: *"Расулуллоҳ сабо маҳшарда "Уммат!" деб чақирғайму?"* деб зорланади.

Машрабнинг мажозларини, истиғроқ ҳолатидаги жазбаларини, оловли ишқу муҳаббатини шарҳлаганда ҳаддан ошмаслигимиз, ҳақиқатни ҳақиқат ўлароқ эътироф этишимиз зарурдир. Зотан, "шариат шарбатини тотган, тариқат ҳалқасини тутган, ҳақиқат ёрини суйган, разолат кўзини ўйган, малоҳат кўйида юрган, шарофат шавқини сурган, жаҳон майдонини кезган, муҳаббат ўтида куйган" шоирнинг мазкур мавзудаги барча қарашлари икки мисрада жамлангандир: "Минг-минг шукр қилингки, мўъминмиз – иймонли бандалармиз ва шундай бир Расулга умматмиз, эътиқодда аҳли суннат вал-жамоатмиз ҳамда шариатга эргашган кишилармиз":

Ҳазор шукр қилинг, мўъмин, Расулга умматмиз,
Ки, аҳли суннату ҳам пайрави шариатмиз...

Машраб сўнгги нафасга қадар шукр келтириш вожиб бўлган улуғ бир неъматни зикр қилмоқда... Биз билган, биз севган асл Машраб ана шудир.

Машрабнинг соҳиби иршод эканлиги

"Қиссаи Машраб"дан ва шоирнинг баъзи шеърларидан пири Офоқ Хожа Нақшбандий ҳазратларининг Машрабга хатти иршод бергани маълумдир. Иршод нима? Муршиди комил ким? Иршод (аслида иршод хати ёки иршоднома) Пири комилнинг ўз етишган муридига берадиган ёзма ҳужжатидир. Соҳиби иршод бўлган зот тегишли тариқат таълимотини юритишга ҳақдор ҳисобланади. Шайх ёки муршиди комил асл ҳақиқатда жаноб Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг вакилидир. Шунинг учун пирлар тарихда бировга ўз нафси хоҳишига кўра иршод берган эмас. Етишган мурид Пири комилга шубҳасиз маълум бўлсада, лекин иршод хати кўпинча маънавий ишорат билан, аниқ айтганда, жаноб Пайғамбар алайҳиссаломни тушда кўриш ва Ул ҳазратнинг ишорат қилишлари билан берилган. Иршодномада

янги Шайхнинг номи ёзилгач, баъзан: "Мо нарасидем, шояд ту раси", яъни: "Биз етишмадик (комил бўлмадик), шояд сен етишсанг", деган хоксорлик сўзи илова қилинганини кузатамиз. Шунинг учун Машраб бу маънавий анъанани талаб қилиб: "Менга иршод хати берадиган бўлсанг, Одаму Ҳаввони ҳозир қил, Нуҳи набийуллоҳни, (Иброҳим) Халилуллоҳни, мақоми сабрда Айюбдек донони, бошиға арра келганда ҳам зикри Ҳақдан ғофил бўлмаган Закариёни, ниҳоят, мудом уммат учун дийда хунолуд бўлган ҳазрати Муҳаммад – Аҳмад ул руҳи Ҳабибуллоҳни ҳозир қил!" деб ноз ва эркалик кўрсатади. Аслида "Мен бу ишга лойиқ эмасман" дея ожизлик ва хоксорлик изҳор этади. *"Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мандадур мавжуд"* сатри Машрабнинг Нақшбандия сулуки мақомларини мукаммал эгаллаганига ишоратдир.

Шуҳратим офат бўлур деб Машрабинг қўл олмади,
Кўзда ёшим қатраси – дурри бақоларни кўрунг –

деган байтдан англашиладики, Машрабга иршод хати – Нақшбандия сулукини юритиш, халққа маънавий раҳнамолик қилиш ҳужжати берилса-да, "қўл олмаган", яъни мурид тутмаган, охират жавобгарлигидан қўрқиб, бу вазифани бажаришдан ўзини тийган. Лекин ўз феъли ва жўшқин ижоди билан инсонларни тўғри йўлга бошлашда фаол ва ҳарис бўлган. Машрабнинг қўрқув ва тавозуълари Сўфи Аллоҳёрнинг ушбу эътирофига мувофиқдир:

Шайх бўлмоқ ҳеч эмасдур осон,
Балки мушкул, узишдан ҳам жон.
Гар осмон бошингда тегирмон эрур,
Шайхлар сулукидан бу осон эрур.

Расман шайхлик мақомига эришса-да, "қўл олмаган", яъни байъат қабул қилмаган ва мурид тутмаган Пирлар бизнинг замонамизда ҳам борлар. Масалан, марҳум Аҳмаджон Махдум Ҳанафий-Нақшбандий (раҳматуллоҳи алайҳ) баъзи шахсларга зикр вазифаларини берсалар-да, лекин шайхлик масъулиятидан қўрқиб, муридларни ўзларига боғламас, "Сизлар Шайх Зулфиқор Нақшбандий ҳазратларига боғланасизлар", дер эдилар. Ҳазрати Шайх Абдул-Ҳофизхон ибн Муҳаммадхон ибн Ҳаким Халифа Эшон Қўқандий-Нақшбандий, ҳазрати Шайх Усмонхожа ибн Шамсуддинхожа ибн Ҳамидхожа Нақшбандий (Сариосиё тумани) ҳам соҳиби иршод бўлсалар-да, қўл олмаганлар ва мурид

тутмаганлар. Лекин ҳар бирлари инсонларни тўғри йўлга иршод этиш ишларида фаолдирлар.

Машраб жаноб Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб қилиб: "Саъодат аҳли сенинг итларингга тилдош бўлиш бахтини топди, мен муҳаббат аҳлига шу тўғри йўлни кўрсатгали келдим" дейди:

"Саъодат аҳли топти итларингга ҳамзабонлиғни,
Муҳаббат аҳлиға бу ишни иршод этгали келдим"...

Яна: "Ўзига раҳмат йўли беркилган кимса нима баҳра топади? Мен тўғри йўл билан гумроҳларга мадад қилгали келдим", дея ўз мақомидан хабар беради:

...На баҳра топқусидур ул, анга раҳмат йўли масдуд,
Ҳидоят бирла гумроҳларни имдод этгали келдим.

Нолойиқ иршод танқидлари

Машраб "нолойиқ иршод" деганда икки нарсани кўзда тутган бўлади: 1) тўғри йўлни кўрсатишда нуқсонга йўл қўйиш, маънавий раҳбарлик ишида лойиқ хизмат қилмаслик; 2) иршод ҳатининг нолойиқ инсонларга берилиши, нокомил шахсларнинг шайхлик мақомига ўтиб, пирлик даъво қилиши. Иршод соҳиби бўладиган шахс тасаввуф мақомларидан муваффақиятли ўтган, сайри сулукда камол топган, хусусан, латойиф зикрларида натижага эришган бўлиши лозим. Шунинг учун Машраб:

Сўфийлик осон эмасдур, ҳар киши рост англаса,
Қўйди йўлдин халқни нолойиқ иршод оқибат –

дея халқни огоҳлантиришни зарур деб билади. Яъни, маънавий раҳбарлик вазифасига ҳар ким лойиқ бўлавермайди. Пирлик, шайхлик даъво қилишга ҳар кимнинг ҳаққи йўқ. Иршод хати ҳам ҳар жойга экиб кетилаверадиган экин эмас, ҳар кимга бериладиган беқадр ҳужжат эмас. Нолойиқ шахсларга, илм, эътиқод ва маърифатда комил бўлмаган инсонларга иршод ҳужжатини бериш тасаввуф таълимининг заифлашувига ва бошқа фитналарга олиб келади. Нолойиқ иршод халқнинг тўғри йўлдан тойишига сабаб бўлади. Шунинг учун Машраб нидо қиладики:

Муттақийлик даъви айлаб, ўзларини пир тутуб,
Охири вақт порсосидин Худо берсун паноҳ.

Машрабнинг ҳадсиз тавозуълари, шикасталик ва хоксорликлари

Машраб ўзини нималар деб атайди? *Машраби девона, Машраби соҳибжунун (жунун эгаси бўлган Машраб), телба Машраб, Машраби қаландар, хастадил ёки дилхаста Машраб, мискин Машраб, Машраби бенаво, булбули нолон, Машраби гирён, Машраби шўрида, Машраби беқарор, Машраби беқарори ишқ, Машраби бехуд, лабташна, саргашта, ғамдийдайи ҳижрон, ғамзада, шикаста, Машраби хокипо, сарсона, ғариб, бечора, Машраби ринди Умам, Машраби зор, Машраби зору нотавон, Машраби ранжури ишқ, аламли Машраб, Машраби маҳжур, ғафлатда қолган Машраб, адашган Машраб, Машраби осий, бандайи радди фалак, афтода Машраб, Машраби шармсор, интизор Машраб, хору зор Машраб, хоксор Машраб, бедасту по Машраб, бахти қаро Машраб, ғарқи гуноҳ Машраб, пургуноҳ Машраб, бемуттако Машраб, ҳақиру мубтало Машраб, ғарибу рўсиё Машраб, пурбало Машраб, додхоҳ Машраб, хунбаҳо Машраб.* Бу маломатлар такрор-такрор келадиган ўринлар ҳам бор.

Шак-шубҳасиз, бу хоксорлик ифодалари Машрабнинг маънавий ҳоли баланд, мақоми юксак, қалби салим, валийлик даражаси юқори, ориф ва ошиқ зот эканини исбот этади. Кимки ўзини азиз тутса, у хордир, кимки ўзини хор тутса, у азиздир. Кимки ўзини ерга урса, унинг маърифати юксак, қўрқуви улуғ, умиди буюкдир. Қайси бир инсон ҳолни, карометни, валийликни даъво қилса, билингки, унинг ҳоли хароб, амали барбод, оқибати хатарлидир.

Ҳазрати Машраб: "Мажнуни бенаводек, ишқ жунунига юз тутганим, кўча-бакўча юриб, кўксимга тошлар урганим, (яъни, ўз нафсимга маломатлар қилганим), энди бу фоний дунёдан бойқушдек юз ўгириб, ҳажрида нола қилганим, фақр элининг мажлисини тузганларим – менинг **карометим** мана шу", дейди минг хоксорлик билан. Шоир – Аллоҳнинг қаҳридан вужудга келадиган фалокатлар, нохуш ҳодисалар, Еру осмонлардаги зилзилалар менинг касофатимдандир, фақат бир саъодатим шуки, кўнглим ичида Аллоҳнинг ишқи, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг муҳаббатлари бордир, дейди:

Ғулғулайи сурудкаш бўлди манинг шарофатим,
Ул санамимга пешкаш оҳим ила надоматим,

Хона-бахона юрганим – нафсим учундир одатим,
Зилзилайи Замину Арш жумла – манинг касофатим,
Кўнглим ичида ишқи бор – бахтим эрур, саъодатим.

Жамиятдаги ва атрофдаги фалокат ва ҳалокатларни ўз нафси, ўз феълидан кўриш авлиёларнинг улуғларида бўладиган бир ҳолдир. Машраб ўз шахсини хор ва залил тутиб, *"Нафси шайтон амридин ман айладим доим гуноҳ"*, *"Эгасиз итлар каби нафсим учун ювораман"*, *"Мани йўлдин адаштурди бу нафси номусулмоним"*, дея ўз кўксига тошлар отади ва Аллоҳнинг шафқатпаноҳ Расулидан осий умматга шафоъат талаб қилади:

Ё Муҳаммад Мустафо, Сиз барчага шафқатпаноҳ,
Нафси шайтон амридин ман айладим доим гуноҳ,
Илтифотинг бўлмаса, тонгла бўлур ҳолим табоҳ,
Қайда боргайман мани шармандайи нома сиёҳ,
Осий умматга шафоъат, ё Муҳаммад Мустафо!

Ўрни келганда айтиш лозимки, Аллоҳнинг Расулига бўлган чексиз муҳаббат, у зотнинг дийдорига бўлган сўнгсиз иштиёқ, у зотнинг шафоъатларидан умидворлик туйғулари Машраб ижодида шундай порлаб, ял-ял ёниб кўринадики, бошқа бирор шоир шеъриятида бунчалик ҳолни кузатиш қийин. Шоирнинг хавфу ражо – қўрқув ва умид орасидаги изтиробларидан бири ушбудир:

Қиёмат ёдима келганда, титрайдур манинг жоним,
Билолмайман, нечук бўлғай кетар вақтимда иймоним,
Мани йўлдин адаштурди бу нафси номусулмоним,
Бу боисдин оқар ёш ўрнига селобдек қоним,
Расулуллоҳ сабо маҳшарда "Уммат!" деб чақирғайму?

Бир шеърда: "Сиздин ортуқ меҳрибоним йўқ мани, бечораман" деса, бошқа шеърида "Мен асло дунёга келмас эдим, фақат Аҳмади Мухтор, яъни ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом учун, у зотнинг умматга бўлган меҳрибонлиги учун келдим, дейди:

Сира келмас эдим, ман Аҳмади Мухтор учун келдим,
Набийнинг сояси умматларига бор учун келдим.

Яна бир шеърида ал-мийсоқ кунида, яъни "Қолуу Бало" кунида у зот билан бўладиган дийдорнинг ваъдаси бор эди, мен фақат шунинг учун дунёга келдим", дейди:

Ўшал **"Қолу Бало"**да ваъдайи дийдор учун келдим,
Жаҳонға келмас эрдим, Аҳмади Мухтор учун келдим.

Тасаввуфнинг биринчи шарти
тавбадир

Машраб шеъриятида инсоннинг доим тавба мақомида бўлиши, ҳамиша истиғфор айтиб, гуноҳ ва хатолар учун кечирим сўраб туриши муҳим мавзуни ташкил этади. Дардкаш шоир тавбанинг насуҳ бўлиши, яъни ҳақиқий, самимий бўлиши учун мадад бутун оламлар Илоҳининг Ўзидан эканига иқрор бўлади:

Ё Илоҳал-ъоламийн, зикру сано – Сандин мадад!
Тавба қилдим ман букун, фағфирлано, Сандин мадад!

Яна: "Тавба қилдим, эй Худоё, порсо қилғил букун", "Тавбалик қулман бу кун, қилма сазовори жаҳийм", "Машрабо, ҳар соате сан тавбани такрор қил, Банда бенуқсон эмасдур, кунда истиғфор қил, Бир гуноҳнинг устида тавбангни минг изҳор қил", "Тавбани оғзингга олсанг, зарра қолмасдур гуноҳ, Ҳар гуноҳинг бўлса афв этгай ани ул Подшоҳ", "Давомат тавба қил, шайтон олиб кетмай иймонингни", "Давомо йиғлағил тавба қилиб сонсиз хатоларға" каби сатрлари билан инсон ҳаётининг энг умидбахш амали тавба-истиғфор эканини эълон қилади.

Маънавий вазифалар баён этилган китобларда тасаввуфнинг биринчи шарти тавба экани билдирилади. Аллоҳга қайтиш тавба деб айтилади. Демак, тавба фақатгина: "Тавба қилдим, ё Раббим!" дейишдан иборат эмас. Асл тавба инсон ўз ҳаётининг йўналишини, шаклини, яшаш тарзини тамоман яхши томонга ўзгартиришидир. Демак, Аллоҳга самимий тавба қилмоқ лозим бўлади...

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" китобида айтадилар: "...Шундай таҳқиқ бўлдики, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло – яратишда Одам фарзандларидан кўра шарафлироқ ва буюкроқ нарсани яратмаган, нечунким, маърифатуллоҳ ганжининг амини – омонатдор ва ишончли кишиси ва маҳрами – сирдони удир, яъни инсондир", дейди, сўнг тасаввуф тоифасининг амаллари, феъллари, муомалот ва риёзатларини баён қилиб: "Буларнинг биринчи ишлари тавбадир, чунки Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло барча манъ қилинган ишлардан тийилишни уларга каромат қилиб беради", дейди ва ундан кейинги иш ҳалол луқма масаласи эканини, яъни ҳалол меҳнат билан кун кўриш

зарурлигини уқтиради[22]. Машраб бу шартни гўзал шеърий шаклда баён этади:

Кимки толибдур, анинг ганжи ниҳони тавбадур,
Англағил, мулки баданнинг посбони тавбадур,
Зиндаларнинг борҳо жисмида жони тавбадур,
Бандаларнинг равнақи дини, иймони тавбадур,
Жумлайи шоҳу гадонинг соябони тавбадур.

Агар киши фожир-гуноҳкор бўлса ҳам, тавба қилиш билан дилини поклайди, сув билан қилинган таҳорат зоҳирни покласа, тавба ботинни поклайди:

Умид айлади ул кимса, агар эрур фожир,
Тилига тавба олиб, дилни айласа тоҳир...

Охират кунида "Эҳ, кошки тупроққа айланиб кетсам эдим", дейдиган ҳасрат ва надомат аҳли зумрасига қўшилиб кетмасдан олдин, вақтни ғанимат билиб, тавба қилиб қолишга шошилинг, дейди Машраб:

Ҳар амални вақтидин ўткармагил, эй порсо,
Тавба қил: **"Йо лайтаний кунту туробо"**дин тила.

Машраб шеъриятида нафс тарбияси

Илоҳий каломда нафснинг турли мартабалари билдирилган: "нафси аммора", "нафси лаввома", "нафси мулҳама" ва "нафси мутмаиннаҳ" иборалари китобларда шарҳланган.

"Нафси аммора" – кўп амр этувчи, яъни, ёмонликни кўп буюрувчидир... Машраб буни "нафси саркаш, нафси кофар, нафси мор, нафси аждаҳор, нафси жоҳил, нафси фиръавним, нафси Шаддод, нафси шайтон, нафси номусулмоним" каби сифатлар билан ифодалайди. Яъни, нафс ўз ҳукмронлик ҳаёти давом этишини, истаклари қондирилишини хоҳлайди. Бунинг шаръий ёки ғайри шаръий йўл билан бўлиши уни қизиқтирмайди, бу билан иши йўқ! Хоҳиш-истаги жўш урдими, бас, шуни албатта қилгиси келади. Зотан, нафснинг буюрувчанлик ҳоли Илоҳий Каломда собитдир; маъноси: **"Шубҳасизки, нафс, агар Раббимнинг Ўзи раҳм қилмаса, барча ёмонликларга амр этгувчидир"[23].** Шунинг учун шоир: *"Тарбияти нафсимға юруб, зор қулунгман"*, дея Ҳақ

[22] Каранг: Алишер Навоий, Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд, "Насойим ул-муҳаббат" муқаддимаси.
[23] Юсуф сураси. 53-оят маъноси.

таолонинг Ўзига илтижо қилади. Машраб нафсга қул бўлиш фожеасини бундай таърифлайди:

Шакарнинг лойига пойи ёпушган чун магас бўлдук,
Илиндук нафс домига, гирифтори қафас бўлдук...

Нақшбандия таълимоти арбоблари нафснинг ҳолини "сохта илоҳ" деб таърифлайдилар: "Энг таҳликали сохта илоҳ нафсимиздир. Биз уни ичимизда сақлаймиз, ўз қўлимиз билан боқамиз, улғайтирамиз. У худди илоҳдек, ҳар бир айтганини, буюрганини бажарамиз. У худди дўст каби, ўзимиздан каби кўринади, аммо мунофиқдир: шайтон билан, ёмонликлар билан ҳамкорлик қилади. Назорат остида тутилмаса, бизга хиёнат қилади. Маҳрумияти аниқ ва доимий бўлган дунё ўйинида сохта жилва, жозиба ва гўзалликлар билан алдаб, вақтимизни ўлдиради... Қайтиш бўлмайдиган бир нуқтага келганида эса: "Эҳ, кошки тупроқ бўлиб кетсам эди", деб қолади. Ҳайҳот, энди қайтиш фақат ҳисоб майдонигадир"[24]. Нафснинг йўриғига юриш ширкнинг бир кўринишидир, ҳавои нафсини Яратган зотга шерик қилишдир. Шунинг учун Машраб айтадики:

Муҳтасиби нафс бўлсанг, дилни ширкатдин арит,
Сан бу нодонлик билан соҳиб насиҳатман дема.

Муҳтасиб – шариатга хилоф ишларни текширувчи; бозордаги тош-тарози ва нархларни назорат қилувчи; бу ўринда: "Ўз нафсингни ҳисоб-китоб қилувчи, текширувчи бўлсанг, дилни ширкдан покла" дейилмоқда. Машраб нафснинг бу ҳолини фош этиб, айтмоқдаки:

Мори бад мандин қочарким, кони наштар манда бор,
Баттарини халқдурман, нафси кофар манда бор.

Яна нафс ҳолини тавсифлаб айтади:

Кўп гуноҳ қилдим, юрубман пайрави нафсу ҳаво,
Бир Худодин қўрқушумдан Каъбатуллоҳ бораман.

Нафснинг "сохта илоҳ", "пайрави нафсу ҳаво" дейилиши бесабаб эмас. Муқаддас Каломда: **"Ўз ҳавойи нафсини ўзига**

---

[24] Маҳмуд Асъад Жўшон, "Тасаввуф ва гўзаллик", Шайх Муҳаррам Жўшон ҳазратларининг иккинчи хотира анжуманидаги сўзларидан. Тошкент, Адолат нашриёти, 2004.

илоҳ қилиб олган кимсани кўрдингизми?!."[25] – дейилади. Шунинг учун Машраб яна: ҳавои нафсни Яратган Зотга шерик қилиш ишларидан ўз ҳаётингни покла, дейди:

Ширкати нафсу ҳаволардин машомингни арит,
Чиркинатлик луқмалардин ҳалқи комингни арит...

Тасаввуф арбоблари нафсни тарбия қилишнинг икки йўлини татбиқ этганлар: биринчиси "нафсоний тариқатлар" бўлиб, булар нафсни ислоҳ этиш усуллари билан шуғулланади. Иккинчиси "руҳоний тариқатлар" бўлиб, булар руҳни қувватлантириш, қалбни нурлантириш йўлларини тутади. Машраб ёзади:

Мори зоҳир саҳл эрур нафс аждаҳоси олдида,
Машрабо, қўрқмасмусан, кўнглунгда нафси мордин.

Яъни: "Нафс аждаҳоси олдида ҳаётдаги зоҳирий илон осон, енгил нарсадир, эй Машраб, кўнглингдаги нафс илонидан қўрқмайсанми?"

Ҳазрат Навоий ҳам: "Ўрмондаги шерни бўйсундириб, ўз хизматингга солсанг, бу катта шижоъат эмас, лекин нафсинг итини бўйсундириб, тўғри йўлга солсанг, оламда сендек шижоъатли зот йўқ", дейди:

Беша шерин гар забун қилсанг, шижоъатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужоъ...

Машраб айтадики: "Ориф инсонлар – Аллоҳнинг маърифатига эришган, Ҳақни таниш мартабасига етган зотлар нафсни бўйсундириб, тўғри йўлга солишни устун тутади. Бас, маърифат ҳосил қилсанг, жаҳон обрўйига эришасан":

Қилурлар аждаҳойи нафсни тасхир ориф халқ,
Жаҳоннинг обрўйи – маърифат этсанг, нечук тилдур.

Шоир ўз нафсига танқид ва маломат тиғини уриш билан бирга, ботини Фиръавн-у, зоҳири авлиё, нафси учун шайтонга ҳамроҳ бўлган кимсаларни ҳам аямайди:

Ҳар киши сўрса насабдин, дам урарлар нафс учун,
Ботини – Фиръавн-у, зоҳир – авлиёларни кўрунг.
...Халқнинг кўзига ҳар дам сувратин дигар қилиб,
Нафс учун шайтон билан юрган гадоларни кўринг.

[25] Фурқон сураси, 43-оят.

Атоқли Нақшбандия шайхи Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратлари: "Нафсни ислоҳ этиш усуллари ояти карималардан ва ҳадиси шарифлардан, ҳазрати Пайғамбаримизнинг шахсий яшаш тарзларидан, саҳобаи киромларнинг ҳаётларидан олинган", дейдилар. Агар нафс ўз хоҳиш-истакларини бажариш имконига эга бўлса, жамият барбод бўлади, олам фисқу фасодга тўлади. "Демакки, биз тушунган маънода, мутлоқ маънода тугал, тўлиқ, юз фоиз ҳуррият деган бир нарса йўқ! На ғарбда бор, на шарқда бор!"[26]

Тасаввуф таълимига кўра, исломда ботил, нопок, қинғир, ҳаром нарсаларга, бузуқлик ва бузғунчиликка ҳуррият йўқ, балки, ҳаққа, ҳақиқатга, эзгу нарсаларга, пок, ҳалол, савоб ва хайрли ишларга ҳуррият бор.

Энди мусулмон киши ҳам, бир қарашда, ўз нафси билан мужодалада – курашда бўлгани учун гўё озод эмасдек туюлади. Аммо бу ҳолат Аллоҳнинг амрига тобеълик туфайли бўлиб, бу ҳақиқий бир озодликдир! Нафсга қул бўлмасик учун ва ҳақиқий озодликка эришиш учун инсон ўз нафси билан жанг қилиши керак бўлади. Машраб буни "жиҳоди акбар" деб атайди:

Кўп, жиҳоди акбари қил, нафс бирлан сан уруш,
То Сиротдин ўтмасанг, аҳли саломатман дема.

"Жиҳоди акбар" – "катта уруш" дегани бўлиб, "Катта уруш кишининг ўз нафсига қарши қилган урушидир" деган маънодаги ҳадиси шарифга ишорадир. Жиҳоди акбар – инсоннинг фақр-қаноат, зуҳду тақво билан ўз нафсига қарши курашиши, Қуръон ифодаси билан айтганда, "ўз нафсини ўлдириши" ("Бақара", 54), яъни нафсидаги ёмон сифатларини йўқ қилиб, ислоҳ қилиб, саркашлик, туғён, тамаъ ва турли разолатдан қутқариб, Ҳақ ризоси, раҳмати ва муҳаббатига мувофиқ йўлга солишидир. Машраб нафс билан бўладиган жангларда асосий қурол ибодат қиличи эканини таъкидлайди:

Нафс кофири бирлан туну кун қилдим урушни,
"Танҳо" қиличи бирлан уруб, қиймалаб ўттум.

"Танҳо" қиличи – Анкабут сураси, 45-оятидаги **"Иннассолата танҳо ъанил-фаҳшои вал-мункар" – "Албатта, намоз фаҳш**

[26] Маҳмуд Асъад Жўшон, "Тасаввуф ва гўзаллик", Шайх Муҳаррам Жўшон ҳазратларининг иккинчи хотира анжуманидаги сўзларидан. Тошкент, Адолат нашриёти, 2004.

ишлар ва ёмонликлардан қайтарур" ҳукмига ишорадир. Бу ўринда "Намоз қиличи" маъносидадир.

Машраб нафс разолатини фош қилиш учун отамиз Одам алайҳиссаломнинг жаннатдаги ҳаётини эслайди ва "бир хато туфайли дунё заминига тушдим, нафс аждаҳоси бўлмаса, нур бўлар эдим", деб ҳасрат чекади:

Хобгоҳим Арш эди, мунда ғалат туштум, дариғ,
Нур бўлар эрдимки, нафси аждаҳоси бўлмаса.

Шоир теран илм ва маърифат билан: "Эй сафо бахш этувчи зот, худоликни даъво қилувчи нафсимга бир шамшир ур, токи нафсим Фиръавндан айрилиб, яъни худолик даъвосидан кечиб, пайғамбар сўзига эргашсин", дейди:

Эй сафобахш, нафси фиръавнимга бир шамшир ур,
Токи ҳамроҳи Мусо бўлсин манинг бул хислатим.

Машраб нафс билан курашиш жараёнларида баъзан пайғамбарлардан, машҳур тасаввуф мансубларидан таскин излайди, уларнинг юксак маънавий ҳолларини ёрдамга чақиради. Гоҳо нафси шайтоннинг ғуруридан қутулиш учун *"Кўлумни тутгилу Довуди ботақвога еткургил"* дея Яратганга илтижо қилса, гоҳо машҳур сўфий, орифликда эркаклар мартабасига етган, аёл суратидаги марди Худо – Робиъатул-Адавийя ҳолини эслаб: *"Ишқ тушти Робиъанинг жонига, Юрмади ул нафсининг фармонига"* дея нафсга мардлик таълимидан сабоқ беради.

Инсон учун ё Яратган Зотнинг сўзига, амр фармонига юриш бор, ёки, аксинча, ўз сўзига юрмоғи бор. "Ўз" истилоҳи эса арабчада "нафс" деган нарсадир[27]. Инсон ягона Яратган Зотга қул бўлиш билан чин озодликка эришади, инсонни гўзалликларга бошлаган, ҳузурга элтадиган, саодатга етказадиган асл ҳурриятни топади! Хожа Ҳофиз айтганидек: *"Мен Сенга қул бўлган кунимдан бери озодман!"*

Тасаввуф таълимига кўра, инсоннинг асосий душмани учта: 1) нафс, 2) шайтон, 3) жаҳолат, яъни нодонлик, илмсизлик. Машраб ўз нафси билан мужодалага киришар экан, бот-бот ўлимни эслайди, кетар вақтдаги иймон аҳволини ўйлаб ғамга ботади. Хас-хошокдек гирдобга тушиб, ҳалок бўлишдан қайғуриб,

[27] Маҳмуд Асъад Жўшон. "Тасаввуф ва гўзаллик", "Адолат" нашриёти, 2004.

бу жоҳил нафс юз насиҳат билан тузалмаслигидан фарёд қилади:

Қай бири хошок каби гирдоби бўлгайман букун?
Юз насиҳатдин тузалмайдур бу нафси жоҳилим.

Шоир: "На мушкулдур, мусулмон бўлмай ўтса нафси Шаддодинг", дейди. "Қасас ул-анбиё"да айтилишича, Шаддод Однинг иккинчи ўғли бўлиб, Ҳуд пайғамбар алайҳиссалом даврларида яшаган, акаси Шадид етти юз йил подшоҳлик қилгач, унинг вафотидан кейин подшоҳ бўлган. У – Ҳуд алайҳиссалом ҳақ йўлга чақирса-да: "Мени жаннатга даъват қиляпсанми?" дея жаҳл билан ўзича бир дунёвий жаннат қурган, лекин дунё жаннатига ҳам қадами етмай, ҳалок бўлган золим бир шахсдир. Шоир нафс вужудига кетма-кет тавҳид тиғини уриб: "Сани чап йўлға бошлайдур бу нафси номусулмонинг, Билолмамки, на бўлғайдур кетар вақтингда иймонинг", "Кел эмди, кўп семуртурма бу нафси аждаҳорингни", дея унинг моҳиятидан инсонларни огоҳ этади.

Нафс ислоҳи учун ўлимни эслаш

Тасаввуфда робитаи мавт, яъни ўлим билан боғланиш, ўлимни эслаш деган тафаккур вазифаси бор. Бу таълимот "Ўлмасдан олдин ўлингизлар", "Таомларнинг лаззатини барбод қилувчи ўлимни кўп эсланглар" каби ҳадисларга асосланади. Ўлимни тафаккур қилишнинг тасаввуфий таълимга айлангани ва Машраб шеъриятининг муҳим ғоясини ташкил этганининг боиси шуки, нафс ўлим қўрқувидан бошқа нарса билан тузалмайди. Ўлим ёқимсиз нарса, хунук нарса, ўлим – мусибат, ўлим – айрилиқ азоби. Лекин инсон вужудидаги нафс деган борлиқ то кўз олдида ўлимни тасаввур қилмагунича, тузалмайди, яхшиликка, итоатга келмайди. Шунинг учун тасаввуфда ўлимни, қабрни, қиёмат куни ҳолларини тафаккур қилиш буюрилади. Машрабнинг ўлимни эслаш ҳоллари ана шунга асосланган дир.

Нафсни золим подшоҳларга ўхшатиш

Машраб шеъриятида нафсни кечмишда ўтган золим подшоҳларга ўхшатиш, худоликни даъво қилган ҳукмдорлар билан қиёслаш ҳоллари кўп учрайди.

Машрабо, нуқсон ўзунгда, шоҳ ҳидоятли, вале,
Нафс ҳам Намруду ҳам Фиръавну Шаддод оқибат.

Намруд, Фиръавн, Шаддод – инсоният тарихида худолик даъвосини қилган шахслар. Ҳолбуки, бу даъвони шайтон ҳам қилган эмас. Тасаввуф таълими нима учун зарур бўлди? Нақшбандийя, Кубравийя, Яссавия, Қодирия, Суҳравардия, Чештия – бу саҳих, ҳаётбахш таълимотларнинг ҳаммаси инсон нафсини тарбият қилиш, поклаш, камолга етказиш учун жорий бўлиб келди. Агар инсоннинг нафси тарбият қилинмаса, жиловланмаса, шайтондан ўтади, шайтонга дарс беради, иблисга худолик даъвосини ўргатади. "Руҳул-баён" китобида: "Гарчи шайтон худолик даъвосини қилмаган ва Фиръавн худолик даъвосини қилган бўлса-да, Раббига илк гуноҳ содир қилган махлуқот шайтон эди. Шунинг учун қиёматгача келадиган инсонлардан содир бўладиган гуноҳлар шайтонга қайтади (яъни, унга боғланади)", дейилади. Шунинг учун шоир фарёд уриб айтади:

Бас, манинг нафсим худолик даъви қилди ҳар замон,
Йўлда қолғон бараҳманман*, ташти ахгар манда бор.

Хулоса ўлароқ, Машрабнинг илоҳлик даъвосини қилувчи нафсдан омонлик тилаб, Яратганга бундай илтижо қилади:

Ҳаббайи дунёга дилни доимо шод айлаган,
Нафси шайтонни ўзига яхши устод айлаган,
Гавҳари умрини расволикда барбод айлаган,
Ўзини ҳамсуҳбати Фиръавну Шаддод айлаган,
Рўзи бехбуд кўрмаган соҳиб азога раҳм қил.

Машрабнинг нафсга қарши жанг қиладиган қуроллари: гоҳо *тавҳид тиғи*, гоҳо *муҳаббат тиғи*, гоҳо *"Раббано"* илтижоси, гоҳо *"Танҳо"*, яъни *ибодат қиличи, гоҳо ҳақиқат шамширидир*. Нафснинг эгрилигини тузатадиган энг аъло қурол муҳаббат тиғидир. Лекин у ҳам ажалнинг "ёрдами"га муҳтождир:

Нафс эгрисини тиғи муҳаббат била тузлаб,
Охир бу ажалнинг қўлида барча адамдур.

Саркаш нафс – инсоннинг ўз қўли билан боқувчи аждаҳоси, улкан балосидир. Инсон нафсини идора этишда Ҳақ таолонинг раҳм-шафқати, лутфу карамига муҳтождир. Шунинг учун шоир маҳвият мақомини тилаб, Яратганга илтижо қилади:

---

* Бараҳман – оташпарастлар ибодатхонасининг бошлиғи

Сан Ўзунг бандам дебон боқғил – карам, лутф айлабон,
Нафси саркашдин бу бандангни жудо қил, эй Худо.

Ҳавойи нафсдан қутулиш ошиқлик шартидир

Ишқ ва ошиқлик ҳавойи нафсдан қутулиш шарти ва чорасидир: "Чин ошиқ эсанг, берма кўнгул нафсу ҳавоға". Машраб нафс ҳукмронлигидан қутулишда Яратган Эганинг Ўзидан бошқа чорасоз йўқлигини теран англаб: "Нафси саркаш муддаосидин Худо берсун паноҳ" дея буюк маърифат билан ўзини Ҳақ таолога топширади. Яна: "Қулунгни берду(р)ма иймонини бул нафси шайтонга", дея мададкор Зотга юзланади:

Худонинг бандасиман, **Раббано**дин ўзга ёрим йўқ,
Расулнинг умматиман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ.

Дарҳақиқат, тасаввуфнинг энг ҳаётбахш ғояларидан бири дунёдан иймон босаломат чиқмоқ масаласидир. Машраб ижодида тўлиқ ҳолда бу қайғунинг шеърий ифодаларини кузатиш мумкин:

Бу йўлда лоф урар эрдинг, на бўлди нафйи исботинг? –
Ман айтай санга, Машраб, нафси шайтондин нечук чиқдинг?!

Улуғ мутасаввифлар шарҳига кўра, маҳбус киши имкон борича саломат ҳолда ҳибсдан чиқиб олишни истайди, шунга интилади. Мўъмин киши ҳам саломат иймон билан дунёдан чиқиб олиш чораларини кўриши, дунёдан тўғри ва унумли фойдаланиши, ҳар бир соатини ғанимат билиши зарурдир. "Дунё мўъминнинг зиндонидир" деган ҳадиснинг шарҳи шудир. Машрабнинг нафс билан қилган ҳадсиз мужодалалари хулосаси шуки: мўъмин киши нафсдек кофирдан айрилса, Ҳаққа етади:

Кетар вақтида Машрабнинг дилига ганжи раҳмат бер,
Илоҳо, йўл йитурган Осий умматларга жаннат бер,
Мусулмон бандага кўфруқ ўтарда хуш саъодат бер,
Дилига ҳар замон оташи гарми муҳаббат бер,
Етар мўъмин Худога, нафсдек кофардин айрилса.

Мутасаввиф олимлар тасаввуф оламининг уч муҳим мақсадини баён қиладиларки, булар ҳаммаси моҳиятан нафс тарбияси билан боғлиқдир:

1. Маърифатуллоҳга эришмоқ. Яъни Аллоҳни танимоқ. Унга бегона бўлмаслик, Ундан узоқ бўлмаслик, яқин бўлиш, жоҳил бўлмаслик, ғофил қолмаслик.

2. Нафсга ҳоким бўлмоқ. Нафсни тиймоқ, тизгинламоқ, забту рабт остига олмоқ, нафсига сўзини ўтказа олмоқ, нафсини тарбия қилмоқдир. Чунки нафс ўз ҳолига қўйсангиз, у худди тормози ишдан чиққан машинага ўхшаб қолади, инсонни фалокатга элтади.

3. Ахлоқни гўзаллаштирмоқ. Буни эса таҳзиби ахлоқ – ахлоқни яхшиламоқ, покламоқ, гўзаллаштирмоқ дейилади. Нафсни ислоҳ қилгандан кейин, уни поклагандан кейин ахлоқ гўзаллашади. Юқорида айтилганидек, тасаввуфда нафснинг ўз хоҳлаган ишини қилиш ҳуррияти йўқ. Ислом тасаввуфида **ҳаққа ҳуррият бор, ботилга тўсиқ бор.**

Диққат-эътибор билан кузатилса, Машраб ижодининг моҳияти ҳам ана шу пок ғоялардан иборатдир.

Тасаввуф – ҳаётсеварлик, ҳалол меҳнат ва бунёдкорлик йўлидир

Нодонлик, зўравонлик, истибдод, мансаб ва мавқеини суиистеъмол қилиб, илм ва олимни хўрлаш авж олган даврларда "Тасаввуф ва тариқат таркидунёчиликни тарғиб қилади" деган жоҳилона ҳукмлар пайдо бўлди. Баъзи илмий ва ижтимоий муассасаларга суқилиб кирган эътиқоди бузуқ шахслар шу фикрга эга бўлиб, бошқаларни ҳам бунга ишонтиришга уринган. Бундай қарашлар тасаввуф таълимотига очиқ туҳматдир. Чунки тасаввуф, тариқат халқ дарди билан яшашни ўргатадиган руҳий-маънавий тарбия йўли, нафсни поклаш, инсон шахсиятини камолга етказиш, одам фарзандини улкан шахсият даражасига кўтариш таълимотидир.

Тасаввуфда "таркидунё" деган истилоҳ бор, тасаввуфий асарларда ҳам бу ибора учрайди. Лекин тасаввуфдаги "тарки дунё" мафҳуми асл маънодаги дунёни тарк этиш дегани эмас, балки дунёга берилмаслик, дунёга кўнгил қўймаслик, унга оғмаслик маъносидадир. Қуйидаги сатрлардан ҳам бу маъно равшан кўриниб турибди:

Зоҳирида сўфийман деб тарки дунё айлаган,
Ботини дунёга мойил бахти қароларни кўрунг.

Маънавиятдан воз кечиб, дунёга берилиш ҳамма фалокатларнинг боши, руҳий, ахлоқий таназзул сабабидир. Жаҳон тарихидаги барбод бўлган салтанатлар, инқирозга учраган жамиятларнинг ҳаммаси дунёга берилиш, дунёвий ҳаёт, лаззат, айш-ишрат ва маишатпарастликни устун қўйиш оқибатидир. Дунё бир денгиз, инсон умри кемадир. Кема сувнинг устида юрса, мақсад манзилига етади, лекин сув кеманинг ичига кирса, ҳалокатга учрайди. Худди шундай, инсон дунёдан баланд бўлиб, тўғри фойдаланса, нажотдир, дунё инсоннинг ичига кирса, фалокатдир. Бу эътиқод "Дунё ҳалол, унинг муҳаббати ҳаромдир" деган шиорга асосланади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари **"Дил ба ёр, даст ба кор" — "Зохиран халқ билан, ботинан ҳақ билан"** шиорини ўз сулукларида дастуруламал қилиб олдилар. Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари "Рисолаи волидийя"да ушбу байтни келтирадилар:

Ичда бўлғил ошинову, ташда бўл бегонаваш,
Бул каби зебо равиш, билким, жаҳонда оз бўлур.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари Соҳибқирон Амир Темурдан 18 йил олдин туғилиб, 16 йил олдин вафот этганлар. Амир Темур салтанат тепасига кела бошлаган даврда Туронзаминда Нақшбандия таълимоти анча ёйилган, руҳий кўтаринкилик жараёни уйғонган, махфий зикр ва ҳалол меҳнат амалиёти жорий этилган, озодлик ва мустақилликнинг маънавий асослари ўрнатила бошлаган эди. Бу диёрнинг тинчлиги, зафарлари, равнақи ва тараққиётида ҳамиша тасаввуф улуғларининг ўз ўрни, фаол иштироки, таъсир кучи муқаррар мавжуд бўлиб келган. Амир Темурнинг пири ҳазрати Шамсуддин Кулол, Бобурийларнинг ва Самарқанд ҳукмдорларининг пири ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Насаф ва Китоб султонларининг пири ҳазрати Хожагий Эмканагий ҳаётлари бунга очиқ далилдир.

Нақшбандия сулуки ҳалол меҳнат билан ҳаёт кечиришга тарғиб қилади. Бу ҳаётбахш йўл мансублари деҳқончиликми, ноннойликми, тижоратми, бошқа касб-корми, ўз хизмати билан оиласини обод қилиши, мамлакатга қараши, инсонларга манфаат етказиши шарт ҳисобланган. Бу таълимотнинг тез ривож топиб, бутун оламга ёйилиши сабаби шундадир. Машраб ҳам: *"Яъни, умр бехуда ўткарсанг, ибодатдин эмас"* деб ёзади.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ўзлари қўл меҳнати ва ҳалол ризқ борасида инсонларга ибрат бўлганлар. "Мақомоти Шоҳ Нақшбанд" китобида айтиладики: "У зот кучли риёзатга эга бўлишларига қарамай, ҳалол ризқ талабида бошқаларнинг замбилини кўтарар эдилар. ...Ул Ҳазратнинг қадамлари суннатга тобе бўлишда мустаҳкам эди. Ҳалолга интилиш ва шубҳали нарсалардан қочишни, айниқса, ҳалол луқмани таъкидлаб гапирар эдилар. Суҳбатларида доимо "Ибодат ўн қисмдир, ўндан тўққиз қисми ҳалолликни қидириш, бир қисми эса бошқа ибодатлардир" деган ҳадис ўтар эди. Уларнинг барча ёронларида шу сифат акс этган ва унинг амали ошкор эди... Хожамизнинг таомлари зироатдан – экин-тикин қилишдан ҳосил бўлар эди. Ҳар йили бироз арпа ва мош экар ва ишлов берар эдилар. Хўкизларини эҳтиёт қилар эдилар. Уларнинг шариф суҳбатларига келган уламолар ва акобирлар таомларини табаррук билиб ер эдилар".

Машраб ҳам ўз ижодида хизмат омилини

Эранлар хизматиға борсанг, аммо беадаб бўлма,
Муҳаммад умматисан, доимо бел боғла хизматга...

Яна: *Ки, қулнинг нархи камдур, гар ўгурса юзни хизматдин...*

Яна: *Машрабо, ёр хизматини айла жону дил билан, Ушбу даврон ҳам ғанимат бўлмағайди кошки...*

Мажоздан холи ҳақиқатлар, ноз ва эркаликлар

Ҳақ ошиқларининг баъзан ўз Раббига – ўз Эгасига нозлари, эркаликлари бўлади. Бу ҳол ошиқнинг кечаю кундуз Маъшуқ ёди билан яшаб, доим унинг ишқида куйиб, узлуксиз Унга қуллик қилиши сабабли юзага келади.

Машраб шеърларида мажоздан холи бўлган *Машраби мўътабар, Машраби ошиқ, Машраби вақт, Машраби гумном, роздон Машраб, дилбино Машраб, Машраби соҳибдуо, Машраби Маҳдий, Машраби Маҳдий Адҳамий* сингари беихтиёр ўртага чиққан ҳақиқат ифодалари ҳам учрайдики, бу Машрабнинг дард аҳлига айтган розлари, Яратган Эгасига эркалиги, ўз Мавлосига нозларидир. Хожа Аҳмад Яссавий айтганларидек, Ҳақнинг ошиқлари кўзларидан ёш ўрнига қон тўкади, парвонадек ўзини шамъга уради, ошиқ куйса, маъшуқи билан бирга куяди, оҳи етти кўкка етади, уларни Ҳақ дийдори куйдиради, саҳарларда

қон йиғламоқ кори бори бўлади, *"Ул сабабдин Маъшуқиға нози бўлгай!.."*[28] Шубҳасизки, Машрабнинг эркалик ва нозлари ҳам унинг ҳадсиз риёзатларидан вужудга келгандир.

Машраби мўътабар – инсон зотининг мўхтарам эканига, Ҳақ таоло ва Пир ҳузурида эътибори борлигига ишорат; ***Машраби ошиқ*** – мажоздан йироқ, илоҳий ишқ соҳиби; ***Машраби вақт*** – замона Машраби, ўз даврининг Машраби; ***Машраби гумном*** – ўз ҳол ва карамотларини шоирлик ва девоналик билан беркитиб келган зот; ***роздон Машраб*** – илоҳий сирларга мазҳар бўлган ориф; ***дилбино Машраб*** – зикр ва риёзатлар натижасида кўнгил кўзи очилган шахс, зеро ўзи: *"Расулнинг наътиға умрини айлаб адо Машраб, Сафойи қалб топиб, бўлди дилбино Машраб"*, дейди. ***Машраби соҳибдуо*** – дуоси ижобат бўладиган риёзат соҳиби.

Машрабнинг ҳиммати – бошқалар айтишга қўрқадиган ҳол, унинг умматга шафқат ва меҳрибонлиги шу даражадаки: "Манга дўзахни танҳо бер" дейди. Бу ҳиммат қошида диллар қўрқувда ва ақллар ҳайрон, идроклар лол.

Машраб шеъриятида умр қадри, хаёт мазмуни талқинлари

Тасаввуф вазифалари ичида ўлимни ёд этиб, ўз нафсига насиҳат қилиш бор, дедик. Инсон ҳаётида баҳор фасли билан хазон фасли кеча билан кундуздек ўрин алмашиб туради. Одам фарзандининг шуъурини таниган вақтдаги илк шавқли баҳорлари билан кейинги ғамгин баҳорлари ўртасида фарқлар бор. Одам боласининг илк кўрган хазонлари устидаги ғолибона юришлари билан кейинги хазонлар узра қадди эгик, боши хам юришлари ўртасида фарқлар бор. Машраб бу алмашувлар ва тафовутларни бир нукта билан ифодалайди:

Хаётингни ғанимат бил неча кун ушбу оламда –
Ки, вақти навбаҳор ўтти, яна вақти хазон кўрдум.

Қаро ерга кирмайдиган ким бор? Қайси гўзал, қайси сарвқад, қайси шоҳ, қайси гадо?

Қаро ер остига кирди ҳама сарву санавбарлар,
Ғаниматдур, бирадарларки, ушбу давру давронлар.

---

[28] Аҳмад Яссавий, Девони ҳикмат, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, Тошкент, 1992. 139-ҳикмат.

Ҳеч кимнинг умр баҳори ғафлат билан ўтиб, қишга айланмасин: *“Баҳори гулшани умри зимистон ўлмасун ҳеч ким”.* Шундоқ экан, умрнинг баҳори хазон бўлмай туриб, саҳар вақтларида нолалар, тавбалар қилиб, истиғфорлар айтиб йиғлаган яхшидир:

Хазон бўлмай гулистони баҳори умр, эй Машраб,
Саҳар вақтида булбулдек фиғонлар қилганим бехрок.

Инсоннинг қайси вақти тўғри ва фойдали ўтган бўлади? Одамнинг қайси вақти қадр топади? Машрабнинг жавоби оламшумул, орифона жавобдир: *“Худонинг ёди бирлан ўтган умрунгни ғанимат де...”.* Шоир фикрича, ошиқликни даъво қилувчи киши бир лаҳза Ҳақ ёдисиз юрса, у умр – умр эмасдир:

Ман нечук юргум бу ғурбатхонада дилдорсиз,
Умр эмас ошиққа, гар бир лаҳза бўлса Ёрсиз.

Абадий умр Дорул-бақода, абадият уйидадир, дунё уйида туриш учун бир соат ҳам фурсат йўқ, лоладек тўкилиб сўлиш бор.

Умр азал – дорул-бақо, дайри фаноға турғали,
Лоладек бир соате йўқдир манинг ҳеч фурсатим.

Маънавият бозори Ҳақ зикри билан қизийди: *“Умр савдосини нобуд қилма, бозоринг Манам”.* Умр ҳаводис чақмоғи кабидир, лекин ғофил одам ой ва кун туришида бир лаҳза фурсат йўқлигини билмайди, кеча ва кундузнинг алмашиниб туришини тафаккур қилмайди, Ҳақ таоло бу коинотни, осмонларни ва ерни беҳуда яратган эмас: *“Умр чун барқи ҳаводис, ғофил одам билмади, Ойу кун оромига бир лаҳзае фурсат эмас”.*

Рўзғорнинг тавоғи синса, бир чора қиласан, умринг тавоғи синса қайга борасан? –

Зиндаликда қадри умрунгни билиб, тоатда бўл,
Бас, мабодо қўрқаман қўлдан тушиб сингай тавоғ.

Умр гавҳари баҳоси йўқ, ноёб гавҳардир, яхши бир экин экмасдан, надомат билан умринг ўтмасин: *“Бебаҳо, ноёбдур, билсанг, бу умрунг гавҳари”, Умринг ўтти, во дариғо, қилмадинг бир яхши кишт”.* Холбуки, умрингнинг ҳар соати учун қон йиғласанг, арзийди: *“Бул ўтган умрунга ҳар соате қон йиғласанг, арзир”.* Агар молу дунёдан бир хасчалик нарса орқангда қолган

бўлса ҳам, у балойи жонингдир, унинг ҳисобини бериш осон бўлмайди, ҳалол нарсага ҳисоб, ҳаром нарсаларга азоб бор; агар дунёда бир игнага меҳр қўйган бўлсанг, унинг муҳаббати дилингдан жой топган бўлса, ана шу жонингнинг қийноғидир:

Бир хасе сандин кейин қолди, балойи жонинг ул,
Бўлса бир сўзанга меҳринг, коҳиши жонинг санинг.

Машрабнинг умр қиймати ҳақидаги нидолари инсон нафсига ўлмас насиҳатлардир: "Эй нафсим! Ўлим, қиёмат, охират ҳазил гап эмас. Инсон хаётга бир марта келади. Эсингни йиғ, ақлингни ишлат. Ҳали бу дунёда тирик экансан, ҳали қўлингда имкон бор экан, ўзингни азобдан қутқаришга урин!.. Умрингнинг бирор лаҳзасини ҳам беҳуда ўтказма!.. Ҳар нафасингни ғанимат бил, фикрингни юрит!".

* * *

Машрабдек ошиқ ва ориф зот ҳам оламдан ўтди. Ўзи вақтида огоҳлантирган эди, ўша даврнинг одамлари ўлароқ парво қилмаган эдик:

Халойиқ дуни бўлсам ҳам, жаҳон ичра ғаниматман,
Бу кун ё тонгла айтурларки, Машраб ҳам қазо қилди...

Ўзи хоксорлик қилиб айтганидек, халойиқнинг пасти эмас эди. Машраб ўз ишқи, илму маърифати, олий мақсуд ва ғоялари билан буюк ва юксак шахсият эди. Биз ожиз инсонлар эса, асрлар ўтиб, у зотни зикр қилиш билан обрўй ва иззат топишга риёкорона уринмоқдамиз. Шоир бир байтида: *"Лан танолул-бирра ҳатто тунфиқу..." амрин эшит, Мисли абри даргузар бўл, "Раббийал-аъло"га ет"*, деб нидо қилган эди. Бу илоҳий каломнинг маъносидирки, Ҳақ таоло: **"Токи яхши кўрган нарсаларингиздан (Аллоҳ йўлида) инфоқ қилмагунингизча яхшиликка (хайрга, тақвога, Аллоҳнинг ризосига) эриша олмайсизлар"**, дейди[29]. Машраб инсонлар учун энг яхши кўрган нарсасини, умрини, жонини фидо қилиб ўтди. Унга сидқидилдан энг улкан яхшиликни – Ҳақ таолонинг раҳмати ва ризосини тилаймиз.

[29] Оли Имрон сураси, 92-оятидан.

* * *

Машраб ижоди борасида кўп муҳтарам олимлар хайрли ишлар қилиб, илмий-тадқиқий мақолалар ёзганлар. Булар орасида фидойи олим, истеъдодли хаттот Жалолиддин Юсуфийнинг хизматлари беқиёсдир. Машраб шайдоси бўлган бу зот кўплаб қўлёзма ва тошбосма асарлардан шоир шеърларини жамлаб, аввал "Меҳрибоним қайдасан" (1990) китобини, кейин "Девон"ни (2006) кўплаб нусхада нашр эттирди. У кишининг луғат, шарҳ ва изоҳлари улкан илм ва кенг дунёқараш маҳсулидир.

Жалолиддин Юсуфийнинг аждодлари вақтида замонасининг эътиборли алломаларидан ҳисобланган, хусусан, 7-9 пушт юқори бобокалонлари Саййид Жалолуддин Бухорий улкан олим, моҳир хаттот бўлиб, Мир Араб мадрасасининг устозларидан бўлганлар. Оталари Саййид Муҳаммад Юсуф (Юсуфжон Ҳақбердиев) ўз фарзанди Жалолиддинни Машраб ва мумтоз шеърият муҳаббати билан тарбият қилган, у кишига нозик хаттотлик санъатини ўргатган. Машраб асарларини жамлаш ва кўчириш у кишига отамерос хислатдир. Чунки бу мумтоз шоир шеърларини тўплашда дастлаб оталари ташаббус кўрсатган. Юсуфийнинг бобомерос кутубхоналарида ҳозир ҳам кўплаб нодир (50 га яқин) асарлар билан бирга Машраб китоблари сақланади.

Жалолиддин Юсуфийнинг яна бир улкан хизматлари бор. У киши Машрабнинг турли баёзларидан тўплаган шеърларини араб ёзувида нодир ҳуснихатда кўчириб чиқганлар. Ҳозирда бу қимматли қўлёзма олимнинг укалари — шоир ва адабиётшунос олим Камолиддин Юсуф қўлларида сақланади. Биз ушбу нодир асарни ҳам жорий ёзувдаги матни билан бирга нашрга тайёрлаш ҳаракатидамиз.

Вақтида марҳум аллома, доктор, профессор Ғайбулла Саломов Жалолиддин Юсуфийнинг маънавий хазиналарини ардоқлаб, у кишини "Халқ академиги, халқ орасидан, оддий қишлоқ муаллимидан чиққан аллома!" — деб алқаган эди. Менимча, бу муҳаббатли таърифда муболаға йўқ, балки эътироф бор, хизматни қадрлаш бор.

Бу кун бемор бўлиб, тўшакда ётиб қолган заҳматкаш олимга узоқ, баракотли умр, қилган хизматларининг натижасини кўриш бахтини тилаймиз.

Ўзбек китобхони бу халқ олимининг хизматлари натижасида

Машраб ижодидан тўлиқ баҳраманд бўлиш, мумтоз шоирни яхшироқ ва тўлиқроқ таниш имконига эга бўлди. Дардкаш шоир ичдан бўзлаб:

Аҳволи дилим айтғали бир маҳрамe топмай,
Зулмингни қариндошу ғамингни падар эттим.


деган эди. Маъшуқ зулмини ўзига қариндош тутган, ғамини ўзига падар қилган саййид, олим ва дарвиш Машраб шеърияти ҳали кўплаб шарҳ ва тадқиқотга манбаъ бўлажакдир.

Ҳозирча эса... Қалби яланғоч – ҳақиқатга оч, дардлари ошкор – ташнаи дийдор, ишқи оташнок, муҳаббати пок, сўзлари ўтлиғ, оҳлари дудлиғ, мажозлари тагли, ҳақиқати рангли, туйғулари жорий, мақсуди олий, қўрқуви пурғам, умиди маҳкам, ҳислари тошқин, шеърлари жўшқин, иймони соғлом, ихлослари том – биз билган ва биз севган Машраб ана шудир!..

Мирзо КЕНЖАБЕК

2016, сентябрь – 2017, май.

Ғазаллар



Бисмиллоҳир-Роҳманир-Роҳийм

1

Кори муфлис саҳл[1] эрурким подшонинг олдида,
Сийнайи дафтарни очманг дилсиёнинг олдида.

Ман тасаддуқи ўшандоқ олийҳимматлар бўлай,
Икки олам бир қадамдур авлиёнинг олдида.

Раҳматан-лилоламийннинг[2] уммати бўлсанг агар,
Роҳи аслингдин гапурма рўсиёнинг олдида.

Кимки жоҳилдур, насиҳат берсанг, анга сахт етар,
Икки дунё нур бўлур соҳиб дуонинг олдида.

Домани давлатни тутганлар билур бул маънини,
Яхши сўзни сўзламанг бахти қаронинг олдида.

Машрабо, ҳар қайга борсанг, излагил ганжи ниҳон,
Рўзи Маҳшар қурб топгайсан Худонинг олдида.

---

[1] **Саҳл** — енгил, осон, номушкул.

[2] **Раҳматан лил-ъоламийн** — Қуръони карим ифодаси: Оламларга раҳмат пайғамбар — ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом. 21/Анбиё сураси, 107-ояти мазмуни: "(Эй Муҳаммад!) **Биз сизни оламларга фақатгина раҳмат қилиб юбордик".**

2

Ман нола қилай шому саҳар дод, эшигингда,
Жонимни берай, шўхи паризод, эшигингда.

Ул лолаву райҳону суман, тоза қизил гул
Ҳам сарв букулди, қади шамшод, эшигингда.

Хўбони жаҳон бўлса тақи Юсуфи Канъон,
Султону амир бандайи озод[3] эшигингда.

Зулфинг сени бу жонима юз доми балодур,
Жоним қуши сайд ўлди чу сайёд эшигингда.

Олам бориси лаззати ҳуснингни топибдур,
Гирёну фиғон, нолаву фарёд эшигингда.

Савдойи муҳаббатга тушубман сани излаб,
Ўлдурди ғаминг, кўзлари жаллод, эшигингда.

Ашким тўкибон ҳажру ғамингда кеча-кундуз,
Вайрона ватан – манзили обод эшигингда.

Ул ҳусни жамолинг ўти Машрабға тушубдур,
Парвонасифат куйди, паризод, эшигингда.

---

[3] Бандаи озод – озод қул маъносида.

Жумлайи мақсудни сан Зоти Аллоҳдин тила,
Сан гадосан, ҳожатингни **шайънан-лиллоҳ**[4]дин тила.

Ваъда қилғондурки: "Ҳеч мўъминни зое қўймайин",[5]
Онча ҳожотингни сан **"ҳажран жамило"**дин[6] тила.

Гар иноят қилмаса, қилғон намозинг нодуруст,
Хосили уқбони сан ул файзи Аллоҳдин тила.

"Раббийал-аъло"[7] дебон бошингни қўйғил саждага,
Такя қилғил Каъбаға, ажрингни Аллоҳдин тила.

Чун Халил[8] оташга кирғил, бутга сажда қилмағил,
Ганжи дилни котиби **"Наҳну қасамно"**дин[9] тила.

Они бир оти Самиъдур, ёна бир оти Басир,[10]
Сан дуонинг фатҳини **"Алҳамду лиллоҳ"**дин[11] тила.

Қўл узотсанг, Машрабо, ул домани Аҳмадга[12] ур,
Жўйбори пешага қўл солма, дарёдин тила.

---

[4] **Шайънан-лиллоҳ** – тиланчилар сўзи: "Аллоҳ учун бир нарса бер". Бу ўринда дуо маъносида.

[5] Бақара сураси, 143-оятига ишора; мазмуни: **"Аллоҳ сизларнинг иймонингизни асло зоеъ қилгувчи эмасдир"**; яна 18/Каҳф сураси, 30-оятига ишора; мазмуни: **"Дарҳақиқат, иймон келтирган ва солиҳ** (савобли) **амаллар қилганлар эса, Биз, албатта, амали гўзал бўлган кишининг мукофотини асло зоеъ қилмасмиз".**

[6] **«Ҳажран жамило"** – Қуръони карим ифодаси: 73/Муззаммил сураси, 10-ояти мазмуни: **"У** (бутпараст)**ларнинг сўзларига сабр қилинг** (матонатли бўлинг). **Улардан чиройли бир айрилиш билан айрилинг".**

[7] Асли "**Субҳона Раббийал-аъло**" – сажда тасбиҳи: "Менинг олий Раббим пок ва муназзаҳдир".

[8] Халил – ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом. Золим Намруд ул зотни оловга ташлаганига ишора.

[9] **Наҳну қасамно** – Биз тақсим қилдик; Қуръони каримнинг 43/Зухруф сураси, 32-оятига ишора, мазмуни: **"Раббингизнинг раҳматини улар тақсим қиладиларми? Дунё ҳаётида уларнинг ризқи рўзларини ўрталарида Биз тақсим қилдик!"**

[10] **Самиъ** – эшитгувчи, **Басир** – кўргувчи; Ҳақ таолонинг субутий сифатларидан.

[11] Бутун ҳамд (ва мақтов) Аллоҳга хосдир; Қуръони карим очқичи – Фотиҳа сурасига ишора.

[12] Аҳмад – ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг Инжилда келган ва Қуръонда билдирилган исмлари.

4

Тушти савдойи муҳаббат бошима,
Ор этар мардум келурға қошима.

Ваҳ, муҳаббат қўйида қон йиғладим,
Етти иқлим ғарқ бўлди ёшима.

Сажда айлар зоҳид[13] ул меҳробига,[14]
Ман қилурман сажда эгма қошима.[15]

Қил ҳазар, албатта, жонон, қаҳрдин,
Узру зорим санга – бағри тошима.

Муҳтасиб тўқтурди соқий бодасин,
Етмади ақли анинг сирдошима.

Кунда юз минг жабр қилсанг, ўргулай,
Қўй қараб ғам тошини бардошима.

Машраби девонани ҳайрон қилиб,
Не сабабдин келмадинг бир қошима.

---

[13] **Зоҳид** (кўплиги **зуҳҳод**) – 1) дунёга хоҳиш билдирмаган, дунё муҳаббатига кўнгилдан жой бермаган киши; б) тасаввуфий адабиётда: ***зоҳид*** – хом сўфий, руҳи хом, ҳали пишмаган, комилликка эришмаган, диннинг моҳиятидан бехабар расмиятчи ва зоҳирпараст киши; ориф ва ошиқ бўлмаган кимса.

[14] **Меҳроб** 1) Илк зоҳид ва сўфийлар ибодат қилиш учун танлаган ёлғизлик бурчагини меъроб дейишар эди; 2) халқ қалби йўналган матлуб, мақсуд, мурод.

[15] **Эгма кош** (қош, абру) – тасаввуфда: нуқсон туфайли соликнинг даража ва мақомида кузатилган тушиш, сўнг илоҳий иноят ва жазба сабабли яна ўша мақом ва даражасига қайта кўтарилиши (Ироқий).

5

Сансан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ғам шоми фироқингда кабоб этти фалакни,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ногаҳ сари зулфунг сори бўлдум санга мойил,
Эй тожи сарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Лаълинг ғамидан кўнглум эрур ғунча каби қон,
Гулбарги тарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Заҳри ғами ҳажринг мани ўлдурғали етти,
Эй лабшакарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Машраб каби кўйингда бўлиб барқи тажаллий,
Қолмай асарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

6

Ҳар кишининг дарди бўлса, йиғласун ёр олдида,
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор олдида.

Андалиби бенаводек нолаву афғон ила
Айланиб сайраб юрарман айни гулзор олдида.

Мансури Ҳаллождек[16] **ичиб** "шаробан антаҳур",[17]
Чарх уруб йиғлаб турарман ушбу дам дор олдида.

Ҳар киши бир журъае нўш айласа бул бодадин,
Ул қиёматда қилур арзини Жаббор олдида.

Телба Машраб, қилмағил сиррингни зоҳидга аён,
Айтиб-айтиб йиғлагайсан ошиқи зор олдида.

---

[16] Мансур Ҳаллож – "Анал-Ҳақ" дегани сабабли дорга ҳукм қилинган машҳур сўфий.
[17] Асли "шаробан таҳурон" – беҳад пок шароб; 76/Инсон сурасининг 21-оятига ишора (мазмуни): **"Раббилари уларга** (жаннат аҳлига) **беҳад пок бир** (охират) **шароб(и)ни ичирур".**

Асли давлат дин эрур, марди бадавлатман дема,
Дилда маъни бўлмаса, аҳли ҳақиқатман дема.

Гар саховотинг жаҳонни тутса чун Ҳотам сифат,
Иш риёдин холи йўқ, соҳиб саховатман дема.

Қатрайи оби манийга моуман[18] лозим эмас,
Мужтаҳидни ўғли бўлсанг, бекудуратман дема.

Сан насаб бозорига солма ўзунгни, эй азиз,
Маҳзи тақлид бирлан авлоди Муҳаммадман дема.

Муттақий бўлмоқ, бу йўлда нафсни ўлдурмоқ керак,
Зиндаликда ўлмасанг,[19] аҳли тариқатман дема.

Ер юзининг тоатин қилганда ожизликни тут,
Дилни нахватдин[20] аритгин, аҳли тоатман дема.

Муҳтасиби[21] нафс бўлсанг, дилни ширкатдин арит,
Сан бу нодонлик билан соҳиб насиҳатман дема.

Ҳафт иқлим бўлса фармонингга чун нақши нигин,
Талхийи жонкандалик бордур, башавкатман дема.

Бандаликда мустақим бўл, гарданингни Анга бер,
Сан адам[22] йўлини тутгил, аҳли хизматман дема.

---

[18] Моуман – манманлик, кеккайиш, гердайиш, кибру ҳаво. Яъни, қатра манийдан пайдо бўлган инсонга манманлик, кибру ҳаво дуруст эмас.

[19] "Ўлмасдан олдин ўлинглар" деган ҳадиси шарифга ишора. Ҳазрати Шаҳобуддин Суҳравардий: "Ўлмасдан олдин ўлмоқ қиёматдан олдин тирилмоқдир" деганлар. Яъни, қиёмат ҳақиқатларини ҳаёти дунёда бор вужуд билан ҳис этиб яшамоқдир.

[20] Нахват – бу ўринда: *ғурур, кибру ҳаво, катта кетиш* маъносида.

[21] Муҳтасиб – шариатга хилоф ишларни текширувчи; бозордаги тош-торози ва нархларни назорат қилувчи; бу ўринда: "Ўз нафсингни ҳисоб-китоб қилувчи, текширувчи бўлсанг" деган маънода.

[22] Адам – йўқлик, йўқ бўлиш.

Кўп, жиҳоди акбари қил, нафс бирлан сан уруш,[23]
То Сиротдин ўтмасанг, аҳли саломатман дема.

Не диловарларни йиққан нақдини олганда бил,
Мушти хокий бебизоатсан, баҳимматман дема.

Мисли Яҳё йиғлагил[24] шому саҳар мотам билан,
Дийдадин хун тўккил-у, аҳли надоматман дема.

Хастадил Машрабнинг асрорини билсанг, эй ҳаким,
Бул хатарлик йўлдасан, соҳиб кароматман дема.

[23] "Жиҳоди акбар" – "катта уруш" демакдир; "Катта уруш кишининг ўз нафсига қарши қилган урушидир" деган ҳадиси шарифга ишора.
[24] Яҳё алайҳиссалом – Бани Исроил пайғамбарларидан; "Мисли Яҳё йиғлагил" – 19/ Марям сураси, оятига ишора, мазмуни: **"Яна** (Биз Яҳёга) **Ўз ҳузуримиздан бир қалб юмшоқлиги** (йиғловчанлик) **ва** (гуноҳлардан) **покизалик ҳам** (эҳсон этдик)".

8

Эй сабо, ғамбодадурман, бистаримни кавлама,
Чун шафақ олудаман, хокистаримни кавлама.

Ҳар замоне Лайлидин манга китобатлар келур,
Санки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кавлама.

Хонавайронлар билур афтодаларнинг ҳолини,
Эйки маҳрам бўлмасанг, чашми таримни кавлама.

То кишига дард тегмай, бўлмади бағри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама.

Ҳажр тошидин сарофат[25] бошиға етган ўзум,
Киштийи мотамдадурман, лангаримни кавлама.

То бир уммат йўлға киргунча жигархун бўлдилар,
Уммат эрсанг жон фидо қил, Сарваримни кавлама.

Етти дўзах ўртанур афтодаларнинг оҳидин,
Оташи ҳажрида куйган мижмаримни[26] кавлама.

Ломаконнинг шаҳрини бир "Ҳув" билан сайр айладим,
Жабраил, борғил нари, болу паримни кавлама.

Баҳри раҳматга кириб, қилдим вужудимни адам,
Маърифатдин бехабарсан, дафтаримни кавлама.

Дурри дарёи маъоний бўлди чун Машраб, вале
Дийдабийно бўлмасанг, кўз гавҳаримни кавлама.

---

[25] Сарофат – саралаш, холис бўлиш, қайтариш ("Ғиёс ул-луғот").
[26] Мижмар – хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган идиш, чўғдон, ўтдон.

9

Нетай, эй дўстлар, бўлмай юзи шамъиға парвона,
Туман минг ишва бирлан кўнглум олди шўхи жонона.

Насими етса қўйидин, бўлур гулзор саҳролар,
Тушар оламға оҳим ўтидин бир раъди барқона.

Бўлубдурман ҳамадин – ҳур бўлсун ё пари бўлсун –
Жамиъи маҳлиқолардин анинг ишқида бегона.

Не тонг, раҳми келиб берса мани махмури ҳайронға,
Ўшал ҳусн аҳли шоҳи ишқ майидин қатра паймона.

Эрур зуҳд аҳли[27] ҳурсанд, сояйи қаддида аржуманд,
Муҳаббат аҳли ишқ саҳросида мажруҳи девона.

Тилаб ҳақдин кеча-кундуз бошимни саждадин олмам,
Муродим ишқ эли хоки танимдин қилса паймона.

Тарийқи ишқ аро ноёб агар, Машрабки, бир жонинг,
Йўлида, бўлса минг жонинг, фидо қил, шери мардона.

10

Маърифатнинг гулзори – Мулло Бозор девона,
Ошиқларнинг сардори – Мулло Бозор девона.

Йўқтур асло кийнаси, баҳри урфон сийнаси,
Нури Ҳақ ойинаси – Мулло Бозор девона.

Жойларидур Наманган, Ҳақ йўлида жон берган,
Муридларини севган – Мулло Бозор девона.

Ичларидур тўла нур, пирларидур Баҳодур,
Бухорода ул машҳур, Мулло Бозор девона.

Машраб ўзи девона, ишқ ўтиға парвона,
Йўл юродур сарсона, Мулло Бозор девона.

---

[27] Зуҳд аҳли – дунёга берилмай, дунё муҳаббатига қўнгилга яқин йўлатмай, тоат-ибодат билан шуғулланувчилар, тақводорлар; *мажозан:* зоҳирпарастлар.

11

Баногоҳ учради дилбар кулуб мастона-мастона,
Тавозуъ бирла таклиф айлади ул сўйи майхона.

Кўзи хунхор, лаби лаълики, майдин лолагун эрди –
Ки, ман қонлар ютарман ўлгуча паймона-паймона.

Хаёли қомати бирланки ман умрумни ўткардим,
Мани барча халойиқ дейдилар: «Девона-девона».

Биҳамдиллоҳ,[28] кўнгулни мосиводин[29] ман сиво қилдим,
Анинг меҳрини[30] севдим, ўзгадин бегона-бегона.

Қилиб орзу, шу дилбарни тиларман кечаву кундуз,
Анинг ёдини айларман юруб ҳарёна-ҳарёна.

Кўнгулда ғусса кўп, ҳамдард бирлан ҳамдамим йўқдур,
Рақиблар ўртасида телбаман жавлона-жавлона.

Бошим кетса, йўлидан эмди Машраб, қайтарим йўқдур,
Бу жонимни нисор айлай анга мардона-мардона.

---

[28] Биҳамдиллаҳ – Аллоҳга ҳамд (шукр), Аллоҳнинг ҳамди учун.
[29] Мосиво – ...дан бошқа нарсалар; ундан бошқа нарсалар; Аллоҳдан бошқа нарсалар.
[30] Меҳр – 1) қуёш; 2) ишқ, муҳаббат; 3) жамол.

12

Дил ани дерларки, ҳаргиз можароси бўлмаса,
Кўр ани дерларки, бас, чашми биноси бўлмаса.

Жаннатул-Фирдавсни муфт[31] берса бу йўлда, излама,
Хайр ани дерларки, арзандек[32] риёси бўлмаса.

Хобгоҳим Арш эди, мунда ғалат туштум, дариғ,
Нур бўлар эрдимки, нафси аждаҳоси бўлмаса.

Деди Пайғамбар бу сўзни, Машрабо, бо сидқ[33] эшит:
«Дўзахи дерлар ани тарси Худоси[34] бўлмаса».

13

Борурман остонига саҳар оҳиста-оҳиста,
Сурарман кўзларимга хоки дар оҳиста-оҳиста.

Ўтар бир-бир босиб ул шўх, боқмас бевафоликдин,
Эрур андоқ вафосиз умр – ўтар оҳиста-оҳиста.

Кичикликда, нигорим, аччиғ айтса, айб эрмасдур –
Ки, фаслида бўлур ширин самар оҳиста-оҳиста.

Жамолинг баркамол ўлди, бўлур бир-бир хатинг пайдо,
Баҳор ўлса, ўсарлар сабзалар оҳиста-оҳиста.

Борур мискин бу Машраб гул юзунгни кўргали, аммо
Кўролмай оразинг, йиғлаб турар оҳиста-оҳиста.

---

[31] Муфт – текин, бепул (НАЛ).
[32] Арзан – тариқ, паррандалар емаги; кичик, майда; арзимас.
[33] Бо сидқ – сидқ билан, тўғрилик билан.
[34] Тарси Худо – Аллоҳдан қўрқув.

14

Саҳро юзи кўкармас то ёз бўлмагунча,
Булбул тараннум этмас то ғунча кулмагунча.

Кўздин чунон сув тўкғил, иймонинг баҳра олсун,
Боғу чаман кўкармас, ёмғур қуюлмагунча.

Макри рақиб бирлан ҳасрат уйига туштум,
Ғам риштаси узулмас то ёр келмагунча.

Юз йил тирик юрусанг, охир бир кун ўлурсан,
Афсус илан кетурсан то восил ўлмагунча.

Эй Машраби қаландар, яхшиға банда бўлғил,
Ҳалвойитар бўлмас шаккар қўшулмагунча.

15

Санам юзини кўрсатур ошиқи мубталосиға,
Ғами билан бў(л)ғон адо Мажнуни бенавосиға.

Толиби ишқ ўлай десанг ҳиммати Адҳами[35] керак,
Зарра қачон етар вале васли санам оросиға.

Ёр юзини кўрай десанг, васли билан бўлай десанг,
Рози ҡерак қазосиға, сабр керак балосиға.

Ўтти жаҳондин авлиё, муршиду ориф, анбиё,
Бўлмадилар фирифтае дунёни можаросиға.[36]

Восили ҳақ бўлай десанг, ишқу муҳаббат ҳосил эт,
Ўрта ҳавову кибр уйин шамъи юзин зиёсиға.

Куйса муҳаббат ўтиға фисқу фужур гунохларинг,
Хилват этиб келур ўзи кўнгулни хонақосиға.

Машраби бенаводу(р)ман, арзи дилимни айтайин:
Тараҳҳум айла, эй пари, ишқингни бул гадосиға.

---

[35] Иброҳим Адҳам – Аллоҳга ошиқ бўлиб, Балх подшолигини тарк этиб, ишқ йўлига кирган зот. Фаришталар: "Аллоҳнинг ошиғи дунё либосини тарк этиб, охират либосини кийди" деганлари "Тазкират ул-авлиё" китобида баён қилинади. Ҳазрат Навоий: «Мулукдин (подшоҳлардан) эркани худ машҳурдур. Йигитлиғда тавба тавфиқи топти», деганлар.

[36] Яъни: "Дунёнинг можаросиға алданмай ўтдилар".

16

Кўнглумни бердим сан бевафоға,
Куйди юроким жабру жафоға.

Эй нозаниним, раҳм айла манга,
Қолдим сани деб юз минг балоға.

Меҳнат чекарман, роҳат кўрай деб,
Қилсанг жафолар, йиғлай Худоға.

Бемори ишқинг бўлдим, нетарман,
Собир — балоға, рози — қазоға.

Мужгонинг ўқи ўтти юракдин,
Ногоҳ совуқ сўз тушди ароға.

Машраб сани деб кечди жаҳондин,
Раҳм айла, Шоҳо, муфлис[37] гадоға.

17

Кўрсат жамолинг мастоналарға,
Ишқингда куйган парвоналарға.

Мандин дуодур, Сандин ижобат,
Жоним тасаддуқ жононаларға.

Эй кўнгли қаттиғ, раҳм айламайсан,
Қилғил назар сан бечораларға.

Куйган ғарибман, шафқат қил охир,
Куйингда юрган девоналарға.

Машраб сани деб кечти жаҳондин,
Бошини қўйуб остоналарға.

---

[37] Муфлис — йўқсил, фақир, бенаво, ночор, бечора, қашшоқ. Бу ўринда "охират озуқаси кам" деган маънодаги тавозуъ бор.

18

Девонадурман шамъи шарар жилва санамға,
Қурбон бўлай оташкадайи шуъла адамға.

Зебо санамим бода ичиб, юзини очиб,
Ўт қўйди паризод гулистони Ирамға.

Бир "Ху" билан ман Лайлини ҳайрон қилаёздим,
Девоналиғим шона урар зулфи санамға.

Юз жоним агар бўлса, анга ҳеч аямасман,
Ман талпинибон жон берайин қоши қаламға.

Зоҳидки агар ичса эди бодайи маъшуқ,
Сармаст бўлубон бормас эди Макка – Ҳарамға!

Машраб, не балодур шикани туррайи кокул,
Барбод ўладур кишвари дин ушбу ҳашамға.

Арзимни айтай боди сабоға,
Биздин дуолар ул дилрабоға.

Кўзлари Чўлпон, сарви хиромон,
Зулфи паришон, қоши қароға.

Қомати ларзон, ваъдаси ёлғон,
Турмади ҳаргиз аҳду вафоға.

Учди кўзимдин ул пари янглиғ,
Ташлади-кетти турли балоға.

Шоҳи мукаррам, шоҳи муъаззам[38],
Қилмади шафқат муфлис гадоға.

Қилдук иковлон бир аҳду паймон,
Ҳар ким ёмондур, солдим Худоға.

Дарди фироқинг айлади бемор,
Қайға боройин эмди давоға.

Ҳажрингда қилдим тинмай фиғонлар,
Етти бу нолам арзу самоға.

Қилғил тараҳҳум, эй ёри жоним,
Лойиқ эмасман жабру жафоға.

Дарду аламдин болу пар айлаб,
Шаҳбоз[39] кўнглум учди самоға.

Йўл бермадилар манга рақиблар,
Чиқдим бош олиб бул Карбалоға.[40]

---

[38] Муъаззам — буюк, азим, улуғ, ҳурматли.
[39] Шаҳбоз (шоҳбоз) — лочин.
[40] Карбало — бу бу ўринда шаҳидлар маскани маъносида.

Эй ёри бадахд, бемехр экансан,
Раҳм айламайсан ман мубталоға.

Дарду ғам ичра сарғайди юзум,
Ранг бергусидур ул каҳрабоға.

Эй бағри тошим, ҳажрингда куйдум,
Топшурдум охир қодир Худоға.

Эй жонажоним, кўрсам жамолинг,
Жоним тасаддуқ сан хуш адоға.

Ишқингда куйдим, эй сарвинозим,
Бир марҳамат қил ман бенавоға.

Дилхаста Машраб қилмасми фарёд,
Жаллод кўзлар олса ароға!

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,
Ўт ёқти жаҳон мулкида ғавғо қилайин деб.

Мастона хиром эттию кўргузди қадини,
Мандек неча девонани шайдо қилайин деб.

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилайин деб.

Зулфини тараб, қош учуруб жилвалар этти,
Ошуби бало, фитнани барпо қилайин деб.

То айладим олдиға бориб арзи ниёзим,
Чин солди жабиниға таманно қилайин деб.

Мастона саманд секрата келди шаҳи хунрез,
Шамшири жафони яна бурро қилайин деб.

Кўп йилки бу қул хизматини қилмади баржо,
Келдики ғазаб бирлан чу сазо қилайин деб.

Бошимни кесиб олғилу хушҳол бўлуб кет,
Қонимни тўкуб лолайи саҳро қилайин деб.

Ханжар қўлида, Машрабин ўлдурғали келди,
Ғавғойи қиёматни ҳувайдо[41] қилайин деб.

[41] Ҳувайдо — аён, равшан, зоҳир, белгили, ошкоро (НАЛ).

21

Ғам биёбонида қолдим, йиғладим кўп ёр деб,
Оҳ уруб, фарёд этиб, булбулдайин "Гулзор" деб.

Кечаву кундуз куярман ишқ ўтиға доимо,
Дарбадар излаб юрурман соҳиби асрор деб.

Лашкари ғам ҳам синуқ кўнглумни афгор айлади,
То давосиз дардга қолдим, ожизу бемор деб.

Гарчи осийман, эмасман раҳматингдин ноумид,
Ҳар на қилса, эрки бор, ул бандаси ночор деб.

Мағфиратлик бир Эгам деб бўлма ғофил, Машрабо,[42]
Гарчи Ғофирдурки, йўқдур меҳрибон, Жаббор деб.

22

Доимо ёдинг билан юрдум чу саргардон бўлуб,
Оху фарёд айлабон ҳажрингда чун жўён бўлуб.

Ҳар қаён юрдум, сўроғинг топмадим, эй гулъузор,
Айланиб келдим яна ғам уйиға, ҳайрон бўлуб.

Тинмайин қон йиғладим кўйида раҳм этгайму деб,
Илтифоте қилмай ўтти ул пари жавлон бўлуб.

Доғи ҳажринг куйдуруб бағримни, эй номеҳрубон,
Жола янглиғ кўзларимдин оқти қон борон бўлуб.

Арзи ҳолим кимга айтай, меҳрибоним йўқ манинг,
Ким қулоқ солиб эшиткай, ҳолима гирён бўлуб.

Заъфаронděк сарғайиб қолдим фироқинг чўлида,
Ўлгум эмди поймоли лашкари ҳижрон бўлуб.

Киприкинг новаклари кўксумни айлаб ёралар,
Ғамзалик қилғон нигоҳинг ўтти бир пайкон бўлиб.

Бўлма ғофил, Машрабо, эмди яроғинг тўғрила,
Дам-бадам вақти сафардур, қолма боармон бўлиб.

[42] Луқмон сурасининг 33-оятига ишора; маъноси: **"Бас, сизларни дунё ҳаёти алдаб қўймасин! Ўта алдамчи** (шайтон ва унинг дўстлари) **ҳам сизларни Аллоҳ**(нинг мағфирати ва марҳамати кенг, гуноҳлар қилиб яйраб қолинглар деган фириб) **билан алдаб қўймасин** (гуноҳга ботириб, ибодатдан чалғитмасин)!"

23

Сетор ила савти наво айлаганинг хўб,
Хўблар ичида маснади жоҳ айлаганинг хўб.

Бир бокирае ҳуру пари ҳуснига таржиҳ,
Ишрат саманига минибон ҳайдаганинг хўб.

Паргор бўлуб гавҳари дарёйи муҳаббат,
Бир нуктага жон гавҳарини боғлаганинг хўб.

Гар бод мисол чарх уруб, Машраби мискин,
Мастона қаро кўзда нигоҳ айлаганинғ хўб.

24

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним манинг,
Осмонни тийра қилли оҳу афғоним манинг.

Ман нечун шод этмайин бул хаста кўнглумни букун,
Келди ҳолимни сўраб ул шўх жононим манинг.

Эй ситамгар, келгилу эмди шаҳид этгил мани,
Мавж урсун Карбало даштида бул қоним манинг.

Чун Сурайё[43] бормусан, афлокдин[44] боломусан,
Бу фалакда кўрмадим, эй кўзи чўлпоним манинг.

Нозу истиғно билан келгил, манинг ҳолимни сўр,
Термулуб доим йўлингда чашми гирёним манинг.

Тобакай жабру ситам бирлан юрурсан, эй рафиқ,
Чиқти, Машраб, ушбу ғамдин бул азиз жоним манинг.

---

[43] Сурайё – Ҳулкар юлдузи; "Сурайёдек бормисан, осмонлардан ҳам баландмисан?". Навоий айтадилар:
"Кимки фавқас-Сурайё эди манзили, Тобеъинг бўлмағач кирди таҳтас-саро".
[44] Афлок – фалаклар, осмонлар, осмон қаватлари.

25

Арзанега арзимас бул тандаги жонинг санинг,
Дилда дардинг йўқдур, оқмас дийда гирёнинг санинг.

Химмат инг гар бўлса холис, етти Дўзахни бузар,
Бўлса Иброҳимсифат оташ чу бозоринг санинг.

То дилингга дард тегмай, орзулардин жудо,
Чун сўраб келмас ўшал олдингда Луқмонинг санинг.

Сан кўзунгнинг нури кетмай, домани комилни тут,
Канда бўлгай то танингдин кулли исёнинг санинг.

Ман тасаддуқи ўшандоқ оли ҳимматлар бўлай,
Бўлмаса олуда ҳар навъида домонинг санинг!

Бир хасе сандин кейин қолди, балойи жонинг ул,
Бўлса бир сўзанга меҳринг, коҳиши[45] жонинг санинг.

Машрабо, хоби ажалдан лаҳзае бедор бўл,
Мунда жон берганда осон чиқмағон жонинг санинг.

26[46]

Туну кун каби юзунгга ярашиб тушубди холинг,
Юрагимда жо қилибман риштайи қади ниҳолинг.

Манга ичмагу емак йўқ, яна кулмак, ўйнамак йўқ,
Ўзга зикрини демак йўқ, хобу роҳатим – хаёлинг.

Санамо, нечук ширинсан, ою кун ота-онангму?
У жаҳонни куйдурубдур, бу жаҳонда йўқ мисолинг.

Ғами ишқдин бу Машраб бўсағангга бош қўюбдур,
Қиладур фиғони зоре, демадинг нечукду(р) ҳолинг.

---

[45] Коҳиш – койиниш, қийналиш; коҳиши жон – жоннинг қийналиши.

[46] Ушбу ғазал Навойи ғазалига татаббуъдир: "Бадойиъ ул-бидоя" девони, 360-ғазал); матлаъ:
Тилагим сенинг ҳузурунг, талабим сенинг жамолинг,
Неча кун тириклигимдин ғаразим – сенинг висолинг.

Шуҳрат айлабким, алардек худнамоларни кўрунг,
Зоҳирий, сувратпараст ноошноларни кўрунг.

Йўлни билмас умми(й)ларнинг кўзига ориф бўлуб,
Ўзи манзилга етолмай, нобиноларни кўрунг.

Барчага айлар насиҳат, ўзини доно тутиб,
Йўлда қолған бекасу бераҳнамоларни кўрунг.

Куфру иймонни билолмаслар, каромат айлабон,
Тоату тақво билан соҳибриёларни кўрунг.

Ўзини айбин ёпиб, халқ айбини ифшо қилиб,
Зоҳиру ботинда мундоғ норасоларни кўрунг.

Хар киши сўрса насабдин, дам урарлар нафс учун,
Ботини – Фиръавн-у, зоҳир – авлиёларни кўрунг.

Лоф урарлар орифи якдиламан деб халқ аро,
Халқни гумроҳ қилиб, юзи қароларни кўрунг.

Зоҳирида сўфийман деб тарки дунё айлаган,
Ботини дунёга мойил бахти қароларни кўрунг.

Халқнинг кўзига ҳар дам сувратин дигар қилиб,
Нафс учун шайтон билан юрган гадоларни кўринг.

Ўзининг авлодини халқ ичида ифшо қилиб,
Танда йўқ маъно, қуруқ номи сароларни кўрунг.

Шуҳратим офат топар деб Машрабинг қўл олмади,
Кўзда ёшим қатраси – дурри бақоларни кўрунг.[47]

[47] Бу ғазалда 49\Хужурот сурасининг 13-оятига ишорат қилимоқда; маъноси: "... **Шубҳасиз, сизларнинг Аллоҳ наздида энг мухтармроғингиз энг тақволироғингиздир** (Аллоҳнинг амрларига энг мувофиқ яшаб, гуноҳлардан сақланганингиздир). **Албатта, Аллоҳ бенихоят билгувчидир,** (ҳамма нарсадан) **хабардор Зотдир**".

28

Офати жоним ул санам – қоши қаросини кўрунг,
Икки юзига чулғаниб зулфи сиёсини кўрунг.

Ҳуру паридин тозадур, шамсу қамар хижилдадур,
Ким ани кўрса – бандадур, ҳусни зиёсини кўрунг.

Гоҳ ёрим қизил кийиб, қирмизи сочбоғин солиб,
Нозу карашмалар қилиб, аҳди вафосини кўрунг.

Гоҳ қошини чу ё этиб, кифрик ўқи бирлан отиб,
Жоду кўзини ўйнотиб, макру балосини кўрунг.

Машраби бенаводу(р)ман, васли учун гадоду(р)ман,
Ҳажр ўтиға куёду(р)ман, ёр жафосини кўрунг.

29

Охиримни дарду ғамга ошно қилди бу дард,
Йиғламай найлайки, рўзимни сиё қилди бу дард.

Кийибон эгнима, қон йиғлайки, мотамлик либос,
Не диловарларни ер ичра фано қилди бу дард.

Бахт қаролиғ мундин ўтмас, толеим бўлди забун,
Ман вафо қилдим тамаъ, қайтиб жафо қилди бу дард.

Ёғдуруб бошимға ҳар соат лаҳаднинг гардини,
Кўр бу ҳолим: ғамзада бахти қаро қилди бу дард.

Ҳамнафаслардин жудо айлаб, мусибат шаҳрига,
Ошноларни манга ноошно қилди бу дард.

Қайғулик бошимга ҳар дам кўҳи ғамни орттуруб,
Мисли Адҳамдек жаҳондин мосиво қилди бу дард.

Ичканим заҳроба бўлди, кийганим бўлди кафан,
Бошима тўққуз фалакни осиё қилди бу дард.

Ғуссадан ўртанди Машраб, сўрмадинг аҳволини,
Дўст-душманга мани ангуштнамо[48] қилди бу дард.

---

[48] Ангуштнамо – донг таратган, шуҳратли, таниқли (бармоқ билан кўрсатиладиган даражада машҳур).

Ё, Илоҳал-ъоламийн, зикру сано – Сандин мадад!
Тавба қилдим ман букун, фағфирлано,[49] Сандин мадад!

Тавба қилдим ман букун, қилған гуноҳим кўп эрур,
Афв қилғил, Холиқи арзу само, Сандин мадад!

Ҳайбатиндин куфр аҳлин титратиб, қонин тўкар,
Куфр элини йўлға солғон Муртазо,[50] Сандин мадад!

Хатми авлоди Расули анбиёю мурсалийн,
Аҳли авлоди Шаҳиди Карбало,[51] Сандин мадад!

Каъбани бунёд қилғон боз Иброҳим Халил,
Хазнадори Лоязол[52], эй Хизр ато, Сандин мадад!

Машрабо, ўтғил бу йўлдин нола айлаб субҳу шом,
Тонгла ул Рўзи қиёмат, Мустафо[53], Сандин мадад!

---

[49] Фағфирлано – бас, бизни кечир; бизни мағфират қил.
[50] Муртазо – шарафли, эътиборли зот; ҳазрати Алининг (розияллоҳу анҳу) муборак лақаблари.
[51] Шаҳиди Карбало – ҳазрати Ҳасан, ҳазрати Ҳусайн (розияллоҳу анҳмо).
[52] Лоязол – доимий , безавол, азал-абад завол билмас Зот; яъни, Ҳақ толонинг сифатларидан ("Ғиёсул-луғот").
[53] Мустафо – танланган; соф (пок) қилинган, яъни, нолойиқ башарий сифатлардан соф қиланган зот; ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак исм-сифатларидан бири ("Ғиёсул-луғот"). Уз зотнинг шафоатларидан умидворлик ифода қилинмоқда.

Кўрунди кўз қаросиға магар хайли паризоде,
Шафақ тутти жаҳонни, келди ё бир қадди шамшоде.

Чароғон бўлди дунё, ё магар келди манинг ёрим,
Биёбон бўлди боғу бўстони хуррамободе.

Хужуми ғам қилиб барбод, келди бир насими хуш,
Магар озода ёрим, дўстлар, ишқ этти бунёде.

Агар ул шоҳи хоқон қатлима лашкар чекиб келса,
Юроким чок этиб айлай ани олдида ҳам доде.

Баҳористон бўлди, ранг-баранг гуллар бўлуб пайдо,
Хазон этмак учун, дўстлар, Илоҳо, келмагай боде.

Неча йиллар ётибман қору ёмғур остида доим,
Паризодим, маликим қилмади лекин мани ёде.

Ариғ йўлга ўзунгни олки, Машраб, ўтти умрунг, лек
Муроду мақсадиға етмади ҳаргиз хароботе.

Жафо қилдинг бу жонимға, вафони кўрмадим ҳаргиз,
Бу оламда ўзумдек мубталони кўрмадим ҳаргиз.

Муҳаббат йўлига қўйдим қадам, ҳолим забун бўлди,
Ба ғайр аз меҳнату дарду балони кўрмадим ҳаргиз.

Табибо, муддате бўлдики, ман дардга ҳамдамман,
Узулди риштайи жоним, давони кўрмадим ҳаргиз.

Ҳама сувратпараст бўлди фашу[54] дасториға[55] мағрур –
Ки, зуҳҳод[56] ичра мутлоқ бериёни кўрмадим ҳаргиз.

Мусибат сейлининг барбоди бўлдум кўҳна дунёда,
Кўлумни тутқудек бир ошнони кўрмадим ҳаргиз.

Етушти басталик[57] коримға, билмамдур иложини,
Адашган ерда сўрған раҳнамони кўрмадим ҳаргиз.

Ёзилди тахтайи иқболима сардафтари ғурбат,
Талаб вақтида бир соҳибдуони[58] кўрмадим ҳаргиз.

Жароҳатлиғ дилимнинг захмини ҳар кимга кўрсаттим,
Ажаб толеъ зарбундурман, шифони кўрмадим ҳаргиз.

Бузулган хотирим ҳаргиз жаҳонда кўрмади шодий,
Жаҳон айвонида ғайр аз жафони кўрмадим ҳаргиз.

Жаҳонни тарк қилдим, Машрабо, Иброҳим Адҳамдек,
Саропо[59] дард кўрдум, муддаони кўрмадим ҳаргиз.

---

[54] Фаш – салланинг печи, салланинг елкага тушадиган қисми,учи (НАЛ).
[55] Дастор – салла.
[56] Зуҳҳод ("зоҳид"нинг кўплик шакли) – зоҳидлар, обидлар; дунёга кўнгил бермаган тақво аҳллари.
[57] Басталик – боғликлик; "ишларим боғланди" маъносида.
[58] Соҳибдуо – дуо эгаси, яъни дуоси ижобат албатта бўладиган холис зот.
[59] Саропо – бошдан-оёқ.

33[60]

Ман нечук юргум бу ғурбатхонада дилдорсиз,
Умр эмас ошиққа, гар бир лаҳза бўлса ёрсиз.

Меҳнатин кўнглига хў қилган[61] кишилардин сўранг,
Ҳеч илме сийнага жо бўлмади такрорсиз.

Дарбадар бўлдум, жаҳонни кўп тамошо айладим,
Ҳеч гулни кўрмадим оламда бўлғай хорсиз.

Кўнгул олдурғон кишилардин билинг дил розини,
Буки, ҳар ким кўнгул олди, ул эмас озорсиз.

Кавлама бағримни, кўнглумни паришон айлама,
Термулуб қолди кўзум йўлида ул дийдорсиз.

Мунда ўртанган кўнгул охир етар мақсудиға,
Ҳеч булбул бўлмағай олам аро гулзорсиз.

Кимиёнинг толиби бўлган киши жондин қечар,
Ҳеч ганже кўрмадим оламда бўлғай морсиз.

Учрамай кетти ўшал маҳвашга рози дил десам,
Топмадим ҳаргиз ани ёлғуз, даме ағёрсиз.

Машрабо, вақти надоматдур, биродарлар қани?
Истиқомат қилма дунёда парирухсорсиз.

---

[60] Бу ғазал ҳам ҳазрат Навоий ғазалига татаббуъдир.

[61] Хў қилган – одат қилган; бу ўринда "меҳнат-машаққатга кўникма ҳосил қилган киши", демакдир.

Кокулунгму анбардур жон ичинда, жонон қиз,
Кўзларингму ахтардур, рўйи моҳи тобон қиз.

Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг қизил гулдек,
Барча эл санга қулдек хизматингда, фармон қиз.

Бир кўруб сани, золим, қолмади манинг ҳолим,
Танг бўлубдур аҳволим, билмадингки, нодон қиз.

Оразинг – очилған гул, сочларинг эрур сунбул,
Тишларинг – мисоли дур, лабларингда пинҳон қиз.

Кокулунгни ўрганда, бурқаъ бошга қўйганда,
Жоним ўртанур танда, офтоби даврон қиз.

Ой юзунгни кўрганда, лабларингни сўрганда.
Машрабинг бўлур банда, лаъли шаккарафшон қиз.

Бир қараб манга қаро кўз учидан, жонон қиз,
Айланиб, юз ўгуруб, қилди юракни қон қиз.

Кунда минг дард ўқини отган ҳазин жонима,
Бирига айламади лабларидин дармон қиз.

Юзига парда тутуб, шамъ уза фонусдек,
Юз туман зухд элини айлади саргардон қиз.

Золиму қотилу хунхор эрур бешафқат,
Ерини ағёр олдида қилур яксон қиз.

Ишқида оҳим ўти учқунидур ой ила кун –
Ким, эрур бу шарари, кўзларидур чўлпон қиз?

Бул фалак хони уза қилма гумон ахтар деб,
Садқайи ҳуснига тўлдурди дуру маржон қиз.

Сарвни қаддинггаву гулни юзунгга менгзаса,
Ўхшата олмас киши, эй нодири даврон қиз.

Қофу нун – кўзу лабинг, мадд – алифу йо – қошинг,
Рўйи асторинг – бошингдин оёғинг Қуръон қиз.

Ишқ кофирларига кўз ёшим ўлди тўфон,
Итларингнинг ким бўлур ҳамроҳи, эй нодон қиз.

Кўюнг ул Жаннати Ризвон, эшикинг Каъбайи ишқ,
Ҳурлар хизматингга боғлади қўл чандон, қиз.

Васл гулзори аро булбули нолон Машраб,
Шаккарин ханда илан тўтийи Ҳиндустон қиз.

Жаҳонда топмадим ҳамдард, қолдим нотавон, ёлғуз,
Саропо ғам саводи ичра қолмишман – ниҳон ёлғуз.

Кўзунг яғмо қилур бекас кўнгулни, ҳеч ажаб эрмас,
Қароқчи қўрқитур ҳар ерда топса корвон ёлғуз.

Неча мандекни гардун мубталойи дарду ғам қилди,
Демам: мунча жафони манга қилди осмон ёлғуз.

Санинг таърифингга ҳар банд-бандим нолалар қилмиш,
Қачон асрори ишқинг айта олғай ҳар забон ёлғуз.

Отарлар ҳар тарафдин шўҳлар мужгонларидин ўқ,
Қилибдурлар манинг кўксумни ҳар ёндин нишон ёлғуз.

Букун, дўстлар, матойи сабру оромимни олдурдум,
Қилолмас ҳифз, маҳзун бўлса ровий, достон ёлғуз.

Ман, эй Машраб, санинг кўйунг сориға бормоғим мушкул,
Не бўлғай, гар ўзунг кулбамға бўлсанг меҳмон ёлғуз?

Барчалар ёнди[62] гуноҳдин, манки ёнмасман ҳануз,
Хоби ғафлатдан уёнди, ман уёнмасман ҳануз.

Тавбайи тавфиқ билан йиғлаб турарлар зор-зор,
Охират аъмолин айтиб, ман қутулмасман ҳануз.

Бандаларким, лутфинга ҳар су суёниб ўлтурур,
Бедаво нафсимни излаб ман суёнмасман ҳануз.

Орифу содиқ – ҳама панду насиҳат олдилар,
Барча пандинг олдилар, пандингни олмасман ҳануз.

Бандалик қилсанг, такаббур қилма, шайтон феълидур,
Ман такаббурдин замоне холий эрмасман ҳануз.

Бандалик қилмай Азозил, бўлди саркаш амрига,
Рондайи даргоҳ бўлди[63], манки ёнмасман ҳануз.

Дунёни кўп йиғди Қорун,[64] кетти ул ер қаърига,
Дунёдин бир дам замон кўнгул узолмасман ҳануз.

Банда бўлсанг, Машрабо, кечкил ҳавойи ҳирсдин,
Кечди барча ҳирсидин, ҳаргиз кечолмасман ҳануз.

---

[62] Ёнмоқ – қайтмоқ; "барчалар гуноҳларидан қайтди, тавба қилди, мен ҳануз қайтмайман" деган маънодаги тавозуъ ва таассуфдир.

[63] Рондайи даргоҳ бўлди – (Азозил, яъни иблис) даргоҳдан (даргоҳи илоҳийдан) қувилди.

[64] Қорун – бани Исроил қавмидан, ҳазрати Мусо алайҳиссаломнинг аҳлидан, яъни амакисининг ўғли эди. Илму фазлда беназир бўлган, лекин бойлигига кибр қилиб, туғёнга кетган, оқибатда мол-дунёси, уй-жойи, қасру саройи билан бирга ерга юттириб юборилган. Қасас сурасида унинг баёни келади; 66-оятда (маъноси): "**Дарҳақиқат, Қорун Мусо қавмидан** (амакисининг ўғли) **эди. Аммо уларга қарши туғён қилди. Биз унга шундай хазиналар бердикки, унинг калитлари**(ни кўтариб юриш) **бақувват жамоага ҳам оғирлик қилар эди...**" дейилса, 81-оятда: "**Ниҳоят, Биз уни ҳам, уй-жой** (қасру иморатлар)**ини ҳам ерга юттириб юбордик...**", дейилади.64 Навоий "Таърихи анбиё ва ҳукамо" асарида уни "илму фазлда мунфарид эрди", дейдилар ва унинг аянчли қисматини баён қиладилар. Мумтоз адабиётда Қорун зикри кўп учрайди.

Тушти ишқинг, эй пари, ақлимни ҳайрон айлади,
Ҳажринг ўти куйдуруб, бағримни бирён айлади.

Эй нигоро, орзуйи оразинг васлинг тилаб,
Ғунчадек лаълинг ғами ашким тўла қон айлади.

Гоҳ-гоҳе раҳм этиб, банданг сари қилғил назар,
Ошиқинг жондин кечиб, ўзини қурбон айлади.

Доимо ишқингда йиғларман санинг, эй нозанин,
Гар бу кун ким йиғлар эрса, тонгла хандон айлади.

Қатрайи ваҳдат майидин лутф ила қилди карам,
Завқу шавқидин бериб, оламда султон айлади.

Эй биродарларки, мандин офият кўз тутмангиз,
Бир пари ақлим олиб, кўйида нолон айлади.

Соқийи пири муғон сунди шароби антаҳур,
Мосиво айлаб ҳамадин, мушкул осон айлади.

Бир масалдур: дунёнинг осойиши кофирғамиш,
Бу жаҳонни ошиқиға чоҳи зиндон айлади.

Халқи олам эй париваш, ошно бўлғач санга,
Машрабингни бошиға кўп тирборон айлади.[65]

[65] Тирборон айламоқ – ўқлар ёғдирмоқ.

Бул ғариблик ғурбати кўнглумга кўп кор айлади,
Қилди бағрим поралар, жонимни афгор айлади.

Ёрди кўксум, эзди бағрим, оҳ, бу дарди фироқ,
Ўртади мискин таним, ер бирлан ҳамвор айлади.

Жоми ғурбатдин ичиб, қилдим ғариблик ихтиёр,
Не жафолар жонима ул чашми хуммор айлади.

Телба бўлдум, ҳарза юрдум[66], билмадим нуқсонимни,
Оқибат ишқинг мани расвойи бозор айлади.

Ноумид бўлма, агарчи осийсан, эй Машраб,
Баҳри раҳмат осий қулларға сазовор айлади.[67]

[66] Ҳарза юрмоқ – беҳуда, фойдасиз юрмоқ, кезмоқ.

[67] Зумар сураси, 53-оятига ишорат: **"Айтингки: «(Аллоҳ дер:) «Эй Менинг ўз жонларига карши** (гуноҳ билан) **зулм қилган бандаларим! Аллоҳнинг раҳматидан умид узманглар! Чунки Аллоҳ** (ширк ва куфр келтиргандан бошқа хоҳлаган бандаси учун) **барча гуноҳларни кечирур! Шубҳасиз, У беҳад мағфиратлидир, бениҳоят раҳмлидир».**

Кеча базмингдин йироқ ишқ аҳли чандон йиғлади,
Куйди ҳам парвонаву шамъи шабистон йиғлади.

Соғиниб Юсуфни Яъқуб йиғлади шому саҳар,
То мусофир бўлди Юсуф, аҳли Канъон йиғлади.

Соқий сунғонда, суроҳий[68] дам-бадам фарёд этиб,
Аҳли мажлис олдида ёш ўрниға қон йиғлади.

Ҳажр шоми куйганимға куйдию ўртанди барқ,
Ҳам мани дарди дилимга чархи гардон йиғлади.

Ҳар тикан ғам тоғида санчиб оёғим қилди қон,
Манга ёр раҳм айламас, хори муғилон[69] йиғлади.

Бўлмасун огоҳ киши ҳоли дилимдин халқ аро,
Гарчи кулди оғзимиз, аммо дилу жон йиғлади.

Машрабо, гар жон яқосин чок-чок этсам не тонг,
Ким, фалак ҳам жаври ул сарви хиромон йиғлади.

---

[68] Суроҳ — ҳар нарснанинг холислик хислати; хулоса; равшанлик ("Ғиёс ул-луғот"); суроҳий — қадаҳ, коса, (холис, соф) май қуйиладиган идиш (НАЛ). [69] Муғилон — бабул (акация) дарахти; тиканли дарахт; асли "уммғилон" — жинлар онаси деган маънода бўлган; хори муғилон — ўша дарахтнинг тикани.

41

Кел, эй дилбар, юзунг очғил, тасаддуқдур бу жон эмди,
Фироқингда адо бўлди, куюб бул устухон эмди.

Нечук айлай, биродарлар, бўлубман зору саргардон,
Давосиз дардга учрабман, ўларман бегумон эмди.

Жаҳонда ҳеч киши борму жудолиғдин адо бўлғон,
Етибдур ҳалқума жоним, манга йўқ меҳрибон эмди.

Нечук тоқат қилай, дилбарки, сансиз ман бу дунёда,
Чиқар кўксумдин оҳим, ҳам туролмас осмон эмди.

Кетибон меҳрибон дилбар, юрак бағрим кабоб этти,
Етолмасман нигоримга, на айлай жовидон эмди.

Тушубдур кўнглума дардинг, кима айтиб, кима йиғлай? –
Лаҳад ичра кетар бўлдум, юроким тўла қон эмди.

Кел, эй Машраб, жудолиғ дардидан кўп шиквалар қилдинг,
Етибдур санга бул навбат, кетар яхши-ёмон эмди.

42

Минг шўри фиғон бирлан, ҳай-ҳай, не бало келди,
Жон қичқирадур қўй деб, ханжарни оло келди.

Қўлида қилич фўлод, қошимға келиб жаллод,
Қилди мани бебунёд, тийғи гузаро келди.

Кетсам бу алам бирлан, юз коҳишу ғам бирлан,
Савдойи санам бирлан, хуш даври сафо келди.

Рози бўлайин ўлсам, жон бергу(н)ча бир кўрсам,
Мундоғ не бало бирлан шиддатли қазо келди.

Заҳматга қазо ёндош, бўлди ҳаммаси йўлдош,
Ул-жавру жафо подош, тиклаб югуро келди.

Девонайи Машраб сан, қўрқуб нега йиғларсан? –
Ошиқ кишига ўлмоқ ким, айни шифо келди.

43

Хўтан даштини излаб, авлиё бўлғон баланг келди,
Куюб ишқ ўтиға, ёниб адо бўлғон баланг келди.

Кечиб лаззоти дунёдин, ичиб жоми муҳаббатни,
Худойим деб сиво бўлғон шаҳиди Карбалонг келди.

Сўроғлаб васли дийдорин тамомий халқдин сўрдум,
Бу ошиқлар ичинда муддао бўлғон баланг келди.

Чўмиб ғаввослардек баҳри ишқи Ломакон ичра,
Ажойиб гавҳари қимматбаҳо бўлғон баланг келди.

Тушуб бошимға савдолар мисоли пири Канъондек,
Зулайҳо ишқ аро Юсуфнамо бўлғон баланг келди.

Бу тожу тахту бахтимни қилиб торож ишқида,
Ки Иброҳими Адҳамдек гадо бўлғон баланг келди.

Ичиб жоми бақони, кечди дунё моздросидин,
Ки мастони Худоға ошно бўлғон баланг келди.

Илоҳо, Машрабингни ноумид этма, Худойимсан,
Ҳабибинг хонадониға гадо бўлғон баланг келди.

44

Мани даврон букун дарду аламга мубтало қилди,
Жафожў нозанинлар бирлан ёру ошно қилди.

Алифдек жон аросинда ниҳоли қоматин асраб,
Ғамидин оқибат қаддимни нун янглиғ дуто қилди.

Биродар, сан букун мандан умиди офият қилма,
Юрак-бағрим оқиб кўздин, ажал юзини во қилди.

Кишига айта олмай бошга тушган табъи ҳолимни,
Бу ҳасрат бора-бора ўзини бағримга жо қилди.

Бу ҳолимға тараҳҳум қилғудек бир меҳрибоним йўқ,
Мани бечора қилди, зор қилди, бенаво қилди.

Бу бешафқат фалак солди манинг бошимға савдолар,
Чу андин неки келди, бори тақдири Худо қилди.

Халойиқ дуни бўлсам ҳам, жаҳон ичра ғаниматман,
Бу кун ё тонгла айтурларки, Машраб ҳам қазо қилди.

45

Ногоҳ кўрунуб кўзлари шаҳло боқа қолди,
Парда кўтариб, қошини ул дам қоқа қолди.

Ошиқ эканимни билиб ул дилбари раъно,
Ақлимни олиб, жонима ўтлар ёқа қолди.

Руҳум эритиб ёшини, ваҳ-ваҳ, юзи оташ,
Ишқ чақмоғини жонима, найлай, чақа қолди.

Тарсобачани кўрдиму дин кетти қўлумдин,
Қил сажда дебон бўйнума зуннор тақа қолди.

Ман онинг учун кечаву кундуз югурурман,
Ёрим келибон биргина ҳолим сўра қолди.

Айди: «Не тиларсан?». дедим: «Шамъи жамолинг!»
Кўрсатти юзин, мақсуд ҳосил эта қолди.

Машраб бу жаҳонда юрубон топмади бир мард,
Юз шукрки, онинг билан улфат бўла қолди.

46

Наманган шаҳридин, дўстлар, манинг ёронларим келди,
Отам бирлан онамни билгучи меҳмонларим келди.

Шижоат бобида ҳар қайсиси бир Рустаму Сухроб,
Адолат тахтиға минган бу кун сулғонларим келди.

Иноятли, диёнатли, яна ҳам муршиди комил,
Ҳама ориф, ҳамма солиҳ, ҳамма ирфонларим келди.

Аларнинг хоки пойи кўзларимга тўтиё, Машраб,
Чароғимни мунаввар қилғучи хоқонларим келди.

47

Оқ юзунгда холу хат, кўз кўрмағайди кошки,
Кўнглума юз доғи ғамни қўймағайди кошки.

Ишқида ҳў айлагач, кетти футур дин уйидин,
Бодани беғаш кўрибон сунмағайди кошки.

Чун Намангандин Хўтан парвоз айлаб мурғи рух,
Донайи холин кўрубон қўнмағайди кошки.

Ёр жилва бирла боқти, руҳу жон бўлди кабоб,
Бул жафоларни бошимға солмағайди кошки.

Айрилиқнинг дардидан жоним куёдур, ё магар
Доғи ҳасратдин бу жоним куймағайди кошки.

Кошки Ул олса бу жоним, доғи ҳасрат қўймаса,
Ушбу доғи айрилиқни кўрмағайди кошки.

Машрабо, ёр хизматини айла жону дил билан,
Ушбу даврон ҳам ғанимат бўлмағайди кошки.

48

Кимга айтиб йиғлайин нозук адонинг дардини,
Хонавайрон айлаган ноошнонинг дардини!

Дилни бердим анга ман, ғайр аз жафосин кўрмадим,
Айтиб-айтиб йиғлайин ул бевафонинг дардини.

Умрум охир бўлди, етмай доманининг гардига,
Кимга айтиб, кимга йиғлай, дилрабонинг дардини.

Дарбадар ованаман, куйди дилим ахгарсифат[70],
Бахтқаро бўлган билур бахти қаронинг дардини.

Осмон бесар бўлур, айтсам аламлик достон,
Ҳар кишига айта билмам раҳнамонинг дардини.

Дашту саҳролар куяр Мажнунни(нг) тортган оҳида,
Бесаруполар билур соҳибазонинг дардини.

Норасоларга сухан қилма, хатодур, Машрабо,
Билмас ҳар ким Чорёри босафонинг дардини.

49

Сен, эй зоҳид, бориб меҳробға қил нозук адолиғни,
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сандек риёлиғни.

Залолатпешалиғни аҳли дунлар сандин ўргангай,
Мунофиқ, бадписандлиғ ҳам тамаъгир, рўсиёлиғни.

Риё тоат қилиб кундузлари, ўзни дебон муршид,
Кечадин тонг қадар қилғунг ўзунгдек юз қаролиғни.

Аё Машраб, деди зоҳид, гуноҳинг беҳисоб эрмиш,
Агар афв айласа Саттор, кечар сенсиз гунолиғни.

[70] Ахгар — лахча чўғ, олов; ишқ.

50

Кел, эй дилбар, баён айлай санга бир-бир жудолиғни –
Ки, шояд раҳм этиб, солсанг ўзунгга ошнолиғни.

Тамомий хонумонимдин кечибон бир сани дерман,
Ўзунгдин ўзга билмайдур, ўзинг билғил жудолиғни.

Ки, сандин ўзгани демам, қасам биллоҳ, жонимға –
Жафолар айлама, эй моҳ, манга бергил сафолиғни.

Сулаймон тахтиға Жамшиднинг жомини бермасман,
Қўлумда косайи чўбин, санга қилсам гадолиғни.

Аё, эй раҳмсиз золим, жафожў, кўзлари жаллод,
Нигоро, Машрабингга қилмағайсан бевафолиғни.

51

Ғамза кофир, ишва жоду, жилва қолмоқим қани?
Кўзи яғмо, кифрики ўқ, жола қалпоқим қани?

Тийри мужгон ғамзаси кўп ёр учун девонаман,
Асли қолмоқ, зоди қирғиз, лола пайпоқим қани?

Ғунчайи гуллар очилмай, заъфарон қилди хазон,
Дод этар гул ғунчасиға: ёсумансоқим қани?

Доғу доғ устидадур бағрим қизил қон ашкдин,
Сиймтан рухсорайи таннуқра бурғоқим қани?

Ёр, Машраб, ишқ ўтини қўйди жоним узраким,
Чўқ-чўқ этти кўнглум оташпора чақмоқим қани?

Ман кимга айтай, дўстларим, девона қилди ишқ мани,
Садпора қилди юраким, девона қилди ишқ мани.

Тун-кечалар дод айласам, ҳар дам сани ёд айласам,
Ишқингда фарёд айласам, девона қилди ишқ мани.

Шому саҳар гирён бўлай, йўлунгда саргардон бўлай,
Охир санга қурбон бўлай, девона қилди ишқ мани.

Ҳамдам бўлай майхонага, сокин бўлай бутхонага,
Бошим қўяй остонага, девона қилди ишқ мани.

Ишқ аҳлига ҳамдам бўлай, Ҳақ йўлига маҳкам бўлай,
Даргоҳига маҳрам бўлай, девона қилди ишқ мани.

Девонайи шайдо бўлай, ман толиби Мавло бўлай,
Халқ элига расво бўлай, девона қилди ишқ мани.

Машрабга қил лутфу карам – ваҳдат шаробин дам-бадам,
Эй соҳиби Лавҳу Қалам, девона қилди ишқ мани.

53

Ошиқ улдур, то дилига сақласа асрорни,
Барҳам урса йўлига оламда йўқу борни.

То ўзунгга дард тегмай, айланиб келмас даво,
Бас, бу маънодин ҳакимлар кўп сўрар беморни.

Гарчи осийман, анинг даргоҳидин навмид эмам,
Бир гул учун сув берурлар сад ҳазорон хорни.

Охири манзилга етмасдур кудуратлик кўнгул,
Дилга жо бермоқ на хожат душмани ғаддорни.

То дилингга маърифатдин нури иймон бўлмаса,
Суфилар, бир "Ху"ға алмашланг ани – дасторни.

Хотири покингни машғул қилма ҳаргиз дуняға,
Дил ғуборолуда бўлди – ул кўролмас ёрни.

Авлиёлардек муъаззам бўлайин десанг, вале,
Машрабо, ҳеч канда қилма дилдин истиғфорни[71].

54

Дўстлар, яхши деманглар одами бероҳни,
Мисли ул йўлдин адашган фосиқи гумроҳни.

Молу мулку жону жонон салтанат барбод уруб,
Дунёдин парвоси йўқтур муршиди Аллоҳни.

Демагил ҳушёр йиғлар охиратнинг ҳавфидин,
Мард керак билгай бу йўлда марди дил огоҳни.

"Ат-тавилун аҳмақун" – ул ҳам ҳадисда бор экан,
Мустафо "ал-фитнатун" дер одами кўтоҳни.[72]

Ман тасаддуқи ўшандоғ олийҳимматлар бўлай,
Икки олам ўртанур дилдин чиқарса оҳни.

Авлиёлардек муъаззам бўлайин десанг бу кун,
Машрабо, қўйма тилингдин лаҳза "Бисмиллоҳ"ни.

---

[71] Истиғфор – ("Астағфируллоҳ" айтиб) кечирим сўраш, авф тилаш; тавба қилиш.
[72] Ҳаддан ортиқ узун одамнинг ақлни кам ишлатишига, беҳад пакана одамнинг баъзи фитналарга сабаб бўлишига ишорат қилинмоқда (энг тўғрисини Яратган билур).

55

Эй санам, ҳажринг ғамида дийда гирён бўлғуси,
Кўрмасам бир дам юзунгни, юрагим қон бўлғуси.

Мардумони кўзларинг бир кофири бераҳм эрур,
Гарчи тарсо кўрса ҳам, ул дам мусулмон бўлғуси.

Анбарин зулфунг тараб боқсанг, нигоро, ҳар тараф,
Жамъ кўнгул бир қараб, юз минг паришон бўлғуси.

Қоматингни кўрсалар Маҳшарда инсону малак,
Ҳуру ғилмонлар бўлуб жамъ, барча ҳайрон бўлғуси.

Қатрайи ашким агар томса юзумға, Машрабо,
Ташналик вақтида, билсанг, роҳати жон бўлғуси.

56

Маърифат бозорининг девонаси,
Бул ҳақиқат ишқининг майхонаси.

Оҳ уруб чиқса, жаҳонни куйдирур
Ошиқ аҳлин зийнату сармояси.

Икки дунёни кўзумға илмадим,
Манки ул дийдорнинг ҳайронаси.

Айлади кўнгулни(нг) уйини хароб,
Бул эрур тан мулкининг вайронаси.

Мосивони тарк қилдим ишқида,
Бул жаҳону ул жаҳон бегонаси;

Машраби девонани ҳайрон этиб
Қадди мавзун, эгма қошнинг қораси.

Қачон бўлғайки, кўргайман ўшандоғ моҳи анқони?
Анинг олдида очсам дафтари "Инно фатаҳно"**ни.**[73]

Ўшандоғ комиленинг соясида айлагил орзу,
Талаб қилсанг, дуруст қил ҳосили дунёву уқбони.

Баён қилсам, чидолмас оташимға сури Исрофил
"Мақоми Маҳмуд"дин ояти **"Насрум-миналлоҳ"**ни[74].

Улеки сояйи раҳматга кирди, ғарқи нур бўлди,
Не билсун бебасорат ваъдайи **"Мулкан кабиро"**ни?[75]

Таманнойи тириклик суд этмасдур рўзи Маҳшарда,
Десанг юз тил била **"Йо лайтаний кунту туробо"**ни[76].

Хаёли фосид андешлар иймоннинг қасдидадурлар,
Сану манга очиб қўймабтулар **"Наҳну қасамно"**ни[77].

Гуноҳнинг марҳамидур бандаларга кони истиғфор,
Кўнгулга келтирур комил киши **"Астағфируллоҳ"**ни.[78]

---

[73] **"Инно фатаҳно"** – Фатҳ сураси 1-ояти ифодаси: "Инно фатаҳно лака фатҳам-мубино" – "(Эй Расулим!) **Биз сизга очик фатҳ** (ва зафар йўли)**ни очдик**".

[74] **"Насрум-миналлоҳ"** – Сафф сураси, 13-оят ифодаси; оятнинг тўлиқ маъноси: "Сизларга севимли бошқа бир неъмат эса Аллоҳдан мадад ва яқин бир фатҳдир. (Эй Расулим! Булар ҳақида) мўъминларга хушхабар беринг! "

[75] **"Мулкан кабиро"** – буюк султанат; Инсон сураси, 20-оят ифодаси; тўлиқ маъноси: "(У ерда - жаннатда) **қай томон боқсангиз,** (таърифга сиғмас) **бир неъмат, буюк бир мулк** (ва салтанат)**ни кўрурсиз**".

[76] **"Йо лайтаний кунту туробо"** – "Эҳ, кошки тупроққа айланиб кетсам эди!"; "Набаъ сураси, 40-ояти ифодаси; тўлиқ маъноси: "(Чунки) албатта, Биз сизларни яқин бир азобдан огоҳлантирдик. У Кун киши ўз (қўллар)и олдиндан юборган (яхши-ёмон, савобу гуноҳ) нарсаларга қарар ва кофир эса: «Эҳ, кошки мен (бу азобни кўрмай) тупроқ бўлиб кетсам эдим!» - деб қолур".

[77] **"Наҳну қасамно"** – "Биз тақсим қилдик"; Зухруф сураси, 32-оят ифидаси; оят маъноси: "Раббингизнинг раҳматини улар тақсим қиладиларми? Дунё ҳаётида уларнинг ризқи рўзларини ўрталарида Биз тақсим қилдик!"

[78] **"Астағфируллоҳ"** – Аллоҳдан кечирим сўраб, тавба қилиш ифодаси.

Гузаргоҳи адамнинг бениҳоят корвони бор,
Қани мардони марди, вақти ўтмай қилса савдони.

Кишининг бўлса иймони, дилидин тарси кам бўлмас,
Дилига нақш этар ҳар соат "**Ажран ъазиймо**"ни[79].

Мақоми моҳи нурдин насиб этгил бу Машрабга,
Ҳақиқат иштаҳосидин ютай ҳафтод дарёни.

[79] "**Ажран ъазиймо**" – Нисо сураси, 40-оятдан: "ва йуъти мил-ладунҳу ажрон ъазиймо" – (тўлиқ оятнинг маъноси:) "Шубҳасиз, Аллоҳ зарра миқдорича ноҳақлик қилмас. (Зарра миқолича) бир яхшилик бўлса, уни (савоб жиҳатидан) қат-қат орттирур ва Ўз ҳузуридан улуғ мукофот берур". Яна кўп оятларда бу ибора келади.

58

Эмди келдим ман муҳаббат ганжини во қилгани,
Токи, кўз очтимки ман Аршни тамошо қилгани.

Ўзгалар қадринг на билсун, санда ул кўз бўлмаса,
Етти лак йил бўлди, биз халқ таркидунё қилгани

Дилда сўфиймизки, авсофи ҳақиқат биздадур,
Ботинин обод этиб, зоҳирни расво қилгани.

Ёсумандин шавқ ўтиға бў ушатган халқмиз,
Муддате бўлди Муҳаммад меҳрини жо қилгани.

Ман эшиттим аксари роҳи ҳақиқат бор эмиш,
Анда сармаст бораман ман мисни тилло қилгани.

Жабраилдек Мустафонинг мулкига мазбут эдим,
Ломаконнинг суйидин комимға ҳалво қилгани.

Машрабо, сармастлардек ҳар замон қайнар дилим,
Боз келдим охират йўлинда савдо қилгани.

59

Бандаман дерсан, тилингда зикри Субҳонинг қани?
Даст холий борасан, бул хайру эҳсонинг қани?

Айладинг барбод умрунг айшу ишратлар билан,
Охират ваҳмини қилғон чашми гирёнинг қани?

Сан ётарсан доимо чун хоби ғафлатлар билан,
Уйғониб тун кечаларда, хатми Қуръонинг қани?

Ҳақ таъоло амри бирлан келса Азроил санга,
Қабз этар жонингни бир кун, фикри иймонинг қани?

Бир қариш етти қарилик, эмди топмассан илож,
Ул йигитлик вақтига қилғон пушаймонинг қани?

Машрабо, бас, бўлма ғофил бул тириклик вақтида,
Кеча-кундуз йиғлабон қилғон муножотинг қани?

Эй нигоро, ман санинг ёринг бўлай,
Бандайи ул қадди рафторинг бўлай.

Шамъи ҳуснунг айланиб парвонавор,
Ман фидойи шамъи рухсоринг бўлай.

Бир кўруб Мажнун каби, Лайливашим,
То қиёмат ман санинг зоринг бўлай.

Туну кун ишқингда саргардон бўлуб,
Булбули сармасти гулзоринг бўлай.

Хатту холинг дом бўлди жонима,
Сайд ўлуб ҳар дам гирифторинг бўлай.

Ҳусн бозорида, эй Юсуф сифат,
Жон билан ҳар дам харидоринг бўлай.

Холи зоримни кўруб, эй нозанин,
Ҳеч демайдурсанки, ғамхоринг бўлай.

Кўз ёшини оқузуб Машраб қулунг,
Мунтазири маҳви дийдоринг бўлай.

Бул тани хокинию руҳи равонни на қилай?
Бўлмаса қошимда жонон, бул жаҳонни на қилай?

Ёрсиз ҳам бодасиз Маққага бормоқ не керак,
Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай?

Урайинму бошима саккиз Биҳишту Дўзахин,
Бўлмаса васли манга, икки жаҳонни на қилай?

Аршнинг кунгурасин устига қўйдум оёғим,
Ломакондин жой олибман, бул маконни на қилай?

Заррайи нури қуёшдек бул жаҳон ичра тамом,
Ошкоро бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай?

Бир Худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,
Гул агар бўлса қўлумда, ул тиконни на қилай?

Ёрнинг кўйида ман жавлон қилай,
Итларига қўшулуб афғон қилай.

Кошки бул кулбайи аҳзон[80] аро
Итларини бир куни меҳмон қилай.

Ёр қилғон захм битмас, эй табиб,
Дема манга: дардинга дармон қилай.

Оқизиб кўздин сиришким беадад,
Хаймайи афлокни[81] вайрон қилай.

Кес бошимни ханжари нозинг билан,
Сандин ўзга кимга сар гардон қилай?

Зулфи мушкинингни тасвир айлабон,
Бул варақни сахфайи райҳон қилай.

Ишқи куйдурса бу ошиқ кўнглини,
Сийна ичра ўт нечук пинҳон қилай?

Гул юзин кўрсатти, ўлдурди мани,
Ёрни жисм орасинда жон қилай.

Машрабо, бир қатра тотсам жомидин,
Ўзими ишқ аҳлига султон қилай.

[80] Кулбаи аҳзон — ғам кулбаси.
[81] Хаймайи афлок — осмонлар чодири.

63

Кўнгул вужудини бузган Ўзига нола қилай,
Бошимни саждага қўйиб, Худога нола қилай.

Манга бу ғамни солибон, рақибни шод эттинг,
Қўлумга ханжар олиб, бу юракни пора қилай.

Санинг учун, не бало, меҳнату алам кўрдум,
Рақиб ризосига боқсангки, ман на чора қилай?

Кел эмди, Машраби ошиқ, ўзига зоре қил,
Тараҳҳум этмаса дилбарки, кимга нола қилай?!

64

Мусодай, тийғи равон бергилки, нопайдо бўлай,
Маърифат фатҳини оч кўнгулга, ман гўё бўлай.

Тарк этибман молу жонимни букун Адҳам каби,
Ғайрате кўнглумға бергил, марди шайдуллоҳ бўлай.

Кўп ёмонларнинг бириси ман, Илоҳо, яхши қил,
Илми ладунни манинг кўнглумга сол, дарё бўлай.

Бул қаро юзум оқарғай деб келибман Каъбаға,
Бир нигоҳе айлагил, зоти Жамолуллоҳ бўлай.

Мўъмину кофир Анинг даргоҳидин навмид эмас,
Бир нигоҳе айлагил, ҳамроҳи Байтуллоҳ бўлай.

Зотидин ўзга дигар абёти йўқ Машрабни боз,
Чун ўқуб ман ояти Қуръонни, Зотуллоҳ[82] бўлай.

[82] Бу ўринда "Аллоҳнинг ошиғи бўлай" деган маънодадир.

65

Дилбар кўйида "Ваш-шамс"у "Ваз-зуҳо"[83] ўқуй,
Мақбул бўлса, ҳамдинга лаҳни уло ўқуй.

Мажнунсифат фироқ даштида зор йиғладим,
Дарду ғаминг, Лайливашим, лайлу наҳор ўқуй.
Қошу кўзунгни ҳажрида, эй меҳри моҳжабин,
Ашким сувини оқизиб, файзи баҳор ўқуй.

Шавқи муҳаббатингда кезиб Балх шаҳрини,
Хатти шаҳидликни кўриб, ошкор ўқуй.

Фироқ қиссаси Машраб фикрида эрур,
Мастона Балх шаҳрида беихтиёр ўқуй.

66

Даъвийи ишқ этгали Мажнуни бенаво керак,
Ўзини хоки по этиб, дарбадари гадо керак.

Шому саҳар фиғон этиб, эртани кечга қўймайин,
Орифи Ҳақ бўлай десанг, Адҳами бенаво керак.

Ҳам жаҳду ҳам жадал қилиб, ёрнинг васлини тилаб,
Тун-кечалар уйғонибон, шому саҳар дуо керак.

Қилмади бир саҳар тилим дунёйи фонини талаб,
Кимки талаб қилур ани, бошиға юз бало керак.

Чиқти Расул Меърожа шаб, Жабраил эргашолмади.
Машраб, бу сирни билғали орифи биллоҳ керак.

---

[83] "Ваш-шамс" – "Қуёшга қасам", "Ваз-зуҳо" – "Чошгоҳга қасам"; Қуръони каримнинг 91, 93-суралари.

Охират йўли хатардур, ҳиммати аъло керак,
То лаҳадга кирмағунча "Оҳ, вовайло!" керак.

Тақдири Аллоҳга даст урса киши, дасти куяр,
Бандага доим ибодат холисан-лиллоҳ керак.

Зотини излар кишига раҳнамун топмоқ муҳол,
Кимки Ҳақни изласа, дасти ани боло керак.

То Шуъайб[84] даргоҳиға бормай Мусо йўл топмади,
То сани мисдинки тилло қилғучи Мусо керак.

Оҳи сардинг бўлса, Машраб, оҳ уруб Маҳшарни буз,
Моҳийи баҳри Ҳақиқатга ўшал дарё керак.

[84] Шуъайб алайҳиссалом – Мадян халқига юборилган пайғамбар, Мусо алайҳисаломнинг қайноталари. Мусо алайҳиссалом Мисрдан қочиб бориб, Мадянда ул зотнинг дарготҳларида нажот топганлар (қаранг: Қасас сураси, 25-29-оятлар).

Эй мусулмонлар, қазо топсам керак,
Нури Ҳақдин кимиё топсам керак.

Ман шаҳид ўлсам, кафанга чулғаманг,
Ушбу далқимдин[85] шифо топсам керак.

Дори Мансури "анал-ҳақ" жойидур,
Бош бериб, юз минг нидо топсам керак.

"**Раббано инно заламно**"ни[86] ўқуб,
Нашъайи "**Қолу Бало**"[87] топсам керак.

Баъди маргим ман ғарибу хастани
Банд-бандимдин жудо топсам керак.

Онайи зоримга берманглар хабар,
Балх шаҳрида қазо топсам керак.

Машраби шўрида Маҳмуд илкида
Пирим амрини бажо топсам керак.

---

[85] Далқ – жун либос турларидан бири, дарвишлар кийими.

[86] "Раббано инно заламно" (асли "Раббано инно заламно анфусано") – "Эй Раббимиз! Биз ўз жонимизга ўзимиз зулм қилдик"; Аъроф сураси, 23-ояти (маъноси): "(Икковлари – Одам алайҳиссалом ва Ҳавво:) «Эй Раббимиз! Биз ўз-ўзимизга зулм қилдик. Агар бизларни кечирмасанг ва бизларга раҳм қилмасанг, албатта, биз зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз!», дедилар."

[87] "Қолу: Бало" – "Йўқ, албатта, (Сенсан Раббимиз)!"; Аъроф сураси, 172-ояти (маъноси): "(Эй Расулим!) Вақтида Раббингиз Одам фарзандларининг пушти камарларидан (ўтган ва бўлажак) зурриётларини (зарралар ҳолида)87 чиқарди ва уларни ўз-ўзларига гувоҳ қилди: «Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?» (деди). Улар: «Ҳа, (Сен Раббимизсан)! Биз гувоҳ бўлдик», дедилар. (Бу эса дунёда куфрга кетиб) қиёмат кунида: «Биз бундан бехабар эдик» демасликларингиз учундир".

Олами руҳониларга ошно бўлмоқ керак,
Тарк этиб йўлида жонин, мосиво бўлмоқ керак.

Кўзи йўқ аъмо на билсун юратурғон йўлини,
Йўлни билмас омиларға раҳнамо бўлмоқ керак.

Тўтиё нофеъ қилур гар кўздаким бўлса ғубор,
Кўтариб кўздин ғуборин, тўтиё бўлмоқ керак.

Авлиёлар нисбати шулдур, агар билсанг буни:
Ўзига дард-у, дигарларга даво бўлмоқ керак.

Марди Ҳақнинг суҳбатига бир замон кирган киши
Бир нафас бирлан вужуди кимиё бўлмоқ керак.

Авлиёлардек муъаззам бўлайин деган киши,
Машраби шўридадек соҳиб азо бўлмоқ керак.

Кел, эй жисмим, шаҳодат тийғига эмди яро бўлғил,
Ҳусайн ибн Алидек сан шаҳиди Карбало бўлғил.

Кириб бул жисми зоримға фароғат кўрмаган жоним,
Худодин бул ажал келди, Санам эмди ризо бўлғил.

Ки бул дунёйи фонийнинг жафосидин халос этгил,
Худонинг васлини излаб, ҳамадин мосиво бўлғил.

Худо йўлида, эй жаллод, манга ханжарни тезроқ ур,
Ҳақингга бир дуо айлай: санам марди Худо бўлғил.

Ажойиб хуш-муборак бул ўлумким, бошима тушти,
Худо йўлида бир жон, минг агар жондур, фидо бўлғил.

Кел, эй қобиз,[88] манга ўлмакни таъхир айлама ҳаргиз,
Фидо эттим бу жонимни, ки маъмури қазо[89] бўлғил.

Бу Машраб дори дунёдин[90] шаҳодат олия излаб,
Қиёмат тонги отғонда Худоға додхоҳ бўлғил.

[88] Қобиз – қабз этувчи, жонни олувчи, ўлим фариштаси, яъни Азроил алайҳиссалом.
[89] Маъмури қазо – тақдирдаги ишни бажарувчи, қазою қадарга бўйсунувчи.
[90] Дори дунё – дунё уйи (бу олам).

71

Худовандо, тилим оғуштайи ҳамду сано қилғил,
Ўзунгдин ўзгани меҳрин бу кўнглумдин жудо қилғил.

Яраттинг, жисму жон бердинг мани бечора бандангга,
Юроким дардига лутфунг билан, ё Раб, даво қилғил.

Йигитликни агарчи маҳви ғафлат бирлан ўткардим,
Илоҳо, қоматимни яхшилар бирлан дуто қилғил.

Агар дорул-фанодин[91] охират сориға азм этсам,
Чароғи нури иймон бирла қабримни зиё қилғил.

Сиротул-мустақийм отлиғ гузаргоҳингдин ўткаргил,
Мани гумроҳға, ё Раб, раҳматингни раҳнамо қилғил.

Ки зоҳид зуҳд илан мағрур, бу Машраб журм ила маъюс,
Илоҳо, раҳматингни сояйи йавмул-жазо[92] килғил.

72

Зикриёдек[93] "Ҳу" билан кўнгулни сан меъмор қил,
Бандасан, тоатни аз баҳри Худо бисёр қил.

Шамси Табризийга қул бўлдунг, ҳақиқатдин гапур,
Ҳамчунон Мавлойи Румийдек[94] муни изҳор қил.

Аҳли маъно сухбатидин руҳ осойиш топар,
Норасолар олдида ҳарфингни сан инкор қил.

Қоматинг хам айлади ваҳми Қиёмат ҳамчунин,
Тўшайи роҳингни аз хуни жигар тайёр қил.

Қатра раҳмат ҳафт дари дўзахни ночиз айлагай,
Масти ғафлатларни, ё пирим, букун ҳушёр қил.

Ҳақни даргоҳига бетўша етолмас, Машрабо,
Ҳар гуноҳ қилсанг, изидин сўнгра истиғфор қил.

---

[91] Дорул-фано – ўткинчи уй (ўтар дунё).
[92] Йавмул-жазо – қиёмат куни, ҳисоб-китоб куни, мукофот ва жазолар берилдган кун.
[93] Зикриё – Закариё алайҳиссаломнинг халқ тилида айтилиши, қавми ул зотни арралаб ўлдирган.
[94] Мавлои Румий (Мавлои Рум) – Мавлоно Жалолуддин Румий.

73

Манга иршод берсанг, Одаму Ҳаввони ҳозир қил,
Ғарибу хастаман, Нуҳи набийуллоҳни ҳозир қил.

Кириб Намруд ўтиға, қилдилар оташни чун гулзор,
Ҳақиқат йўлини топган Халилуллоҳни ҳозир қил.

Танини рахна қилди гарми мотам кайфият ичра,
Мақоми сабрда Айюбдек донони ҳозир қил.

Бошиға арра келди, зикри Ҳақдин бўлмади ғофил,
Худонинг ошиқи ул руҳи Закариёни ҳозир қил.

Мудом уммат учун дийда хунолуд эрдилар, баским,
Муҳаммад – Аҳмад ул руҳи Ҳабибуллоҳни ҳозир қил.

Ҳасан бирлан Ҳусайннинг руҳидин доим мадад излаб,
Муҳаммад кўзининг оқи – ўшал Заҳрони[95] ҳозир қил.

Аларни ҳозир этгил, сўнгра хат бергил бу Машрабга,
Мақоми нурдин Эшони аҳлуллоҳни ҳозир қил.

74

Кўнгул дардини бир кўнгли бузулған ёрдин сўрғил,
Бу ишқ ўтиға куйганни дили афгордин сўрғил.

Сани ҳажрингни, эй жонон, не тил бирлан баён айлай
Ки, ҳар шаб дийдадин хуноба тўк, бедордин сўрғил.

Баногоҳ меҳрибонидин жудо бўлган киши ҳолин,
Саҳар оҳу фиғон айлаб, манингдек зордин сўрғил.

Шаҳиди ишқ бўлған ошиқи бечора аҳволин
Ўшал дам Мансури мастон осилған дордин сўрғил.

Бу Машраб қон ютуб ҳар дам тўкар хунобайи ҳасрат,
Ки хўблар ажрини Маҳшар куни Саттордин[96] сўрғил.

---

[95] Жаноб Пайғамбар алайҳиссаломнинг қизлари – ҳазрати Фотиматуз-Заҳро (розияллоҳу анҳо).

[96] Саттор – Аллоҳ таолонинг исм-сифатларидан, сирларни беркитувчи, айбларни ёпувчи маъносида.

Ташна келдим, сандин излаб гавҳари оби зулол,
Пири комилсан, ҳақиқат бобида дарёйи ҳол.

Икки олам нақди олдингда муяссардур санинг,
Зиндаларинг бошидур йўлингда бўлган поймол.

Бахт қаролар подшоҳиман, дилимни кавлама,
Кадди хам бўлган, жафо кўрган ўзум монанди дол.

Хоксори кўйи ирфонинг бўлубман, раҳм қил,
Чунки дарёдин жудо бўлди – кўкармасдур ниҳол.

Икки дунёдин кўзум юмдум санинг завқинг билан,
Асл умидим шул эрур – Маҳшарда кўргайман жамол.

Навжувон умрум хазон бўлди муҳаббат дардидин,
Етмадим мақсудима, доғ айлади вақти завол.

Хотиримға ҳиммати Адҳамни келтурдум бу кун,
Ким Худотарсдур, анга даркор эмас молу манол.

Оташи ишқ олдида хасдур жаҳаннам, ғам ема,
Юз хатардин ўтказур ҳар бандани қурби Жалол.

Остонингга келибман, роҳи навмидий эмас,
Ё Абдул-Косим, мани уммат дегин, дастимни ол.

Нома ўнг қўлдин юборгил Машраби шўридага,
Аввалу охирни қилган вақти Маҳшарда савол.

Ер узра очилғон йўқ даҳр ичра санингдек гул,
Ҳам оби ҳаёт лаълинг, ҳам ҳуққа ичинда мул.

Бир сарв эрур бўйунг, сарв узра ажаб ўйунг,
Лаълингни хаёл этти гул шохидаги булбул.

Шаъм учида юзунг ўт, ўт узра сочингдур дуд,
Бўй олди жаҳонни бут – ўт узра сочинг сунбул.

Ахтарму фалак узра, гавҳарму табақ узра,
Саргашта фалак узра садқангга йиғибдур пул.

Кўнглум ит эрур андоқ, кетмас эшикингдинким,
Занжири муҳаббатдин бўйниға солибсан ғул.

Ман – қатраву сан – дарё, баҳрингда фано бўлсам,
Не айб, маning жузвим кўрганда деса эл кулл.

Кўк хоки раҳинг ўлсун, ой-кун сипаҳинг бўлсун,
Ҳақ шоҳу гадоларни меҳрингга қилибдур қул.

Ул барги хазон ранги, гулғунчада қон ранги,
Ой-кунда самон ранги – ишқинг ситамидур шул.

Тегрангда ҳисор ўлсун, Машрабки сани асраб,
Бадхоҳ рақибаларни кўрса ўқубон Тўрт "Қул".[97]

[97] "Тўрт қул"дан мурод Қуръони каримдаги "Қул" ("Айт") сўзи билан бошланадиган тўрт сурадир: "Қул йо аййуҳал-кофирун", "Қул ҳуваллоҳу аҳад", "Қул аъузу бироббил-фалақ", "Қул аъузу бироббн-наас". Бу суралар мўъмин кишининг теграсидаги ҳисори – уни ўраб, қўриқлаб турган қалъасидир.

Банда ранжур бўлмагин, чун дилда асроринг Манам,
Шоҳи вақтман ҳолиё, йўқунг билан боринг Манам.

Кўп гуноҳи беадад қилсанг, бу кун сан Манга қоч,
Раҳматим бисёрдур, хўб билки, Жабборинг Манам.

Ҳар кишидан сан ситам кўрсанг, Манга арзингни айт,
Умр савдосини нобуд қилма, бозоринг Манам.

Етти дўзах тафтидин зинҳор, ҳаргиз қўрқмагил,
Ҳимматингни тут баланд, жаннатда гулзоринг Манам.

Ман сани(нг) кўнглунгда бўлсам, дўзахам қилмас асар,
Ҳам Сирот устига по қўйсангки, гурддоринг Манам.

Онанинг қорнида эрдинг, санга жон берган Ўзум,
Сан Манинг ёдимда бўл, охир харидоринг Манам.

Ман яқинман, гарданингни рагларидин ҳам яқин,[98]
Ғойибу ҳозирда ёд этгилки, Сатторинг[99] Манам.

Тонгла гўр остиға чун мурдангни танҳо қўйсалар,
Қўрқмагин, чун гўрдин яхши хабардоринг Манам.

Ота-онангдин улуғроқ меҳрибонингман сани,
Жумлани раҳматга еткурганки, Ғаффоринг[100] Манам.

Чун нидо келдики: Машраб, бўлмагин навмид, боз,
Ҳар такаллум айласанг, оғзингда гуфторинг Манам.

---

[98] Бу сатр Коф сураси, 16-оятига асосланган; маънос: **"Ва муҳаққақ, инсонни Биз яратдик ва унинг нафси-туйгуси унга нима васваса қил**(иб, не хаёлга сол)**ишини ҳам билурмиз!** (Чунки Ўз илмимиз билан) **Биз унга жон томиридан** (ўз-ўзидан) **ҳам яқинмиз".**

[99] Саттоор Ҳақ таолонинг исм-сифатларидан бири бўлиб, "сирларни беркитувчи, айбларни ёпувчи" деган маънодадир.

[100] Ғаффор (ал-Ғаффор) – Ҳақ таолонинг асмои ҳуснада келган исм-сифатларидан; доимо афв этувчи бўлиб, мағфирати, кечируви сўнгсиз, янгитдан содир қилинган гуноҳларни ўровчи ва афв этувчи Зот.

Мақсуди Хақнинг аслиям, оре, манам, манам, манам,
Соҳиби нури фазлиям, оре, манам, манам, манам.

Қатрани ман гуҳар қилай, хору хасени зар қилай,
Жумлани бохабар қилай, оре, манам, манам, манам.

Зоти учун қатил бўлай, оташида Халил бўлай,
Кўйида Жабраил бўлай, оре, манам, манам, манам.

Кўрини ман бино қилай, мурдага жон ато қилай,
Зотига ошно қилай, оре, манам, манам, манам.

Кўси муҳаббатий урай, жумлани нурга тўлдурай,
Етти фалакни куйдурай, оре, манам, манам, манам.

Тўбони сарнигун қилай, рофизини[101] жунун қилай,
Бангини раҳнамун қилай, оре, манам, манам, манам.

Ишқини зулфиқориман, Машраби беқарори ман,
Хизру Масиҳни ёриман, оре, манам, манам, манам.

[101] Рофизий – Ҳақ эътиқоддан тойган, Аҳли суннат вал-жамоат йўлидан чиққан тоифа.

Жамолинг кўргали келдим, аё, эй меҳрибон онам,
Манинг учун адо бўлған, юроку бағри қон онам.

Хўтан даштига туштум бул фалакнинг гардиши бирлан,
Эшиткил арзи ҳолимни, ман айтай санга, жон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, манинг ороми жонимсан,
Муроди ду жаҳонимсан, биҳишти жовидон онам.

Мани бир жоду кўзлук бул жаҳон ичра хароб этти,
Қади сарву санавбар, қошлари мисли камон, онам.

Бошимга тушти бул савдо, бўлубман булбули шайдо,
Шабистони жаҳонда қумридек шаккарфишон онам.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кабоб этти,
Мани хоки туроб этти юзи моҳи тобон, онам.

Сани кўп интизор эттим фироқ ўтига, эй Каъбам,
Тавофи Каъбайи мақсуда келдим дилкашон, онам.

Илоҳо, афв қилғайсан бу Машрабнинг гуноҳини,
Туфайли онайи зорим, ғарибу нотавон онам.

80

Ишқ ўтига ўртаниб девона бўлган ўзгинам,
Куя-куя кул бўлуб, бирёна бўлган ўзгинам.

Ошиқи дийдорман, эй ёр, билмассан магар,
Мансури Ҳаллождек дорга осилган ўзгинам.

Куя-куя кул бўлуб, дунёдин ўткан бормукин,
Ишқ йўлида минг ўлуб, минг бир тирилган ўзгинам.

Чок сийнамни қилиб, Маҳшарда айларман фиғон,
Ул куни дийдор деб Маҳшарни бузган ўзгинам.

Ул Сиротул-мустақийм олдида барча йиғлашур,
Ишқни раҳбар қилибон андин ўтган ўзгинам.

81

Сузук кўзлу, сариғ садбарг юзунгни, дилрабо, кўрсам,
Юзунгдин юз ўгурмасман, агар юз минг бало кўрсам.

Мани ошиқ, сани маъшуқки дерлар ушбу оламда,
Насиб ўлмиш манга давлат, фироқинг ўтида куйсам.

Чунонам кўнгли қаттиқсан, бирам ҳолимни сўрмассан,
Жамолингга тўёлмасман, бошингдин юз минг ўргулсам.

Нечук бедодлиғ иш бўлдики, ман сандин жудо бўлдум?
Жафоларники ман тортиб, на мушкулдур қараб қолсам.

Садафсиз дур, тикансиз гул, машаққатсиз ҳунар йўқдур,
Топарманму висолингни жаҳонни истабон юрсам?

Лабинг – лаълу хатинг – Хизру юзунг монанди Юсуфдур,
Зулайходек куюб-ёниб, бу ишқ ичра адо бўлсам.

Ўшал Мажнуни шайдодек биёбонлар аро ман ҳам
Кўюнгда дам-бадам ёниб, қани, Лайло деб оҳ урсам.

Кел, эй Машраб, кўзунг йўлларда қолди термулуб, найлай,
Қани ул хоки пойинг, кўзларимга тўтиё қилсам.

Қиёматдур агар, жоноки, ман сандин жудо бўлсам,
Хуш ул давлат эрур манга, фироқингдин адо бўлсам.

Харобу бенаводурманки, ҳажрингда адодурман,
Кима айтиб, кима йиғлай бу дарди, бедаво бўлсам.

Асири халқайи зулфунг эрурман, то ўзунг билгил,
Зиёну судини билмай, тақи ман ғамзадо бўлсам.

Санинг ишқингни дарди манга ҳар дармондин ортиқдур,
Тилим куйсун, агар, жонон, талабгори даво бўлсам!

Муҳаббат шавқида, дўстлар, юроким таҳ-батаҳ қондур,
Нечук оҳу наво айлай, авалдин бенаво бўлсам.

Юроким-бағрим ўртанди санинг дарду фироқингдин,
Нечук юз қайтаройин, ман азалдан ошно бўлсам.

Чу қумри сарв учун йиғлаб, фидо айлаб бу жонимни,
Тамомий хонумонимдин кечиб, ман мосиво бўлсам.

Ҳамма ушшоқи содиқни санинг ишқинг хароб айлар,
Қабул айла, аё дилбар, кўйингда бир гадо бўлсам.

Фалакнинг жавридин, дўстлар, нечук ман шиква айларман,
Нетай, найлай, бирodарларки, ман бахти қаро бўлсам?!

Нега додимга етмайсан, манинг ҳолимни сўрмайсан,
Фироқингда адо бўлғон бу Машраб додхоҳ бўлсам!

83

Сеторим торига жон риштасидин тор эшиб чолсам,
Анинг хуш ноласидин бевафонинг кўнглини олсам.

Мақом олиб мақом узра, мақомин дилға жо қилсам,
Муҳаббат созиға созлаб, ман онинг олдида чолсам.

Мақомларнинг атосини «Хусайний»у «Ажам» дерлар,
Булардин ҳам юқори пардайида «Чоргоҳ» чолсам.

«Баёд»и дилбаримни ёдида чолсам паё-пайким,
Ки, кўнгул бенаво бўлғонидин айлаб «Наво» чолсам.

Аролаб чолсам «Ушшоқ»у ғазални соза еткурсам,
Саҳарларда қўпиб машшоқлардин пурзиё чолсам.

Кел, эй Машраб, қадаҳ сунғил, бўлойин маст-мустағрақ,
Бир илкға косайи танбур, бириға жомни олсам.

84

Ки ман оввора ҳижрон илкидин фарёдлар қилсам,
Бориб Ҳақ олдида дасти фалакдин додлар қилсам.

Агарки додима етса, чақибон ишқ чақмоқин,
Фалакнинг уйига ўтлар қўйиб, барбодлар қилсам.

Мани бир дам халос эт, эй биродар, ғуссаву ғамдин,
Анинг ёди билан ҳар дам кўнгулни шодлар қилсам.

Манинг ҳолим агар ишқ аҳли кўрса, зор йиғлайдур,
Агар дарду ғамимдин заррае бунёдлар қилсам.

Ўшалким ғарқи дарёйи муҳаббат бирла Машрабман,
Дилу жоним билан ҳар дам агар фарёдлар қилсам.

85

Батақдири Худо бирлан ўшал ёримни ман кўрсам,
Латофат боғида битган қизил норимни ман кўрсам.

Юзидин нурлар томғай ўшал хуршиди тобоннинг,
Тиларман ушбу оламда вафодоримни ман кўрсам.

Жамоли ойдек тўлғон, мани девоналар қилғон,
Ки, ул ақлу ҳушум олғон, ки дилдоримни ман кўрсам.

Ки, қайғу бошға солдурғон, кўнгулни ғамға тўлдирғон –
Ки, нози бирлан ўлдурғон, ки, айёримни ман кўрсам.

Ки, Машраб айтур: «Эй ёрон, кўзум йўллардадур гирён,
Бузуғ кўнглумни бир сўрғон харидоримни ман кўрсам».

86

Мани девона қилди ул пари рафтор қомат ҳам,
Бу кун келмам ўзумға, балки фардойи қиёмат ҳам.

Манинг ҳоли табоҳимни муҳаббат аҳли кўрганда,
Пушаймонлар қилиб ишқдин, яна айлар надомат ҳам.

Мани ғам бирлан ўлдурдинг, фироқинг ўтиға ташлаб,
Не бўлғай, эмди ман ўлсам, чу сан бўлғил саломат ҳам.

Аё дилбар, рақибим ул ҳарамға айлама маҳрам,
Манинг ҳолимға раҳм айлаб, карам қилғил, каромат ҳам.

Ки сўрмас, Машрабо, ҳеч ким сани, оре, ажаб эрмас,
Юзумни бости бори меҳнату гарди маломат ҳам.

87

То Адам саҳросидин бахти қаро келтурмишам,
Номайи аъмолима юз минг хато келтурмишам.

Қатрае ким оби раҳмат манга нўш айлар Хизр,
Ҳоли Мусойи калимга ман асо келтурмишам.

Дарди бедармонга учрабман, табибим йўқ мани,
Ҳаййи доно Зоти Бечундин шифо келтурмишам.

Сунбули гесуйи "Вал-лайл"[102] ўқубон, эй Аҳмадо,
Эл нажоти рўсиёҳга анбиё келтурмишам.

Ташналаб қолган ўшал марди Худодин ўргулай,
Мотаму афғони дашти Карбало келтурмишам.

Машраби девона билди бир отинг Ҳаййи[103] қадим,
Ҳазратингдин кеча-кундуз минг дуо келтирмишам.

88

Қайси кун бўлғойки, ман Маккада маъво айласам,
Каъбайи мақсудга бориб, манзили жо айласам.

Ҳар биродарни кўрубон, бошидин минг ўргулуб,
Хоки пойин сурмайи бул чамши бийно айласам.

Баъдазон бориб Ҳабиби Ҳазрати Ҳақ ёнида,
Зоҳиру ботин гуноҳимни тавалло айласам.

Ҳақ таъоло сунъидин Арши аъло устида,
Ман жамоли Ҳазратим расми тамошо айласам.

Бодайи ваҳдатни берса соқийи ширин калом,
Икки оламни ўшал саҳбоға савдо айласам.

Хонақоҳ суҳбатда ўлтурсам биродарлар билан,
Гар Худо тавфиқ берса, ёди Мавло айласам.

Қутби олам, Ғавсул-Аъзам, расми исломим, пирим,
Машрабо, қилса назар хизматни баржо айласам.

---

[102] "Вал-лайл" – Қуръони каримнинг 92-сураси илк ояти, маъноси: "Тунга қасам"
[103] Ҳайй (ал-Ҳайй) – абадий тирик ва ҳаёт бўлиб, ҳеч қачон ўлмайдиган, ҳаётни қамровчи ва бутун ҳаётларнинг манбаъи бўлган Зот.

Алифни дилга жо қилмоқни “Бисмиллоҳ”дин ўргандим,
Шаҳид қонини тўкмакни Каломуллоҳдин ўргандим.

Ўшал кун ҳашт дари Жаннатни бир буғдойга сотмоқни,
Тариқи бандаликни Одаму Хавводин ўргандим.

«Заламно Роббано»ни дилга жо қилмоқни ҳар соат,
Гунаҳ қилмоқни ман Одам Сафийуллодин ўргандим.

Кўзумдин қон тўкуб, фарёд этиб ман навҳа қилмоқни,
Тасаддуқи бўлай, Нуҳи набийуллоҳдин ўргандим.

Мақоми кўҳи Турда «**Рабби ариний**»[104] даъви қилмоқни,
Худодин роз эшитмоқни ман ул Мусодин ўргандим.

Жаҳон мулкида ҳаргиз тору сўзан сақламай ўтти,
Мақомоти тажаррудни ўшал Ийсодин ўргандим.

Ҳақиқат минбари васлига Ийсони шафиъ этти,
Тариқи имтиҳонни руҳи Армиёдин ўргандим.

Сулаймондек азалдин салтанат тахтиға минмоғни,
Бу йўлни Осаф ибни руҳи Бархиёдин[105] ўргандим.

---

[104] Рабби, Ариний – “Раббим, Ўзингни кўрсат, Сени бир кўрайин”, Аъроф сураси, 143-ояти (маъноси): “Мусо Биз (ибодат учун) белгилаган муддатда келганида ва Рабби унга (хотифдан, илоҳий калом ила) сўзлаганида (Мусо муножот қилиб): «Ё Раббим! Менга (Ўзингни) кўрсат, Сенга қарайин», деди. (Аллоҳ:) «(Сен тоқат қилиб дунё кўзи билан)104 Мени асло кўра олмассан. Лекин тоққа назар сол, агар у ўз ўрнида қола олса, сен ҳам Мени кўрурсан», деди. Рабби(нинг жамоли) у тоққа тажаллий этганида уни чилпарчин қилиб юборди ва Мусо беҳуш бўлиб (ерга) йиқилди. Ҳушига келгач: «Сен пок ва муназзаҳсан (Олийсан! Ноўрин сўровим учун) Сенга тавба қилдим ва мен иймон келтирганларнинг аввалиман!» - деди”

[105] Осаф ибн Бархиё - Куръони каримнинг Намл сураси, 38-40-оятларида келган воқеага ишора, маъноси: “38. (Кейин Сулаймон ўз амридаги сардорларга) деди: «Эй аъёнлар! Улар мен(инг ҳузурим)га мусулмонлар ҳолида (таслим бўлиб) келишидан олдин қайси бирингиз менга унинг тахтини келтира олур?» 39. Жинлардан бир ифрит (қувватли бир дев): «Сен мақомингдан турмасдан олдин мен уни сенга келтирурман. Менинг бу ишга қувватим ва (бу борада ўзимга) ишончим бор», деди. 40. Китоб(и Илоҳий)дан илмга эга бўлган киши (вазири Осаф ибн Бархиё) эса: «Мен уни кўзингни юмиб очгунингча сенга келтирурман!» - деди. (Сулаймон) у (тахт)ни ўз наздида қарор топган ҳолда кўргач: «Бу Раббимнинг фазлу карамидандир. Мен шукр қилурманми ёки ношукрлик қилурманми – мени имтиҳон қилмоқ учундир. Ким шукр қилса, фақат ўзи (фойдаси) учун шукр қилган бўлур; кимки ношукрлик қилса, шубҳасизки, менинг Раббим бой-беҳожатдир (ҳеч нарсага муҳтож эмасдир), бениҳоят карамлидир», деди.

Ки тинмай эллик уч йил охиратинг ваҳмидин қуйди,
Қиёмат ваҳмини ул ҳазрати Яҳёдин ўргандим.

Тушуб бошиға мотам, доғи фарзандиға ўртанди,
Кўнгул чокини, бил, ул Юсуфи барнодин ўргандим.

Балиқ қорнида Юнус зикри Ҳақни борини айтди,
Кўнгул зангорини ул Юнуси донодин ўргандим.

Танини етмиш уч йил кирми мотам тўъма айлабдур,
Мақоми сабрини Айюби байтуллоҳдин ўргандим.

Муҳаббат мубталоси ҳукми ул нури илоҳийдин,
Кўнгул аррасининг зикрини Зикриёдин[106] ўргандим.

Сабо Маҳшар куни ул Осий уммат ларга ҳомийдур,
Ҳақиқат сиррини руҳи Расулуллоҳдин ўргандцм.

Абу Бакру Умар, Усмон иймонимнинг гувоҳидур,
Азалнинг ҳимматини Ҳайдари аълодин[107] ўргандим.

Ҳасан бирлан Ҳусайн Ҳақ йўлида жонини топшурди,
Кўнгул таъсирини, бил, нолайи Заҳродин[108] ўргандим.

Кийибон салтанат фақрин танимға, мосиво бўлдум,
Фақирликни Муҳаммад ибни Абдуллоҳдин[109] ўрсандим.

Ҳама айтурки: Машраб, мунча илми кимдин ўргандинг?
Худо лутф айлади, ман барчани Мавлодин ўргандим.

---

[106] Закариё алайҳиссалом – Бани Исроил пайғамбарларидан, қавми у зотни арралаб ўлдирган ва қатл вавқтида ҳам "Аллоҳ, Аллоҳ, Аллоҳ" зикрини тарк этмаганлар. Яссавийя тариқатидаги зикри арра шундан қолган.

[107] Бу ўринда машраб Чаҳор ёрларни зикр қилмоқдалар. "Ҳайдарри аъло"дан мурод ҳазрати Алидирлар (розияллоҳу анҳум).

[108] Заҳро – Фотимаи Закро (розияллоҳу анҳо), у зот ўғиллари ҳазрати Ҳасан ва ҳазрати Ҳусайннинг шаҳид бўлишлари ҳақидаги хабарни эшитиб, нола қилиб йиғлаганлар.

[109] Муҳаммад ибн Абдуллоҳ – ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Ул зот: "Ал-фақру фахрий" – "Фақр – йўқликка қаноат менинг фахримдир" деб марҳамат қилганлар.

90

Он қадар нурга тўлибман, осмонга сиғмадим,
Тоқи Аршу Курсию Лавҳу Жинонга сиғмадим.

Кимга соям тушса, бир нури яқийн бўлди у ҳам,
Дафтари Руҳи қудсдурман,[110] забонга сиғмадим.

Жаннату Кавсар манам, ҳам Дўзаху Сақар манам,
Бир ўзумдурман бу дам, ҳафт осмонга сиғмадим.

Сояйи Одамға келдим, нури маъни изладим,
Жаннатул-Фирдавсидек олий маконга сиғмадим.

Бор эдим Нуҳ вақтида, ғарқ этмади тўфони ҳам,
Ҳамраҳи Мусо бўлуб, Тури Синонга сиғмадим.

Элли(к) йил Ийсо билан юрдум ўлукни тиргузуб,
Боиси бир нуктадин, Машраб, замонга сиғмадим.

91

Зебо санамим йўл уза кўргач, тура қолдим,
Наззорасидин маҳв ўлубон, ўлтура қолдим.

Сайёра сифат кеча тонг отгунча югурдим,
Юз шукрки, ойдек юзини бир кўра қолдим.

Мажлисда анинг шамъи жамолини кўрубон,
Парвона масал ўтқа ўзумни ура қолдим.

То шамъи висолингга етолгунча рақиблар,
Ишқинг ўтида болу парим куйдура қолдим.

Майгун лабидин берса санам журъае бода,
Жон нақдини илкимға олибон бера қолдим.

Май тутти санам лутф ила Машрабға баякбор,
Дарҳол олиб ман қўлидин, сипқора қолдим.

---

[110] Руҳи қудс (Руҳул-қудс) – пок, муқаддас руҳ; ваҳй келтирувчи фаришта Жаброил алайҳиссаломнинг Қуръонда келган номлари.

92

Ногоҳ кўрубон маҳви жамолинг бўла қолдим,
Ойдек юзунга боқдиму қурбон ўла қолдим.

Ўтдек туташиб куйди юроким била жоним,
Парвонадайин ўтқа ўзумни ура қолдим.

Юз ноз ила чиқди санамим майкадасидин,
Бир ғамзасига дин ила иймон бера қолдим.

Кўрдумки ажаб ишвагару дилбари танноз,
Девона бўлуб, ишқида ўтдек ёна қолдим.

Дилдор жамолини кўруб, ишқи йўлинда,
Гулгун ёнибон, маҳви тамошо бўла қолдим.

Ҳожат эмас ул Каъбаву бутхонаға бормоқ,
Ман гавҳари мақсуд олайин деб ёна қолдим.

Машраб бошиға тушти ўшал кун ғами дилдор,
Шайдоси бўлуб, жумла ҳавасдан қола қолдим.

93

Қилди манга бир жилвае, ногоҳ боқа қолдим,
Ул жилвасиға дин ила дунё сота қолдим.

Маъшуқ дедики: «Бовар эмас манга бу ишқинг",
Ғайрат тиғи бирлан юрагимни оча қолдим.

Арз устидан ул Аршғача шаҳбозини кўргач,
Тан шаҳрида ул жон қушидек толпина қолдим.

Ғам тоғида Фарҳод сифат эмганур эрдим,
Бошимға бало тешаси тегди, ёта қолдим.

Машраб, йўлида турфа паришон юрур эрдим,
Ул моҳ чиқибон парда кўтарди, боқа қолдим.

94

Дунёға келиб, лойиға билмай бота қолдим,
Дармон йўқидин неча оғиз сўз қота қолдим.

Кўрдумки, ани душмани руҳу тан экандур,
"Ло"[111] ўқи билан икки кўзиға ота қолдим.

Майхонаға кирдим, била қолдим куяримни,
Масжидға кириб, зоҳиди яхдек қота қолдим.

Зоҳид, манга бир шишада май, санга намозинг,
Минг тақвини бир косайи майға сота қолдим.

Ваҳдат майини пири муғон илкидин ичтим,
Мансур каби бошими дорға тута қолдим.

То телбалиғим шуҳрати оламни тутубдур,
Бир жилвасиға икки жаҳондин ўта қолдим.

Айб айламангиз Машраби бехудни, ёронлар,
Найлайки, бу ғурбат кўчасидин ўта қолдим.

95

Азалдин то абад, дўстлар, ҳамиша оҳ деб келдим,
Тилимда "Раббийал-аъло", яна Аллоҳ деб келдим.

Ки сан авлоди Пайғамбар, отинғдур ҳазрати Офоқ,
Ки навмид қўймағайларким, улуғ даргоҳ деб келдим.

Азалдин манга солди ушбу ўтни, эй мусулмонлар,
Анинг учун куярман, туну кун юз оҳ деб келдим.

Ҳидоят кўргузинг, Офоқ хожам, пушту паноҳим сиз,
Адашган, йўлда қолганман, ғарибга роҳ деб келдим.

Кел, эй Машраб, умид этгилки, афв этгай гуноҳингни,
Ҳасан бирлан Ҳусайним ҳурмати, ул шоҳ деб келдим.

---

[111] Ло – йўқ; бу ўринда "Ло илоҳа иллаллоҳ" - - "Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ" маъносида.

96

Тамошо айламакка гўшаедин анжуман келдим,
Суруди булбули шўридадек сўйи чаман келдим.

Агар Яъқубдек қон йиғласам, айб айламанг зинҳор,
Фироқи дарди Юсуфни чекиб, байтул-ҳазан келдим.

Шаҳидони Хўтанни тавф этарга, эй мусулмонлар,
Чу лола домани саҳро тутуб, дашти Хўтан келдим.

Жаҳон шайху кибори, олиму, муфтию қозиси –
Ҳама ком топти дунёда, бараҳна, беватан келдим.

Қадаҳ махмуридурман, тўлдуруб келтурғил, эй соқий,
Шароби қирмизи нўш этгали хушки даҳан келдим.

Майи ваҳдат тўла берғил мани Машрабға, эй соқий,
Сиво мулкда сайдеманки, гулгун пираҳан келдим.

97

Ишқинг ўтиға куйғоли келдим,
Ойдек юзунгни кўрғоли келдим.

Савдойи зулфунг тушди бошимға,
Сандин давосин сўрғоли келдим.

Баҳрингга кирдим ғоввос бўлай деб,
Бир дурри мақсуд олғоли келдим.

Эй гулъузорим, ой юзли ёрим,
Маҳви жамолинг бўлғоли келдим.

Қофила кетти, манзилға етти,
Ман ҳам тараддуд кўрғоли келдим.

Соқий, қадаҳни қилғил муҳайё,
Ваҳдат майидин ичғоли келдим.

Раҳмат эшикин Машрабға очғил,
Ишқинг кўйида ўлғоли келдим.

98

Жонон, юзунгни кўрғоли келдим,
Шаккар лабингни сўрғоли келдим.

Ўтдек тутошиб ёнди юроким,
Куя-куя кул бўлғоли келдим.

Эй моҳи табон, зулфи паришон,
Ойдек юзингни кўрғоли келдим.

Шамъи жамолинг парвона қилди,
Ўтға ўзумни урғоли келдим.

Ман сори боқғил, эй гулъузорим,
Рози дилимни очғоли келдим.

Эй тўрайи ҳусн, банданг бўлойин,
Эшикинга кул бўлғоли келдим.

Машрабға тегди косайи даврон,
Беш кун жаҳонда турғоли келдим.

99

Тавофи остонингга ғарибу нотавон келдим,
Умид айлаб мадад сандин, бу чашми хунфишон келдим.

Талаб айлаб висолингни, кўрарман деб жамолингни,
Бўлуб булбули нолони, қилиб оҳу фиғон келдим.

Қалам ёзғон экан манга буни "**Наҳну қасамно**"да,[112]
Муҳаббат тиғи андози билан чун бағри қон келдим.

Юрубдур дарбадар йиғлаб, бўлуб лабташна бул Машраб,
Шароби маърифат излаб, чу лола бағри қон келдим.

---

[112] Наҳну қасамно – Биз тақсим қилдик; Зухруф сураси, 32-ояти (маъноси): "Раббингизнинг раҳматини улар тақсим қиладиларми? Дунё ҳаётида уларнинг ризқи рўзларини ўрталарида Биз тақсим қилдик!"

Аввал Одам эдим, ҳамсуҳбати Ҳавво бўлуб келдим,
Ки нур дарёсиға ғарқи камолуллоҳ бўлуб келдим.

Халилдек оташи Намрудга кирдим, куймадим ҳаргиз,
Мақомоти азалдин олами боло бўлуб келдим.

Учунчи тийғи Ҳаққа ҳалқумим туттум чу Исмоъил,
Қазоға рози бўлдум, чун Забиҳуллоҳ бўлуб келдим.

Вале тўртинчи Нуҳдек навҳалар қилдим фироқида,
Қилиб тўфон талаб, пур мавжи ул дарё бўлуб келдим.

Бешинчи кўҳи Турда рози махфий айладим нурдин,
Тажаллиёт кўрдум, ҳазрати Мусо бўлуб келдим.

Мақоми олтидаким, суврати Довудни ҳам топдим,
Қилиб оҳанни нарм оҳимға, ман гўё бўлуб келдим.

Мақоми еттида Марямни қорнидин сафар қилдим,
Ўқуб оёти Инжил, ул Масиҳосо бўлуб келдим.

Ки эмди бизга келди саккизинчи боз навбат чун,
Сулаймони азалдек тахтга миндим, шоҳ бўлуб келдим.

Мақоми тўққузунда Мустафонинг руҳини кўрдум,
Ҳамага раҳнамун бўлдум, ман ул дилхоҳ бўлуб келдим.

Ўнунчи вақт эди, топдим Абу Бакру яна Умар –
Ки, Усмону Али руҳига ман ҳамроҳ бўлуб келдим.

Мақоми рози ўн бирда боқиб ул Жаъфари Содиқ,
Мақоми Боязидға орифи биллоҳ бўлуб келдим.

Ўн икки пардадинким, ман у Мансур руҳини кўрдум,
"Анал-Ҳақ" айтаман, миръоти Зотуллоҳ бўлуб келдим.

Ўн учга етти вақтим, ҳоли суратда Насимийман,
Теримни сўйдилар, машғули бул савдо бўлуб келдим.

Даме ўн тўртга етганда, бўлуб шамшир илан тире,
Худодин илм ўргандим, яна мулло бўлуб келдим.

Камолим етти ўн бешга ва руҳи Мавлавийдурман,
Жалолуддин бўлубман, жумладин огоҳ бўлуб келдим.

Ўн олти қатла келди барчанинг тожи сари, Машраб,
Уруб суратени барҳам, Мажнуни расво бўлуб келдим.

101

Ман эрдим булбули гўё, фиғон бирлан чаман келдим,
Юракда дард кўпдур, гулузори ёсуман келдим,

Манинг ошуфта кўнглум ғунчадек ҳаргиз очилмайдур,
Юракдин ғам кетар деб, бул сабабдин ман Хўтан келдим.

Юракдин оҳ тортар барча толиблар ҳам армонда,
Муяссар бўлмади мақсуд, яна қайтиб ватан келдим.

Бу Машраб сўзини дурдонайи қимматбаҳо дерлар,
Жамийи халқ аро сўз бобида соҳиб сухан келдим.

102

Эй санам, ишқинг ўтида ман тамом ёнмоқ эдим,
Мисли парвона бошингдин юз кез айланмоқ эдим.

Бул муҳаббат даштида бир неча юрдум ой-у йил,
Югурук тозинг билан йилқингни қайтармоқ эдим.

Айтибон ҳамду сано қаддимни этмишман қиём,
Неча йил лайлу наҳор васфингни ман айтмоқ эдим.

Даҳр боғида санинг овозайи ҳуснинг учун,
Мили Искандар олиб, таблингни ман қоқмоқ эдим.

Машрабо, умрунг Хўтан даштида ўтти қон ютуб,
Юнус ул батни самак ўлғанда[113] ман қармоқ эдим.

---

[113] Юнус ул батни самак ўлғанда – Юнус алайҳиссалом балиқнинг қорнига кирганларида, яъни у зотни Ҳут ютганида.

Санинг васлингни, эи жонон, мани афгор соғиндим.
Шаби ҳижронда қолдим, партави дийдор соғиндим.

Хазон торож айлаб, бағрими помоли ғам қилди,
Баҳор бўстонидек, дилбар, гули рухсор соғиндим.

Ўлар ҳолатдаман, бошим сари қилғил қадам ранжа,
Ки дийдоринг қиёмат қолмасун зинҳор, соғиндим.

Кечалар уйқу йўқ, кундуз хаёлотинг билан ўтти,
Ба қалби ботину зоҳирда ҳам бедор соғиндим.

Кўнгулда йўқ эди сандин жудолик, лек найларман,
Муқаддар илкидин бўлди бу иш, ночор соғиндим.

Шажарлар – хома, дарёлар – сиёҳу еру кўк – саҳфа,
Рақам қилсам, адо бўлмас ғаминг, бисёр соғиндим.

Қулунг Машрабни, жонон, шафқат илан бир сўраб келгил,
Ки, сан муршиди комил – маҳрами асрор, соғиндим.

Биродарлар, ман ушбу кеча Мажнундин назар топдим,
Тун ўтгунча риёзат бирлан оламдин хабар топдим.

Ўшал маҳвашни ёд айлаб, ғаму қайғу зиёд айлаб,
На ақлимдин нишон кўрдум, на ҳушумдин асар топдим.

Манингдек талхкому бенасиб дунёда ўтган йўқ,
Шакар оғзимға солдим, заҳри қотилдин батар топдим.

Бу даҳри бевафоға ҳеч кўнгул берманг, аё дўстлар,
Ки, ман фоний жаҳонни мисли абри даргузар топдим.

Вужуди ушбу олам бир кеча-кундуздин ортиқ йўқ,
Чароки, дуняда бир шамс кўрдум, бир қамар топдим.

Надомат ашки тўфони бошимдин чун ўтиб кетти,
Балиғ қорнидағи Юнус каби баҳр ичра бар топдим.

Нигоримдин вафо, на дўстлардин дафъи ғам кўрдум,
Ки ҳар кимдин умиди манфаат қилдим, зарар топдим.

Нетай, Машраб, бу йўлда манга ҳеч ким бўлмади раҳбар,
Адашдим, йўл йитурдум, на паёму на хабар топдим.

105

Ҳамдамим йўқ, водариғо, дур тушубдур манзилим,
Чун кўкарганда хазон келди, қурубдур ҳосилим.

Ҳеч кими мандек паришону аламлик бўлмасун,
Умрум ўтти, ҳеч кушод бўлмас манинг бул мушкулим.

Чун хазон келди, баҳоримдин сира топмай хабар,
Охири вақтим кўкарганда, қуриди ҳосилим.

Қай бири хошок каби гирдоби бўлгайман букун?
Юз насиҳатдин тузалмайдур бу нафси жоҳилим.

Мардумозори бўлуб, бўлдум забун ман оқибат,
Кўп ямон қилди жаҳонда бул манинг аччиғ тилим.

Аждаҳонинг заҳридин бадтарду, билгил, ганда сўз,
Ҳамнишини бадга учрабдурки руҳи қобилим.

Бораман, Машраб, бу ғурбатхонадан ҳайрон бўлуб,
Бир алифдин ўтмағайдур то манинг бул таҳсилим.

106

Дунё сариға бир келибон, ғамзада кеттим,
Бир лаҳза дам олмай турубон, лаҳзада кеттим.

Бир мушфиқи ҳамроз жаҳон ичра тополмай,
Ҳасрат ўтида куйдиму мотамзада кеттим.

Сурмай бу қаро юзни бориб равзаларига,
Армонда юриб, лек бузуғ кулбада кеттим.

Ҳар жон келару кетгусидир, билсам они ҳам,
Кетмасча юрубон, яна ғурбатзада кеттим.

Хорис бўлибон дунёда юрди неча гумроҳ,
Урён келибон мунда, яна арбада кеттим.

Ғофил кишилар кечаю кундуз тилагай мол,
Дунё ила динни сотибон, ғамзада кеттим.

То ёрини хаёл айлади Машраб, кўзин очти,
Юз дарду алам бирлаки, меҳнатзада кеттим.

107

Кетти қарору сабру ҳуш, қолмади танда тоқатим,
Тун-кун ила зиёдадур меҳнату дарду офатим.

Оҳ урубон қаён кетай, тоғу тоша бошим урай,
Бошима минг балою ғам — кунда турур аломатим.

Заррача қолмади юрак, куйдию бўлди ҳам адо,
Кўздаги ёшу ранги зард — ушбу эрур ҳаловатим.

Ҳожию муфтини йиғиб, омию шайху ҳам мурид,
Барчасидан юз ўгуруб, ишқи эрур маломатим.

Барчага — молу жоҳини, неъмату мулку жойини,
Манга беribдур оҳини, ушбу турур салобатим.

Ишқ эмас бало экан, меҳнату дарду оҳ экан,
Машраби бенаво экан, кун-кундин ортар офатим.

108

То олами зоҳирға келиб ман гузар эттим,
Тарк айладиму жумлани қатъи назар эттим.

Аҳволи дилим айтғали бир маҳраме топмай,
Зулмингни қариндошу ғамингни падар эттим.

Бир қушки чўлоқ сан сари парвоз этайин деб,
Ҳажр ўқларини жонга суқуб, болу пар эттим.

Душманга чу ҳарб этмак учун чора тополмай,
Дўстим қўлини туттиму тийғу табар эттим.

Ғам шомида қалбимга гузор этти хаёлинг,
Кўз ёши — юрак қони билан моҳазар эттим.

Савдойи сари зулфинг учун неча маҳалдур,
Жон кишварини буздиму зеру забар эттим.

Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвиш,
Бас, жандани кийдим, ўзими дарбадар эттим.

Кўтаҳназар эл билмаса деб хаста бу Машраб,
Минг маънини бир нукта билан мухтасар эттим.

Нетгум, санамо, ишқинг ўтида ватан эттим,
Ҳар тори мўйим шамъ каби шуълазан эттим.

Қон йиғлади кўз, қолди таним қон арасинда,
Ҳар қатрайи тан тоғида лаъли Яман эттим.

Ғам тоғин алам тешаси бирлан қозадурман,
Ўлгунча, хаёлингни уюб Кўҳкан эттим.

Жаннат билан Кавсар сувини оғзима олмай,
Лаълинг ғами заҳр эрдики, шаҳди даҳан эттим.

Ўтлар тутошур гар нафас урсам ҳама жонға,
Ишқ аҳлиға ўтлиғ юракимни чаман эттим.

Сайд ўлғуси ҳар ким келур олдимға, қутулмас,
Невчунки, кўнгил шўъласи бирлан расан эттим.

Сайр айлади ул гулшани ишқ ичра наволар,
Ҳар булбулу тўти эди, зоғу заған эттим.

Машраб танининг захмлари бўлди гулафшон,
Ўлдум ғами ишқингда чу гулдин кафан эттим.

110

Дил даштида ғам оҳуларига ватан эттим,
Ғамзанг ўқи то лолалар очти, чаман эттим.

Ишқ аҳли манинг сори келурға бу эрур йўл,
Ҳар ерда тараб гуллари эрди, ватан эттим.

Найсон каби кўздин ёғадур ашки равоним,
Садқангга юрак қонини лаъли Яман эттим.

Меҳринг қуши кўнглим қўлидан ажрамасун деб,
Жон риштаси бирлан оёғидан расан эттим.

Жонимға нигоҳинг ўқидин гуллар очилса,
Сайримға ани настарану ёсуман эттим.

Расволиғ ўтин балки ўзимға ёқадурман,
Жисмимға самандар каби ўт пираҳан эттим.

Машраб, бу сўзинг топди санинг бўйи шаҳодат,
Қонлиғ танима ишқ либосин кафан эттим.

111

Ўшал рўзики ман сандин жудолиғ ихтиёр эттим,
Чиқиб саҳроға Мажнунлиғ шиорин ошкор эттим.

Қаро қилса фалак бахтим билан бул рўзгоримни,
Санинг дарду ғаминг сийнам ичинда эътибор эттим.

Мане афтодаву бедил, ғариби доғи ҳижронман,
Ўзимға офарин дерман, Сани кўрмай қарор эттим.

Манинг, жоно, ғамингдан ўзга ҳеч ким – мунисим йўқдур,
Ким айлар илтифоте, ман диёрингга гузор эттим.

Ўюлсин кўз, жамолингдин дигар юзга нигоҳ этса,
Куюб қолсун юрак-бағримки, сандин ўзга ёр эттим.

Жамолинг соғиниб кўзларда зарра нур қолғон йўқ,
Ажаб йўқ, зор қолғон кифрикимни ашкбор эттим.

Эрурман ошиқинг, халқи жаҳон дерлар мани Машраб,
Нечунким, манзилимни сояи Парвардигор эттим.

112

Етти дарёға қўшулди оби чашми ҳимматим,
Неча Мажнунға сабақ берди дилимда ҳайратим.

Доманимдан тортти, дунёни кўринг дуни дағал,
Варна Аршнинг устида эрди камоли миннатим.

Хуни ғарқ бирлан адо қилдим, басе, Мансурман,
Оҳи сардим бўлди савмим, ҳам фиғоним — тоатим.

Гарчи зоҳир хушк хоку бебизоатман букун,
Мусову Ийсони давроніға бордур нисбатим.

Эй сафобахш, нафси фиръавнимға бир шамшир ур,
Токи ҳамроҳи Мусо бўлсин манинг бул хислатим.

Умр азал — дорул-бақо, дайри фаноға турғали,
Лоладек бир соати йўқдир манинг ҳеч фурсатим.

Покбозам, хорижи дунёйу, уқбодин жудо,
Суратим гарчи башар келди, малакдур сийратим.

Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат йўлида,
Манга ҳам дори қурулғонда етар бу қисматим.

Ҳеч билолмайман ўзимни — қайси қавмийман букун,
Лекин Арш устида Жибрилдур манинг ҳамсуҳбатим.

Машрабо, охир санга юз минг биёбон тай уруб,
Бўлмади бир пашшайи лоғарча акнун хизматим.

113

Жумла халқ тоатдадур, ман, бас, хато қилдим, Карим,
Некларнинг хокини дийдамга жо қилдим, Карим.

Бир дуо айланг, манга ҳожатбарор бўлғаймукин,
Дилсиёларни ўзимга ошно қилдим, Карим.

Оби раҳмат ёки бўлгай ёки бўлмас ҳар тараф,
Рўсиёҳлик бирлан юзумни қаро қилдим, Карим.

Сан агар раҳмат билан Машраб гуноҳин ёпмасанг,
Рўзи Машҳарда бу жонимга жафо қилдим, Карим.

Заминни чок этиб бағриға чиқтим, осмон кеттим,
Фалакни тай уруб, Аршдин ўтуб, ман ломакон кеттим.

Келурдим ломакондин сайр этиб дорул-бақо узра,
Кароре топмадим, гоҳи у ён, гоҳи бу ён кеттим.

Тижоратни қибоб[114] айлаб, тилаб ул холи рухсорин,
Ямандин сайр этиб бир лаҳза ман Ҳиндустон кеттим.

Деканда неча йиллар истиқомат айладим, турдим,
Тамоми расми кофирларни кўрдим, Исфаҳон кеттим.

Мадинани тавоф айлаб, яна ул оби Замзамни,
Келиб сизларға учрабман, дуо олиб, амон кеттим.

Хуросоннинг ҳавоси яхши, аммо одами фосиқ,
Ҳиротни тай уруб, Машҳаддин ўттум, ман Эрон кеттим.

Халаф, Ширвон билан Шоми шарифнинг одамин кўрдим,
Бухоро шаҳриға бориб, ўтуб ман Тошкон кеттим.

Келиб ман Шоҳимардон Шеримардонни тавоф айлаб,
Сарипулу Шивирғон, Андижондин ман Хўқон кеттим.

Қароре топмадим рўйи заминда, Машрабо, ҳаргиз,
Фалакни тай уруб ўттумки, ман чун ломакон кеттим.

[114] Қибоб – қуббанинг кўплиги (ҳиндчада "қубба" "калас" дейилади).

Адам иқлимидин келдим, тамошойи жаҳон кўрдум,
Кўзум ғайрат билан очтим, ҳама айни аёң кўрдум.

Юруб боди сабодек ҳар тараф оламда саргардон,
Чаманда булбулу гоҳ ёсуман ҳам арғувон кўрдум.

Худонинг қудрати кўптур, жаҳонда ҳар тараф боқсам,
Бировни ҳам гадо, ҳам бирни ман шоҳи шаҳон кўрдум.

Ғуруре давлати шоҳий ўтар чун барқи бир соат,
Фақири бенаволиғни ажойиб, хўб амон кўрдум.

Ҳаётингни ғанимат бил неча кун ушбу оламда –
Ки, вақти навбаҳор ўтти, яна вақти хазон кўрдум.

Нашоту айши оламни бақоси йўқ эрур асло,
Бировни ҳасрату ғамда, бировни шодмон кўрдум.

Агар Жаннат тилар бўлсанг саҳарлик иста, эй Машраб,
Саҳархезнинг маконини Биҳишти жовидон кўрдум.

Шоҳи жаҳоним, ишқингда ўлдум,
Ороми жоним, ишқингда ўлдум.

Кимдин ўргандинг мунча жафони,
Эй нуктадоним, ишқингда ўлдум.

То "**қоба қавсайн**"[115] шарҳи қошингдир,
Абрў камоним, ишқингда ўлдум.

Қақнусга ўхшаб нола қилурман,
Ўртанди жоним, ишқингда ўлдум.

Бир раҳм қилғил, ҳолимни сўрғил,
Номеҳрибоним, ишқингда ўлдум.

Ёрим, санга ман чокар бўлойин,
Соҳибқироним, ишқингда ўлдум.

Машрабга бир боқ, жон лабға етти,
Руҳи равоним, ишқингда ўлдум.

---

[115] Қоба қавсайн – икки ёй демак бўлиб, Нажм сураси, 9-10-оятларига ишора; мазмуни: **9-10. "Ўртадаги масофа икки ёй миқдорича, хатто янада яқинроқ бўлди, шу аснода** (Аллоҳ) **ваҳй этган нарсани бандасига ваҳй килди".**

117

Санинг ишқингда, эй дилбар, ажаб девона “Ло” бўлдум,
Бу оламда халойиқға басе афсонало бўлдум.

Асоси салтанат бирлан паривашлар шаҳаншоҳи,
Тараҳҳум айлагил манга, эшикларда гадо бўлдум.

Сўроқлаб васли дийдоринг жамиъи халқдин сўрдум,
Эмиш «Жўянда ёбанда»[116] ки, ман топмай адо бўлдум.

Нигоро, ханжари қошинг дилим сад поралар қилди,
Тўкуб қоним, юзунг кўрмай, шаҳиди Карбало бўлдум.

Алифдек қоматин дилбар қилиб хам, бодани сунди,
Ўшал майдин ичиб, “бе” нуқтасидек зери по бўлдум.

Бу Машраб дардини, ё Раб, ки ҳеч ким бошиға солма,
Даво айла бу дардимга, ки муҳтожи шифо бўлдум.

118

Нигорим гулъузорингни кўролмай, мубтало бўлдум,
Шароби лаълинг ичтим, сан санамға ошно бўлдум.

Тараҳҳум қил, аё дилбар, қулингга кўп жафо қилма,
Ўзингга ошно қилдинг, ғарибу бенаво бўлдум.

Юзунг гулдур, мужовир[117] кўзларинг мастонадур, жонон,
Юроким поралар бўлди, шаҳиди Карбало бўлдум.

Талаб бозориға кирдим, табиби ишқдин сўрдим –
Ки, дардимға даво топмай, бу дарди бедаво бўлдум.

Аё дилбар, келиб айла бу Машраб сўзини таҳқиқ,
Йўлунгга жон фидо қилдимки, ишққа муқтадо бўлдум.

---

[116] Жўянда – ёбанда(форсча) – қидирган топгувчидир.
[117] Мужовир – қўшнилик қилувчи, бу ўринда: икки ёнма-ён кўзларинг, маъносида.

Ўшал кун санга, эй шўхи ситамгар, ошно бўлдум,
Давосиз дарди бедармонга охир мубтало бўлдум.

Ба бозори муҳаббат гавҳари қимматбаҳо эрдим,
Рақиблар олдида мисли садафдек камбаҳо бўлдум.

Қаландарвор ҳажрингда навою нолалар қилдим,
Санинг дарду ғамингдин, эй пари пайкар, адо бўлдум.

Ўшал кун санга паймон боғладим, эй шўхи бепарво,
Тамоми ҳамнишину ошнолардин жудо бўлдум.

Муҳаббат ўти куйдурди юрак-бағримни, эй Машраб,
Куюб кул бўлди жисмим, нест бўлдум, зери по бўлдум.

Кўрдум юзунгни девона бўлдум,
Ақлу ҳушумдин бегона бўлдум.

Тортиб жафолар ўлсам қўйингда,
Тонмасман асло – мардона бўлдум.

Кавсар шароби ёдимга келмас,
Лаъли лабингдан мастона бўлдум.

Юмдум кўзумни сандин бўлакдин,
Кечтим баридан, бегона бўлдум.

Кўрдум тушумда шамъи жамолинг,
Куйдум чарх уруб парвона бўлдум.

Ишқинг майиға пур бўлди жисмим,
Ҳам соқию ҳам паймона бўлдум.

Бир қатра эрдим, чўмдум денгизга,
Кирдим садафға – дурдона бўлдум.

Куйдурмаса ўт, бўлмас ёғоч чўғ,
Ишқ ўти бирлан ҳамхона бўлдум.

Бўлдум фано ман туфроғ ичинда,
Бир дона эрдим, минг дона бўлдум.

Ул юз ўтида буд бўлди нобуд,
Обод эдим ман, вайрона бўлдум.

Куймас дедилар маъмурайи ганж,
Ишқинг ўтида сўзона бўлдум.

Тегди кўзингдан жонимға минг ўқ,
Дашт эрдим аввал, гулхона бўлдум.

Бир неча йилдур ёрдин жудоман,
Топмай ман они ҳайрона бўлдум.

Санги маломат тегди бошимға,
Яхши-ёмонға афсона бўлдум.

Машрабға май сун майхона ичра,
Кечтим ҳамадин, риндона бўлдум.

121

Аё дилбар, сани кўрдум, басе ман мубтало бўлдум,
Сани кўюнгда, эй барно, гирифтори бало бўлдум.

Хаданги новаки мужгонларинг ҳар дам тегиб ўтти,
Қизил қонимға булғониб, шаҳиди Карбало бўлдум.

Ҳаётим оразингга сарф қилдим, билмадинг аммо,
Сани деб ман ҳамиша дину дунёдин сиво бўлдум.

Манингдек ошиқу дилхастае ҳеч бўлмасин, ё Раб,
Нечук кўнгул узай сандин, азалдин ошно бўлдум.

Нисори мақдамингга, кўюнга бошим фидо қилдим –
Ки, тийғи ханжаринг тегди, бу жонимдин жудо бўлдум.

Юрурман жустужў айлаб кеча-кундуз фироқингда,
Висолингдин хабар топмай, эшикларда гадо бўлдум.

Бу Машрабға тараҳҳум айлағил, эй дилбари зебо,
Фироқингда азиятлар кўриб, бас, бенаво бўлдум.

122

Базми шамъингдин замона ичра бир гирён ўзум,
Доимо парвонадек шамъ ўтиға сўзон ўзум.

Каҳрабо[118] эрмиш жаҳон даврида афғон айлаган,
Чун фалохун[119] доимо саргаштайи даврон ўзум.

Шоҳлик бирлан гадолик, бил, баробардур манга,
Гоҳи ҳажрингда гадо, васлингда гоҳ султон ўзум.

Чин[120] аро кўргач хаданги[121] новаки қош ёсини,
Сийначок ўлған шаҳиди тийри бепайкон ўзум.[122]

Даргаҳи васлинг тилаб, айб этма, афғон айласам,
Машраби саргаштайи ғамдийдайи ҳижрон ўзум.

---

[118] Каҳрабо – бир турли сариғ тош (магнит), сомонни ўзига тортиш хоссаси борлиги учун шундай аталган; *мажозан* сариғ.

[119] Фалохун — палақмон, тош солиб отиладиган қурол.

[120] Бу ўринда: сочнинг жингалаги.

[121] Хаданг – ўқ, камон ўқи.

[122] Яъни: "Учида темир бошоғи бўлмаган бир камон ўқнинг кўкси қийма бўлган бир шаҳидиман".

Гулшани боғи даҳр аро булбули нағмагар ўзум,
Бир бути бебадал учун ошиқи дарбадар ўзум.

Кўйунгга дам-бадам бориб, навҳаву зорлар қилиб,
Шому саҳар фиғон этиб, ҳофизи хуш асар ўзум.

Ё шаҳи меҳрибонмусан, ё маҳи осмонмусан,
Ер билан кўкни куйдуруб кавкабаву қамар ўзум.

Жоми майи луоб[123] ичиб, Мажнуни бенаво бўлуб –
Нозу карашмалар қилиб Лайлийи ишвагар, ўзум.

Шамъи жамолинг ўртади жону дилимни, эй санам,
Болу паримни куйдуруб, бедили навҳагар ўзум.

Васлинги истаб, эй санам, кечаву кундузи мудом,
Вақти саҳарда тур дединг, доияйи саҳар[124] ўзум.

Хисрави комрон бўлуб, Рустами достон бўлуб,
Бир зўр паҳлавон бўлуб, Ҳамзайи рахнагар[125] ўзум.

Олими нукдадон манам, пири "Ҳидоя"хон манам.
Шуҳрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум.

---

[123] Луоб – оғиз суви, тупурик, сўлак.

[124] Доияи саҳар: доия – тақозо этувчи, орзу, боис, сабаб; бу ўринда "саҳарлар дуо қилувчи" маъносида.

[125] Рахнагар – тешувчи; бу ўринда куфр йўлига хахал берувчи.

Ҳажру фироқинг ўтида ошиқи беқарор ўзум,
Ой юзунг иштиёқида ошиқи хоксор ўзум.

Холу хатингни кўрмасам йўқтур қарорим, эй санам
Ишқинг ўтиға ман куюб сўхтайи дилфигор ўзум.

Чиқди Ийсо ҳаво уза, кўрмади Маъшуқин юзин,
Икки жаҳон ичинда, бил, санга гирифтор ўзум.

Юзунгни кўрмасам агар, бўлмағай эрдим интизор,
Раҳм айлагил бу ҳолима, ошиқи бемадор ўзум.

Куйди юроким ўртаниб жабру ситамларинг билан,
Оҳима жовидон куяр, оташи тобдор ўзум.

Кўксума ханжаринг тегиб, оҳ ила Аршни куйдуруб,
Қонима жисму жон бўяб, гулшани лолазор ўзум.

Чину Наманган ичида юрди Раҳимбобо сўраб,
Топмади бир ҳодийини, толиби роҳбарор ўзум.

Махфи(й) Зулайхо доимо Юсуфға интизор эди,
Икки жаҳонда ёрини излаган ошкор ўзум.

Ҳар нафасики манда бор, бўлди мадад Офоқ Хожам,
Бўлмаса бир қуруқ ёғоч даштида кўҳсор ўзум.

Қуддиса сирриҳу Хожам отими Машраб дедилар,
Қошғару Ёркан(д) ичида соҳиби гуфтор ўзум.

Дунёни пуштипо уруб, Адҳами бенаво ўзум,
Авжи фалакда юругон кавкаби пурзиё ўзум.

Бандаумам, умам ўзум, на миннат ўзгадин тақи,
Йўқтур табиба ҳожатим, дардима ҳам даво ўзум.

Ман тилабон дидорини кўҳи Тур узра дам-бадам,
Мусодайин асо олиб тунқотари[126] Худо ўзум.

Куфр ила дин мазҳабида ҳеч кима йўқтур нисбатим,
Ҳам санаму ҳам ошиқу ҳам шаҳу ҳам гадо ўзум.

Мажнуни бенаво деманг, лайлу наҳорда бўзласам,
Лайлисини сўроғлаган Мажнуни бенаво ўзум.

Хуру Биҳишту Кавсаринг – кўзима бир қуруқ работ,
Васлинга йўл топай десам, раҳраву раҳнамо ўзум.

Асли насабим сўрасанг бир қора қулни ўғлиман,
Баҳри муҳаббат ичида гавҳари бебаҳо ўзум.

Машраби Маҳдий[127] айтадур: олами бевафо аро
Бир бути бебадал учун ошиқи мубтало ўзум.

---

[126] Тунқотар – подшоҳ қароргоҳининг тунги қоровули, тунги қўриқчи.
[127] Маҳдий – Машрабнинг Пири Офоқ Хожа Эшон қўйиб берган лақабларидан бўлиб, "ҳидоят қилинган, ҳидоят топган, ҳидоятга эришган, тўғри йўлга сазовор бўлган" деган маънодадир. Қиёмат яқинлашганда чиқиши ҳақ бўлган зот ҳам Маҳдий дейилади.

Англа бу сўзни, эй санам, ошиқи муддао ўзум,
Асли дилида дарди кўп, дунёда бедаво ўзум.

Элни сазойи қилмағил, ёлғуз ўзумни айлағил,
Юрдуму кўрдум ҳамани, дунёда пургуноҳ ўзум.

Дунёға барча махлуқунг бир келибон бир кетадур,
Кунда мани минг ўлдурур, пуршўру пуржафо ўзум.

Зоҳид элига фосиқу гумраҳу оси, пургуноҳ,
Ҳақни қошида мартабам – уммати Мустафо ўзум.

Ошиқ эрурсан, эй рафиқ, қўрқмаки жонни ваҳмидин,
Қилса мадад ўзи вале, дардима ҳам шифо ўзум.

Қатрайи май тотурмасанг, ол бу жонимни, эй санам,
Сансиз бу дунё ичида ўлмакима ризо ўзум.

Парда кўтаргил, эй санам, рози дилимни айтайин,
Барча ошиқлар олдида аввали додхоҳ ўзум.

Ёстаниб эшикин пирим, солди бозори кўйига,
Сўрамадинг нечук фақир, Машраби хокипо ўзум.

Масти жоми вахдатам, жоно, санга ман зор ўзум,
Шориби хамри "**Аласт**"ам,[128] ошиқи дийдор ўзум.

«**Рабби арини**»[129] деди Мусойи Калим, ҳеч етмади,
Ишқидин нолон бўлубон кечалар бедор ўзум.

Ул Халилуллоҳни солди ўтға Намруди лаъин,
Сайрар эрдим ул замон булбули афгор ўзум.

Юсуфи зиндониға бўлди муяссар тожу тахт,
Хасратида мисли Яъқуб дийдаси хунбор ўзум.

Етти ғабродин[130] ўтуб, тўққиз фалакдин ҳам тақи,
Қурби Хақни кўзлаган ул Аҳмади Мухтор ўзум.

Бирлигингга ман сиғиндим, ё Аҳад, Сандин мадад,
Машраб айтур: ё Илоҳо, барчадин безор ўзум.

---

[128] "Шориби хамри «Аласт" – "Аласт", яъни "Аласту бироббикум?" ("Мен эмасманми сизларнинг Раббингиз?") майининг ичувчисиман. Аъроф сураси, 172-оятига ишора: мазмуни: **"(Эй Расулим!) Вақтида Раббингиз Одам фарзандларининг пушти камарларидан** (ўтган ва бўлажак) **зурриётларини** (зарралар ҳолида) **чиқарди ва уларни ўз-ўзларига гувох қилди: «Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?»** (деди). **Улар: «Ҳа,** (Сен Раббимизсан)! **Биз гувоҳ бўлдик», дедилар.** (Бу эса дунёда куфрга кетиб) **қиёмат кунида: «Биз бундан бехабар эдик» демасликларингиз учундир".**

[129] **«Рабби арини»** – Менга (Ўзингни) кўрсат; Аъроф сураси, 143-оятига ишорат; мазмуни: **"Мусо Биз** (ибодат учун) **белгилаган муддатда келганида ва Рабби унга** (хотифдан, илоҳий калом ила) **сўзлаганида** (Мусо муножот қилиб): **«Ё Раббим! Менга** (Ўзингни) **кўрсат, Сенга қарайин», деди.** (Аллоҳ:) «(Сен тоқат қилиб дунё кўзи билан)129 **Мени асло кўра олмассан. Лекин тоққа назар сол, агар у ўз ўрнида қола олса, сен ҳам Мени кўрурсан», деди. Рабби**(нинг жамоли) **у тоққа тажаллий этганида уни чилпарчин қилиб юборди ва Мусо беҳуш бўлиб** (ерга) **йиқилди. Хушига келгач: «Сен пок ва муназзахсан** (Олийсан! Ноўрин сўровим учун) **Сенга тавба қилдим ва мен иймон келтирганларнинг аввалиман!» - деди".**

[130] Етти ғабро – етти қават ер.

Ишқ водисидин бир кеча ман ҳай-ҳалаб ўттум,
Монанди найистон гулиға ўт қалаб ўттум.

Офоқни бир лаҳзада кездим, на ажабдур,
Мино тоғидин акка сифат ҳаккалаб ўттум.

Оттим фаши досторини девоналиғ айлаб,
Парвона сифат жоними ўтқа қалаб ўттум.

Билдимки вафоси йўқ экан ушбу жаҳонни,
Мардона бўлуб, балки, этак силталаб ўттум.

Дунё ясаниб, жилва қилиб олдима келди,
«Борғил нари!» деб кетиға бир шатталаб ўттум.

Билдимки они душмани маккорайи айёр,
"Ло"[131] тирноғи бирлан юзини тирмалаб ўттум.

Мардони Худо дедики: «Дунё майи аччиғ»,
Аччиғлигини билмак учун бир ялаб ўттум.

Нафс кофири бирлан туну кун қилдим урушни,
"Танҳо"[132] қиличи бирлан уруб, қиймалаб ўттум.

Хомуш пичоғин ҳар дам онинг бўғзиға қўйдум,
Чўғ найзаси бирлан кўзини найзалаб ўттум.

Девонайи Машраб, бу сўзунг дардга даводур,
Ошиқ элининг кўнглиға бир ўт қалаб ўттум.

---

[131] Ло – Лоилоҳа иллаллоҳ, демакдир.

[132] "Танҳо" қиличи – Анкабут сураси, 45-оятидаги **"Иннас-солата танҳо ъанил фаҳшои вал-мункар"** – **"Албатта, намоз фаҳш ишлар ва ёмонликлардан қайтарур"** ҳукмига ишорат. Бу ўринда "Намоз қиличи" маъносидадир.

Сани кўрдум, ҳамма элни унуттум,
Жаҳон лаззотидин кўнглум совуттум.

Санга бердим дилу жонимни ул дам.
Биҳишти жовидон таркини туттум.

Висолингдин, лабингдин эл май ичти,
Фироқинг бирлан ман хуноба юттум.

На қаттиқ кун эди, эй роҳати жон,
Санингдек офати жонга йўлуқтум.

Кеча-кундуз мудом андиша қилдим,
Санинг мислинг йўқин кўнглумда туттум.

Танимсан ҳам азиз жоним эрурсан,
Изинг ҳар ердадур, кўзумга сурттум.

Қабул қил, хоҳ қилма, ҳасратингдин,
Кезиб чўлларни сўнгоким чуруттум.

Ғаминг кўнглумға, фикринг жонима қут,
Ҳаёт истаб хаёлинг заҳри юттум.

Тилимда ё дилимда ўзга бўлмас,
Қасамёд айладим, сўзни туготтум.

Гаҳи васлинг муяссар бўлмағанда,
Хаёлинг бирла кўнглумни овуттум.

Сани ҳам кўрмаган, ҳам топмаган сўнг,
Ғаминг бирлан иковлон гўша туттум.

Қачон кўрдум қизил ўтдек юзунгни,
Вужудум куйдуруб, кулдек тўзуттум.

Ўтун янглиғ куюб ишқинг ўтида,
Адам бўлдум, барин бахридин ўттум.

Эрур Машрабга ишқинг жовидоний,
Кечани ишқ илан кундек ёруттум.

130

Бир даме фориғи андишайи ғам бўлмадим,
Лаҳзайе руҳонилар қавмиға ҳамдам бўлмадим.

Айтинг-айтинг, бандани Холиқ ўзи бандам десун.
То ўзи бандам демай, ҳаргиз мукаррам бўлмадим.

Бир хасе чўпни кўрунг, Ҳақ зикрини бисёр дер,
Ман нечук жоҳилдуман, хасдин муаззам бўлмадим.

Бехабарликда умр чун зое ўтти, Машрабо,
Во дариғо, умрум ўтти, дийда пурнам бўлмадим.

131

Дунёға келиб ранжу балони кўруб ўттум,
Юз ранжу бало шиддатидин ўргулуб ўттум.

Дунёға кўнгул берса киши, бўлғуси расво,
Бул фони жаҳон мулкига шатто уруб ўттум.

Билдим ман они душмани маккор эканини,
Мардона бўлуб, белга этак қистуруб ўттум.

Жон олғучи Азроил эмас, ул Ўзи, билғил,
Невчунки, анинг бирла ман улфат бўлуб ўттум.

Машраб, сани деб ушбу жаҳондин кўнгул узди,
Девона бўлуб ондин эшоким суруб ўттум.

132

Қаландар Машрабингман, икки оламни тепиб ўттум,
Биҳишту ҳуру ғилмонинг пучак пулға сотиб ўттум.

На айлай оби Кавсарни, нигорим бўлмаса соқий,
Харобот ичра бордум, қатра май ондин тотиб ўттум.

Аё дўзах, мани куйдур, халойиқ куймасин ҳаргиз,
Тамуғдин ишқ ўти пурзўр, анинг заҳрин ютиб ўттум.

Ки жон олғучини кўрдум, дедим: «Олғил бу жонимни»,
Ажал қочди, уруб-қувлаб ман они қўрқутиб ўттум.

Солиб бозори ишқингга матойи жисму жонимни,
Харидор сўрмади ҳаргиз, бу жонимдин кечиб ўттум.

Висол айёми бўлғонда, кўрунг бахти сиёҳимни,
Бошимға келса ёрим, ман ётиб ухлаб, бўкиб ўттум.

Куюб ўтғон мани девона Машрабни сўрар бўлсанг,
На ерда аҳли дард топдим, кўзум ёшин сепиб ўттум.

133

Вақт талаввундин[133] ўтубман, муждайи тамкин манам,
Кайфиятни излаган ҳолоки тажридин манам.

Нақши давлат муҳрини нафсимға бости чун ажал,
Шамси Табризий манам, гоҳи Жалолуддин манам.

Хилвати роҳи ватан топдим, нишоним қолмади,
Гоҳ Нажмуддин манам, гоҳи Баҳовуддин манам.

Ҳосилим дунёву уқбодинки ҳар сў келди, бас,
Бир назар ҳолимға қилғил, руҳи Шамсуддин, манам.

Чун хамир бўлди бу хоким шўриши Маҳшар билан,
Ташла дилдин фикратингни, шайхи Маждуддин манам.

Машраби девонадурман, ҳеч киши билмас мани,
Гоҳи комил, гоҳи фозил, гоҳи чун мўъмин манам.

---

[133] Талаввун (арабча) — 1) ранг-баранг, хилма-хил бўлиш, ўзгариб туриш; 2) *мажозан*: саботсиз, тутруқсиз бўлиш.

Санинг васлинг тилаб дунёга бир соҳиб азо келдим,
Ғамингни дилга жо айлаб, аламга ошно келдим.

Агарчи кўнгул олдурдим, кўнгулни узмадим андин,
Сабаб булдур: некулар дийдасига тўтиё келдим.

Ғаминг бошимға тушди, бир ажойиб шўриши савдо,
Азал кундин нетай, найлайки, ман бахти қаро келдим.

Ки сансиз икки дунёда тирикликни нетай, жонон,
Карамлик подшоҳимсан, йўлунгга бир гадо келдим.

Оқиз раҳматни дарёсин ғариблар устига, ё Раб,
Агарчи йўлунга сар то қадам ғарқи гуноҳ келдим.

Кириб дарёйи раҳматга, мудом ғарқоб эди жоним,
Ҳақиқат баҳрида қолган дури қиймат баҳо келдим.

Қаноат шаҳрига кирдим, тамошойи жаҳон қилдим,
Вужудимни уруб барҳам, бу оламдин пано келдим.

Рафиқ ҳар ким билан бўлдум, саволи охират қилдим,
Баҳарнавъида бўлсам, уммати ул Мустафо келдим.

Илоҳий, Машрабингни яхши инсонларга ҳамдам қил,
Гадолик ихтиёр эттим йўлунгда, подшо келдим.

Ичиб жоми муҳаббатдин, ҳадиси шаккаридинман,
Ўзининг қудратин очқон Худонинг дафтаридинман.

Таноби ҳалқани солғил манинг бўйнумға, эй жаллод,
Киши билмас манинг қадрим, бу қоннинг гавҳаридинман.

Дури файз айладим мақсуд, будимни айладим нобуд,
Кушандам бўлди ул Маҳмуд, ки Жаннат Кавсаридинман.

Тамом аъзоларим мотамда дардимнинг баландидан,
Куярсан Жабраил, борғил, ки ишқ пайғамбаридинман.

Муҳаббат йўлиға қўйдум қадам, куйди кафи пойим,
Манинг айбимни қилманглар, ман ул куйганларидинман,

Тажарруд пеша Ийсоман, тажаллий ёри Мусоман,
Алининг қўлига берган Муҳаммад ханжаридинман.

Манинг кўнглумдадур тўфон, ки, Нуҳ андин этар армон.
Ки Дўзах учқуниким, учқунининг ахгаридинман.

Бу Машраб сўзини ҳар дам қилиб тафсири "**иллаллоҳ**",
Миёни "Ло"ву "илло" ҳарфининг аслийларидинман.

136

Қарорим йўқ кўнгулда лаҳзае, сарсона Машрабман,
Қуюндек шамъи ҳуснунг айланиб парвона Машрабман.

Жаҳонда ҳар на боримни йўлида айладим барбод,
Паридур ё малак – ондин бўлак риндона Машрабман.

Ишимдур фақр йўлин тай қилиб қатъи тааллуқдин,
Ичибман туну кун май, толиби майхона Машрабман.

Мани зоҳир кўз ила кўрган эл ўзда гумон айлар,
Вале эл ичра ўздин, барчадин бегона Машрабман.

Саросар сайр этибон ҳар тарафға дашту саҳрони,
Ўзидин бехабар ҳам ҳуши йўқ, девона Машрабман.

Чу манда содавашлиғ вазъидин бир ўзга сир йўқдур,
Очуқ аъзо, ёруқ тан, халқ аро вайрона Машрабман.

Топибон ўз йўлунг, тарк айла зоҳидлик йўлин, Машраб,
Муҳаббат жомидин то май ичиб мастона Машрабман.

137

На ҳолатдур, аё дўстлар, ажаб ҳайрона Машрабман,
Кўролмай гулъузоримни, басе, гирёна Машрабман.

Қаландарвор йиғларман эшикларда фиғон айлаб,
Халойиққа бу оламда басе афсона Машрабман.

Назокатлик нигоримдин ўшал соат жудо бўлдум,
Куюб ҳижрон ўтида доимо сўзона Машрабман.

Ман унга дарди зор айтиб – эшитиб йиғлайин, дерман,
Кўрай деб ул вафодорим, юруб жўёна Машрабман.

Фалакнинг жабри кўксимда, алам узра аламлардур,
Тараҳҳум айлабон кўргил, жароҳатхона Машрабман.

Манинг кўнглим қизил гул ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,
Очилмасдан хазон бўлғон чу мотамхона Машрабман.

Висолингни тилаб Машраб, етубдур ҳалқума жоним,
Кеча-кундуз қарорим йўқ, ажаб сарсона Машрабман.

Санамнинг шавқида тинмай юруб, оввора Машрабман,
Кўзи ёшлиғ, қади хамлиғ, дили садпора Машрабман.

Кўнгулда заррача дунёни меҳри бўлмайин манда,
Сани деб икки оламдин кечиб, безора Машрабман.

Ўлиб кетсам, лаҳад ичра сўнгакдин кетмагай дардинг,
Жаҳонда топмадим чора, ки ман бечора Машрабман.

Анодин қай куни бўлдум, санинг ишқингда оҳ урдум,
Муҳаббат даштида юрган бўлуб оввора Машрабман.

Муҳаббат жомидин май туттилар, ичмасга чорам йўқ,
Кўзумдин қон ёшим тинмай оқар, хунбора Машрабман.

Бошимга минг бало келса, тиларман васлин, эй зоҳид,
Тилим кессанг тиёрим йўқ, деган: «Дийдора», Машрабман.

Халойиқлар мани қувлар, ёмон деб ҳар шаҳар борсам,
Ажаб мардуд, ажаб маҳрум, ажаб сангсора Машрабман.

Ўзумни халқ аро ихфолиғимни ҳеч киши билмас,
Дилу жоним фидо айлаб, ажаб айёра Машрабман.

Мани девона Машрабға муҳаббатдин баён айланг,
Намозу рўзадин фориғ бўлуб, сайёра Машрабман.

139

Ажаб парданишин бир маҳлиқо дилбарга учрабман,
Узуб бўлмас кўнгул андин, пари пайкарга учрабман.

Ёниб ҳар боқишингдан жон қутулмас, кўзлари жаллод,
Қизил қон тўккучи кифриклари ханжарга учрабман.

Кўрунди бир пари, ақлимни олди, ман нечук айлай?
Фусунгар, макри кўп, айёра жодугарга учрабман.

Ниҳоли риштайи меҳри манинг жонимға чўлғонмиш,
Кўнгул боғида ўсган сабзайи ар-арга учрабман.

Кўруб ҳолимни раҳм айлаб сув ўлди тоғлар йиғлаб,
Нетай, ҳеч раҳми келмас, раҳми йўқ кофарга учрабман.

Азоби сахти Маҳшар осиларга бир куни келмиш,
Манга бир кунда юз Маҳшар қилур дилбарга учрабман.

Бу Машраб ноласини айб қилманг, эй мусулмонлар,
Нечук шамъи гузида, кокили аждарга учрабман.

140

Мани мубтало на айлай, ҳамадин сиво тушубман,
Юрагимни ўртади ғам, ки балоға во тушубман.

Дили мижмаримдур[134] оташ, урадур шарора ҳоло,
Бу хароб даҳр аро ман яна гумроҳ тушубман.

Нафасиму руҳи поким, назаримда оби хоким,
Мани дардли сийна чоким, нафаси Ийсо тушубман.

Бу надоматимни кўргил, мани интизора раҳм эт,
Бу аламни киштисиға ман нораво тушубман.

Ман учун тузатти мулке бу жасадни подшоҳим,
Бу танимни мулкиға ман яна подшо тушубман.

Деди, Машрабо, талабдин сира қолма, ганж бисёр,
Ки ҳазор давлатингга дили Зикриё тушубман.

[134] Мижмар — хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган идиш.

Жамолинг соғиниб шому саҳар ман зор йиғларман,
Жунун саҳросида девона-мажнунвор йиғларман.

Санга рози дилим изҳор этиб сўйлар мажолим йўқ,
Паришон ҳолу саргардону дилафгор йиғларман.

Юзунг **шамси зуҳо**, моҳи мунаввар, эй пари пайкар,
Лабинг лаълу, лисонинг шаҳду шаккарвор, йиғларман.

Хатинг боғу баҳору, лолаву сарву суман эрди –
Ки, ман чун булбули шўридайи гулзор йиғларман.

Кўзумдин мавж уруб селоби ашким тўла қон оқти,
Агар ёдимга тушсанг, эй пари рухсор, йиғларман.

Кўрай деб орзу айлаб жамолингни ман, эй зебо,
Турубдурман эшикингда, аё ғамхор, йиғларман.

Илоҳий, мағфират дарёсидин Машрабни шодоб эт,
Ҳамиша, шайъанлиллоҳ, деб қаландарвор йиғларман.

142

Фироқинг ўтида, эй гулъузор, йиғларман,
Тилаб висолинги тунлар зор-зор йиғларман.

Нетай, на чора қилай, васлингга етолмасман,
Фироқ даштида чу абри навбаҳор йиғларман.

Гаҳи тушумда кўруб гул юзунг Зулайходек,
Дилимни пора қилиб, лолазор йиғларман.

Ғарибу бекасу бечора ҳамдамим йўқдур,
Тушуб бул ғамзада кўнглумға ёр, йиғларман.

Қани мусоҳиби ҳамдам, қани қадрдонлар,
Қани муҳиббу қани дўст-ёр, йиғларман.

Сўроғладим бу жаҳон мулкини саропойин,
Топилмадики санингдек нигор, йиғларман.

Қаён борай, тугатай кимга айтибон дардим,
Юроким ўртанибон, пуршарор йиғларман.

Таваккул айла Худо қисматиға, эй Машраб,
Танимда жон борича интизор йиғларман.

143

Ишқинг ўтиға ўртаб ҳар дам чу куяй дерман,
Ул шамъи жамолингга парвона бўлай дерман.

Мужгонинг ўқин отиб, қонимни тўкар бўлсанг,
Қоним била, эй жоно, оламни бўяй дерман,

Юзунг билан қошингдин ўзгага назар солсам,
Ханжар олибон қўлға, кўзимни ўяй дерман.

Раҳм айласа гар дилбар, ҳам очса ниқобини,
Ман хастасиман, дўстлар, тўйгунча кўрай дерман.

Ман дашти муҳаббатда ташна бўлубон юрдум,
Сун васл шаробидин, эй соқий, тўяй дерман.

Машраб сани деб, дилбар, кечти ики оламдин,
Раҳм айлағил, эй жоно, васлингга етай дерман.

144

Ул дилбари раънони ман ёр тутай дерман,
Май берса агар, ондин бир қатра тотай дерман.

Жаннат билан Ризвонин, ҳам ҳур ила ғилмонин,
Балки оби ҳайвонин бир пулга сотай дерман.

Олам ҳама Лайлидур, тун қоши қаросидек,
Боқиб юзига, ойдек рахшона кетай дерман.

Ишқ йўлида ул зоҳид ошиққа қилур таъна,
Бир ўқ билан ман они ондин йўқотай дерман.

"Ҳу" десам "Аналҳақ" деб, олам бориси Ҳақ дер,
Мансур каби бошимни дор узра тутай дерман.

Дўзах ўти сув бўлғай ишқинг ўтидин, Машраб,
Ишқинг ўтидин ташлаб, они қурутай дерман.

145

Даргоҳинга бир ожизи афгор келибман,
Арзи дилими айтгали чун зор келибман.

Йўқдур мани илкимда санга туҳфайи лойиқ,
Жуз зилли гунаҳ, эл ичида хор келибман.

Рад қилма, қабул айлаки, шармандалиғимдин,
Расвойи жаҳон, кўчаву бозор келибман.

Бозори жаҳон ичра келиб шаҳри адамдин,
Жон нақди билан санга харидор келибман.

Лутф бирла карам айлаву дардимға даво қил,
Дармон тилабон ман санга бемор келибман.

Зорийи тавалло қиладур Машраби мискин,
Оч парданиким, толиби дийдор келибман.

146

Бул мусофир шаҳрида ҳар дам тутошиб ёнаман,
Ҳар қаён борсам букун, йўлдин адошиб бораман.

На отам бор, на онам бор, ҳеч кишим йўқдур манинг,
Ҳар таги деворларга зору саргардонаман.

Не гуноҳ қилдим, Худо, дунёда ман бўлдум ғариб,
Ҳар қаерда бекасу бечорага ҳамхонаман.

Доғлар қўйди юракка бул фалакнинг гардиши,
Қисматим андоғ экан, ман жумладин бегонаман.

Бул яқомни чок этиб фарёду афғон айларам,
Барчани бағри бутун-у, ман дили садпораман.

Энди, Машраб, қул экансан, қисматинг булдур санинг,
Шукрилиллаҳ, ҳамма ерда толиби дурдонаман.

147

Кўзум йўлларда қолди, келмади дилдор, найларман?
Бўлубман мунтазир, кўргузмади дийдор, найларман?

Ул ойнинг итлари қилса садо, жоним умид айлар,
Қаро бахтим эмасдур уйқудин бедор, найларман?

Сан эй, беишқлар базмида беҳимматлар асҳобинг,
Мани мискин эшикинг олдида чун зор, найларман?

Самовоту фалакка раъди оҳимни равон қилсам,
Ҳароратдин кул ўлғай гумбади даввор, найларман?

Бу кеча келмаса, тонгла тирик юрмак не имкондур,
Манга мотам тутуб йиғлар дару девор, найларман?

Намози шомдин то субҳ йўлунгга ман боқиб қолдим,
Тўла ҳасрат бўлуб турдум, дили афгор, найларман?

Алам бир рангу ҳасрат ўзга, доғи ҳажр бир бошқа,
Бу Машраб бир сари танҳо ғами бисёр, найларман?

144

Ул дилбари раънони ман ёр тутай дерман,
Май берса агар, ондин бир қатра тотай дерман.

Жаннат билан Ризвонин, ҳам ҳур ила ғилмонин,
Балки оби ҳайвонин бир пулга сотай дерман.

Олам ҳама Лайлидур, тун қоши қаросидек,
Боқиб юзига, ойдек рахшона кетай дерман.

Ишқ йўлида ул зоҳид ошиққа қилур таъна,
Бир ўқ билан ман они ондин йўқотай дерман.

"Ҳу" десам "Аналҳақ" деб, олам бориси Ҳақ дер,
Мансур каби бошимни дор узра тутай дерман.

Дўзах ўти сув бўлғай ишқинг ўтидин, Машраб,
Ишқинг ўтидин ташлаб, они қурутай дерман.

145

Даргоҳинга бир ожизи афгор келибман,
Арзи дилими айтгали чун зор келибман.

Йўқдур мани илкимда санга туҳфайи лойиқ,
Жуз зилли гунаҳ, эл ичида хор келибман.

Рад қилма, қабул айлаки, шармандалиғимдин,
Расвойи жаҳон, кўчаву бозор келибман.

Бозори жаҳон ичра келиб шаҳри адамдин,
Жон нақди билан санга харидор келибман.

Лутф бирла карам айлаву дардимга даво қил,
Дармон тилабон ман санга бемор келибман.

Зорийи тавалло қиладур Машраби мискин,
Оч парданиким, толиби дийдор келибман.

146

Бул мусофир шаҳрида ҳар дам тутошиб ёнаман,
Ҳар қаён борсам букун, йўлдин адошиб бораман.

На отам бор, на онам бор, ҳеч кишим йўқдур манинг,
Ҳар таги деворларга зору саргардонаман.

Не гуноҳ қилдим, Худо, дунёда ман бўлдум ғариб,
Ҳар қаерда бекасу бечорага ҳамхонаман.

Доғлар қўйди юракка бул фалакнинг гардиши,
Қисматим андоғ экан, ман жумладин бегонаман.

Бул яқомни чок этиб фарёду афғон айларам,
Барчани бағри бутун-у, ман дили садпораман.

Энди, Машраб, қул экансан, қисматинг булдур санинг,
Шукрилиллаҳ, ҳамма ерда толиби дурдонаман.

147

Кўзум йўлларда қолди, келмади дилдор, найларман?
Бўлубман мунтазир, кўргузмади дийдор, найларман?

Ул ойнинг итлари қилса садо, жоним умид айлар,
Қаро бахтим эмасдур уйқудин бедор, найларман?

Сан эй, беишқлар базмида беҳимматлар асҳобинг,
Мани мискин эшикинг олдида чун зор, найларман?

Самовоту фалакка раъди оҳимни равон қилсам,
Ҳароратдин кул ўлғай гумбади даввор, найларман?

Бу кеча келмаса, тонгла тирик юрмак не имкондур,
Манга мотам тутуб йиғлар дару девор, найларман?

Намози шомдин то субҳ йўлунгга ман боқиб қолдим,
Тўла ҳасрат бўлуб турдум, дили афгор, найларман?

Алам бир рангу ҳасрат ўзга, доғи ҳажр бир бошқа,
Бу Машраб бир сари танҳо ғами бисёр, найларман?

144

Ул дилбари раънони ман ёр тутай дерман,
Май берса агар, ондин бир қатра тотай дерман.

Жаннат билан Ризвонин, ҳам ҳур ила ғилмонин,
Балки оби ҳайвонин бир пулга сотай дерман.

Олам ҳама Лайлидур, тун қоши қаросидек,
Боқиб юзига, ойдек рахшона кетай дерман.

Ишқ йўлида ул зоҳид ошиққа қилур таъна,
Бир ўқ билан ман они ондин йўқотай дерман.

"Ҳу" десам "Аналҳақ" деб, олам бориси Ҳақ дер,
Мансур каби бошимни дор узра тутай дерман.

Дўзах ўти сув бўлғай ишқинг ўтидин, Машраб,
Ишқинг ўтидин ташлаб, они қурутай дерман.

145

Даргоҳинга бир ожизи афгор келибман,
Арзи дилими айтгали чун зор келибман.

Йўқдур мани илкимда санга туҳфайи лойиқ,
Жуз зилли гунаҳ, эл ичида хор келибман.

Рад қилма, қабул айлаки, шармандалиғимдин,
Расвойи жаҳон, кўчаву бозор келибман.

Бозори жаҳон ичра келиб шаҳри адамдин,
Жон нақди билан санга харидор келибман.

Лутф бирла карам айлаву дардимға даво қил,
Дармон тилабон ман санга бемор келибман.

Зорийи тавалло қиладур Машраби мискин,
Оч парданиким, толиби дийдор келибман.

146

Бул мусофир шаҳрида ҳар дам тутошиб ёнаман,
Ҳар қаён борсам букун, йўлдин адошиб бораман.

На отам бор, на онам бор, ҳеч кишим йўқдур манинг,
Ҳар таги деворларга зору саргардонаман.

Не гуноҳ қилдим, Худо, дунёда ман бўлдум ғариб,
Ҳар қаерда бекасу бечорага ҳамхонаман.

Доғлар қўйди юракка бул фалакнинг гардиши,
Қисматим андоғ экан, ман жумладин бегонаман.

Бул яқомни чок этиб фарёду афғон айларам,
Барчани бағри бутун-у, ман дили садпораман.

Энди, Машраб, қул экансан, қисматинг булдур санинг,
Шукрилиллаҳ, ҳамма ерда толиби дурдонаман.

147

Кўзум йўлларда қолди, келмади дилдор, найларман?
Бўлубман мунтазир, кўргузмади дийдор, найларман?

Ул ойнинг итлари қилса садо, жоним умид айлар,
Қаро бахтим эмасдур уйқудин бедор, найларман?

Сан эй, беишқлар базмида беҳимматлар асҳобинг,
Мани мискин эшикинг олдида чун зор, найларман?

Самовоту фалакка раъди оҳимни равон қилсам,
Ҳароратдин кул ўлғай гумбади даввор, найларман?

Бу кеча келмаса, тонгла тирик юрмак не имкондур,
Манга мотам тутуб йиғлар дару девор, найларман?

Намози шомдин то субҳ йўлунгга ман боқиб қолдим,
Тўла ҳасрат бўлуб турдум, дили афгор, найларман?

Алам бир рангу ҳасрат ўзга, доғи ҳажр бир бошқа,
Бу Машраб бир сари танҳо ғами бисёр, найларман?

148

Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлик билан,
Охир умрум ўтти, сад афсус, нодонлик билан.

Бир гули шодим очилмай бахт гулистони аро,
Ҳайф, умрум оқибат ўтти паришонлик билан.

Баски илми ҳолу қолнинг йўлида қилсанг амал,
Ушбу муллолар бари бухлу ҳаводорлик билан.

Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни топиб,
Чун рибову ришвани ерлар хушдорлик билан.

Рост сўз айтсанг аларга зарра қилмаслар қабул,
«Куфр айттинг!» деб ураралар неча озорлик билан.

Машрабо, ҳар бир сўзунгдур гавҳари қимматбаҳо,
Айтма бул сўзларни ҳар нокасга нодонлик билан.

149

Минг талоқ этган бу дунёни қаландар мастман,
Сар басаҳро бош уруб, Мажнуни бесар мастман.

Дафтар очманг рўзи Маҳшарда мани маст олдида,
Сўрма аҳволимни ҳаргиз, эй биродар, мастман.

Ташнаман, бехудлуғумдин ду жаҳонға сиғмадим,
Чунки ким уйғотса, кўрсун рўзи Маҳшар, мастман.

Муждайи рўзи Жазода халқ шафоъат изласа,
Чарх урарман оҳ уруб пеши Паямбар, мастман.

Мастлигим Рўзи азалдиндур ҳақиқат шаҳрида,
Ишками модарга келганманки, модармастман.

Давлати уқбо агар, билсинг, манинг дастимдадур,
Сад ҳазорон урсалар бошимға ханжар, мастман.

Жаннатул-Фирдавсини ҳаргиз назарга илмадим,
Машраби вақтман, ки ман баҳавзи Кавсар мастман.

150

Жилва қилурсан минг ноз бирлан,
Фарёд этарман овоз бирлан.

Зулмингдин ўлдум, золим сифатлиғ,
Раҳм айламайсан эъзоз бирлан.

Кофир қиликлиғ кўнглумни олдинг,
Жон қуши учди парвоз бирлан.

Гулдек эгилиб кирсанг эшикдин,
Девона қилдинг юз ноз бирлан.

Машраб ғарибинг куйди ғамингдин,
Нола қилодур қиш-ёз бирлан.

151

Бу оламда ўзумдек сийнаси афгор топмасман –
Ки, розим айтғали бир маҳрами асрор топмасман.

Фироқинг даштида излаб мудомо зору саргардон,
Лабинг зилолидин паймонайи саршор топмасман.

Ғами ишқинг мани охир юроким айлади сад чок,
Висолинг завқини бир лаҳзае, бир бор топмасман.

Тамоми рози дилимни демакка изладим маҳрам,
Бу саҳройи Хўтан кезиб, дили ҳушёр топмасман.

Биёбон булбулидек, Машрабо, ҳеч йўқтур оромим,
Қўнай десам чаманда бир гули бехор топмасман.

152

Эй санами парилиқо, жилвагари жаҳонмусан?
Оби ҳаёт – лабларинг, дилбари хуш забонмусан?

Ойинайи жамолинга ончаки интизор эдим,
Бир куни демадинг манга: «Ошиқи нотавонмусан?»

Хар киши санга бир боқар, сув бўлибон эриб оқар,
Юзларинг олма, дилёқар, ғунчайи арғувонмусан?

Васлинга юз имо қилиб, ваъдани доимо қилиб,
Охирида жафо қилиб, куйдурғучи иймонмусан?

Эй, сўзларинг билан санинг, ҳаста кўнгул фараҳ топар,
Лаззати жон, эй пари, сан мевайи бўстонмусан?

Машрабинг жон фидо қилур, кунда тавофи кўйунга,
Сўрмадинг, эй ситамгарим: «Ранги сариғ самонмусан?»

153

Ўлдуройин дермусан ё куйдуройин дермусан?
Бошима юз минг балолар келтуройин дермусан?

Кўзларинг жаллод этиб, мужгонларинг бедод этиб,
Кашмири тил бирла ҳолимни сўройин дермусан?

Юз туман боғи жаҳон юзини бир-бир кўрсатиб,
Каъбайи кўйингга охир бордуройин дермусан?

Осмондин ерга ташлаб, халқаро расво қилиб,
Куш каби болу паримни юлдуройни дермусан?

Шоҳбози ломанкон кўнгул қушини овлабон,
Табл уруб, долбой[135] қоқибон кўндуройин дермусан?

Ман шаҳиди ишқман, ўлсам кафанға чулғаманг,
Ул қизил қон бирла кўйнум тўлдуройин дермусан?

Мансури Халлождек ичиб шароби ан-таҳур,
Судратиб дор остига олиб боройин дермусан?

Ишқ аро дарду балоларники солдинг бошима,
Машрабингни ишқ ўтида куйдуройин дермусан?

[135] Долбой – овчи ов қушини қўлга келтириш учун унга кўрсатиб чақирадиган гўшт, долвой.

Жилва айлаб шўхлукдин жоним олғон санмусан?
Ё манинг руҳи равоним, жисм аро жон санмусан?

Бул бошим айлантурур ишқинг шамоли ҳар тараф,
Гулшани ишқингда қилғон беди ларзон[136] санмусан?

Ичмайин васлинг шаробин, тегди бадномлиғ ўқи,
Ҳасратингда айлаган ер бирла яксон санмусан?

Зийнати ҳуснингни истаб топмадим дурру гуҳар,
Маъдани кўздин чиқарган дурри маржон санмусан?

Шамъдек эл базмини равшан қилиб ҳуснунг билан,
Жоним ўртарға фироқинг нори сўзон санмусан?

Меҳнату дардимни сўрмай, ғунчадек оғзинг очиб,
Элга ишрат боғи ичра гули хандон санмусан?

Соядек юрдум оёғинг изларига суркулуб,
Боқмадинг бир дам туруб, сарви хиромон санмусан?

Ҳар кўнгул сайди учун зулфунг камандин ўйнатиб,
Сеҳр этиб ақлу ҳушим, қилғон паришон санмусан?

Ҳар замон айлаб ғазаб, Машрабға тортиб тийғи тез,
Бул таним сон-сон этиб итларға солғон санмусан?

[136] Беди ларзон (форсча) – титраб-қалтираб турган тол дарахти.

Дилбари хуш адойи ман, мунча чучук бўлурмисан?
Омада дар канори ман, бир даме ўлтурурмусан?

Неши камони абрўят хаста кўнгул нишонадур,
Сийнайи худ кушодаам, ғамза ўқин отурмусан?

Фасли баҳор гул чоғи лутф этибон чоғир ичиб,
Ошиқи зори хешро лаҳза қучуб ётурмусан?

Аз сари ту ду кокилат печ урадурки, ҳамчу мор,
Заррае арз агар кунам, ҳоли дилим сўрурмусан?

Бўсайи лаб талаб кунам, қаҳр этибон чу товлама,
Нозу карашма кардайи, бул тилаким берурмусан?

Куштайи ман муроди ту, қош қиличингни тортибон,
Омада боши бар сарам, қаҳр билан урурмусан?

Оташи зулм макун маро, қил манга раҳм, эй санам,
Бандайи зар харидро бир йўли куйдурурмусан?

Аз дари ту кужо равам, ҳар неча қувласанг мани,
Ман саги остони ту, ҳажр ила ўлдурурмусан?

Ишқи нигор тарк кун, Машраб анинг вафоси йўқ,
Ним назар намекунад, мунчаки термулурмусан?

156

Интизорингдин чиқодур жоним, эй жон, қайдасан?
Раҳм қил, аҳволими қилғон паришон, қайдасан?

Фурқатингдин хаста бўлдум, танда тоқат қолмади,
Жон ғамингда етти лабга, дардга дармон, қайдасан?

Демадингму, сан ёрингдин кеч бу дам, суйғил мани,
Шарту аҳдини унутғон аҳди ёлғон, қайдасан?

Ман Зулойходек фано бўлдум фироқинг ўтида,
Сан фароғат хотири Юсуфи Канъон, қайдасан?

Машрабинг топқайму излаб шаҳру саҳрони кезиб,
Юзи тўлғон ой каби, эй кўзи чўлпон қайдасан?

157

Эй манинг нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан?
Бул кўнгул бўстонида ғунча даҳоним қайдасан?

Неча йиллар бул кўнгул муштоқ эрур дийдорингга,
Ўргулай, эй дилбари ширин забоним, қайдасан?

Айрилиб ман ёрдин, бир неча кун бўлдум жудо,
Ахтариб келдим сани, сарви равоним, қайдасан?

Ҳолу зорим кўп ёмондур, келмасанг бир йўл сўраб,
Эй манинг хуш меҳрибоним – ёри жоним, қайдасан?

Кўзларим гирён бўлуб, қолдим бу ғам саҳросида,
Ҳасратингда чиқти бул оҳу фиғоним, қайдасан?

Ташналабдур Машрабинг, бўлди юрак-бағри кабоб,
Фурқатингда чашмайи оби равоним, қайдасан?

158

Май қатрасидин тотғали мастона қилибсан,
Расвойи сари кўчаву бутхона қилибсан.

Ул шамъи жамолингға, аё моҳи дилафрўз,
Юз минг манидек бандани парвона қилибсан.

Эмди мани савдозадаға Каъба на даркор,
Тарсову жуҳудлар била ҳамхона қилибсан.

Зулфунгториға бандайи бечоралар ҳайрон,
Жанона, сари зулфунг агар шона қилибсан.

Бир жилвайи ҳуснунг била чун барқи тажаллий,
Бул Машраби бечорани девона қилибсан.

159

Бўлмасам Мажнун, биёбондин нечук айлай сухан?
Чашма бўлсам манки, уммондин нечук айлай сухан?

Етганим йўқ ранг-баранг оламни бўйи маънига,
Бир гадодурманки, султондин нечук айлай сухан?

Сад ҳазорон илм ўқуб ман бир алифға лолман,
Билмасам тафсир-и Куръондин нечук айлай сухан?

Ҳазрати Нуҳ кеттилар, ман айрилиб қолдим, дариғ,
Кишти кўрмабманки, тўфондин нечук айлай сухан?

Ҳазрати Одам сотибдур Жаннатул-Фирдавсни,
Чун етар бир дона, Ризвондин нечук айлай сухан?

Ҳимматим бор эрди, захмат бости, нобуд айлади,
Мўр бўлмабман, Сулаймондин нечук айлай сухан?

Кимки кишти дармаҳал қилди[137], қўкарди ҳосили,
Экканим йўқ дона, борондин нечук айлай сухан?

Машрабо, соҳиб талабларга гапур дил дардини,
Ўзгаларға ашки мужгондин нечук айлай сухан?

[137] Кимки кишти дармаҳал қилди – Кимки экинини ўз вақтида эккан бўлса...

Йўқ парилар ичра, жонон, сан каби шириндаҳан,
Кўзларинг – жаллодваш, кифрикларинг – тири каман.

Бир қадингдек сарв ҳеч бўстон ичинда бутмағай,
Гулъузоринг гулға ўхшарму ва ё барги суман?

Кимни кўрса оқизодур қонини дарё қилиб,
Қайси жаллод бўлғуси қошинг каби шамширзан?

Ғунчайи лаълингга ташбеҳ айласа эрмас адаб,
Ҳадди эрмас садқанга лаъли Бадахшону Яман.

Оташи лаълинг ичидин оби ҳайвон хуш етар,
Хуққайи ёқут ичинда тишларинг дурри Адан.

Сунбул ўлғай зерипо ё заъфарон ё удким,
Барчани абтар[138] қилур ул сунбули анбаршикан.

Пираҳан рашки ўти жонимдадур, Тангри учун,
Жисму жоним сан билан бўлғай қачон, эй сиймтан?

Боғи ишратда йўқ эрсанг, бир тиқондур кўзга гул,
Гар хаёлинг ўлмаса, қўнглум эрур байтул-ҳазан[139].

Меҳру моҳу лаълу гулни кўрмасам, ул юзунга –
Хилвати бўлса – бўлуб парвона боқсам, жону тан.

Донайи холи лабинг ўтлуғ юзунгда, эй пари,
Оташин жисмим аро – кўнглумдадур мушки Хўтан.

Раҳм қил Машраб қулунгга, хастаю зоринг санинг,
Давлатинг поянда қилсун ул Худойи зул-минан[140].

[138] Абтар қилмоқ – паришон қилмоқ, хароб этмоқ, бедавом-бенатижа айламоқ.
[139] Байтул-ҳазан – ғам-андуҳ уйи, маҳзунлик маскани.
[140] Зул-минан – яхшилик ва эҳсонлар эгаси, неъматлар соҳиби, яъни Аллоҳ таоло.

Такаллум айласанг гоҳи лаби шаккарфишонингдин,
Тасаддуқ бўлса жоним гаҳ бошингдин, гоҳи жонингдин.

Борурсан кеча-кундуз ойу кундек ҳар тараф ёлғуз,
Топиб бўлмас сани бир ерда сокин ўз маконингдин.

Хиромон йўлунга помолинг ул шамшод ила тўбий[141],
Оёғинг ўпсун, ўргулсун ўшал сарви равонингдин.

Бирор йўл илтифотингни тамошо айлаган бедил,
Қиёмат тонги отсун, бош кўтармас остонингдин.

Тиҳийдур[142] қўлларим, илкимда зарра нақдинам йўқтур,
Илоҳи, баҳравар қилғил ҳаёти жовидонингдин.

Кўзунг жон олғали қотил, сўзинг жон берғали мойил,
Масиҳосанму оё, жон насими келди ёнингдин.

Икилмас[143] то қиёмат, нўш қилғон бодайи лаълинг,
Шимиб чекса тили бирлан ийиб шаккар забонингдин.

Дило, қатъи умидинг узма, алтофиға кўз тутгил,
Тараҳҳум ё тазаллум – ҳарна келса меҳрибонингдин.

Тилар Машрабки бир кун ғунчайи таъбинг очуқ кўрса,
Тамошо айлай-айлай ўтса саҳни гулситонингдин.

---

[141] Тўбий, тубо – жаннат дарахти.
[142] Тиҳи – холи, бўш, бебаҳра.
[143] Икилмас – ором тутмас, бир жойда туриб қолмас. (Икланмоқ – ором тутмоқ, бир жойда туриб қолмоқ.)

162

Минг “Аналҳақ” келадур Мансур осилған дордин,
Ҳар замон “Лаббайка” деб келғай нидо Жаббордин.

Олими гуфтор бўлма, фозили кирдор[144] бўл,
Бандаларни Ҳақ сўрар Маҳшар куни кирдордин.

Барча халқ савдосини қилдики, сан қолдинг бу дам,
Кимки камхаржий эрур, хушк қайтар ул бозордин.

Мори зоҳир саҳл[145] эрур нафс аждаҳоси олдида,
Машрабо, қўрқмасмусан, кўнглунгда нафси мордин.

163

Азалдин то абад кўнглум қутулмас ишқ балосидин,
Юроким рахналар бўлди бу ишқнинг можаросидин.

Хаёлимда санинг васлинг тополмасман мани ҳайрон,
Магар васлингга етсам пири комилнинг дуосидин.

Эшит арзимни, эй дилбар, юрак-бағрим кабоб ўлди,
Рақиблар шодмон бўлди нигоримнинг жафосидин.

Санам, сансиз бу дунёда тириклик қилмоғим мушкул,
Кел, эй кўнгул, кечоли бул тирикликнинг бақосидин.

Санам, ишқинг ўти охир мани бехонумон этти,
Куярман дам-бадам тинмай бу дарди бедавосидин.

Хароб ўлди манинг кўнглум, кишим йўқтурки роз айтсам,
Сўнгаклар рахналар бўлди дилимнинг оҳу восидин.

Сани ишқинг билан йиғлаб, агар Маҳшарда оҳ урсам,
Куярлар мўъмину кофир бу Машрабнинг навосидин.

---

[144] Кирдор – амал, қилмиш, иш, одат. Яъни: “Сўз олими бўлма, амал қилувчи фозил киши бўл, қиёмат куни Ҳақ таоло бандалардан қилган амали ҳақида сўрайди”. [145] Саҳл – енгил, осон, қийин эмас, номушкул.

164

Эй гул баданим, гул юзунга банда бўлойин,
Курбони шакарлаблари пурханда бўлойин.

Рухсори гулунгдин сан агар парда кўтарсанг,
Кўнглум очилиб, бўлбули ноланда бўлойин.

Мастона кўзунг ногаҳ агар ёдима тушса,
"Ху-ху" қушидек кечалар гўянда бўлойин.

Куйдурди мани бир боқишинг, дилбари раъно,
Ҳайрат била ман ошиқи шарманда бўлойин.

Пардангни олиб ман сари гар биргина боқсанг,
Ул дам мани мотамзада дар ханда бўлойин.

Бул Машраби бечорага ҳар кез назар этсанг,
Ман бандайи ул наргиси пурханда бўлойин.

165

Йиғласам, вақти дуо бўлғаймукин?
Кўз ёшим дардга даво бўлғаймукин?

Бодайи ишқу муҳаббатдин ичиб,
Шавкати дунё жудо булғаймукин?

Йиғламоқдин ўзга имкон қолмади,
Ёрдин манга нидо бўлғаймукин?

Қайси бир дардимни айтай, дўстлар,
Ўлмайин дардим адо бўлғаймукин?

Машрабо, куйдурди ёр, ҳолим хароб,
Арз этарға додхо бўлғаймукин?

166

Дод айлаб ёрнинг кўйида юрган бормукин?
Тун-саҳарларда дили розини сўрган бормукин?

Ман ғариб ҳайрон бўлуб қолдим биёбонлар аро,
Жон чиқар ҳолатда ҳам ёрини суйган бормукин?

Заррайи кўнглум ўти чиқса, жаҳонни куйдирур,
Даргаҳиға бош қўйуб, дийдор кўрган бормукин?

Ул қиёмат даштида ҳар ким юрур ўз дардида,
Дод этарман, ул замон арзимни сўрган бормукин?

Май ичиб Машраб азалдин, маст кетти оқибат,
Жонни бермасдин бурун жононға етган бормукин?

167

Ёрнинг кўйида ўлган бормукин?
Бир ўлуб, қайта тирилган бормукин?

Ёрнинг васлини излаб, чарх уруб,
Термулуб, йўлларда қолган бормукин?

Қатл қилмоқға ҳукм этгонида,
Ёлбориб бўйнини сунган бормукин?

Шоҳбози ломакон – султони ишқ,
Табл уруб долбойға[146] қўнган бормукин?

Неча йил Офоқ Хожам хизматида,
Шул Хўтан даштида юрган бормукин?

Ман каби тарсову расволар бўлуб,
Бўйниға зуннор солган бормукин?

Тонгла Маҳшарда йиғилса жумла халқ,
Оҳ уруб Маҳшарни бузган бормукин?

Кеча-кундуз зор бирлан йиғлабон,
Кўз ёши Жайҳунча оқган бормукин?

Дод этар Машраб Хўтан саҳросида,
Бир замон додиға етган бормукин?

[146] 135-изоҳга қаранг.

Мажнун ўла кездим неча йил дашту биёбон,
Лайлини сўроғлаб юрудум бесару сомон.

Бул арзи дилимни эшиту раҳм айла, нигорим,
Васлингни тилаб кимки манингдек санга ҳайрон?

Юз жоним агар бўлса санинг йўлунгга эҳсон,
Хуштур бу гадлолиғ, на қилай тахти Сулаймон?

Маст айлағали бул мани бечора ғарибни,
Бир ғамза қилиб ўтти қошимдин мани жонон.

Ҳуснунг сифатини ўқубон пири муғонлар,
Девона бўлуб, белни буқуб, бўлдилар урён.

Ишқинг ўтидин бул юраким ўртанади, оҳ,
Охир бу таним бўлғуси ишқ ўтида бирён.

Ҳажринг ғамидин бошима юз жавру жафодур,
Васлингга етай деб кезадурман кўзи гирён.

Раҳм айлағилу маҳрами асрор эта кўргил,
Сан ҳар не десанг, ман қилайин, банда – бафармон.

Бечора қулунг санга деюр арзи дилини,
Бергил талабимни манга, эй Холиқи инсон.

Соқийи азалдин майи бир журъа тотубман,
Басдур манга бул, онинг учун, нашъайи даврон.

Эй дилбари жонон, сани деб хаста бу Машраб,
Тушти ани бошиға бу кун меҳнати ҳижрон.

Қонимни тўкар эрмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон,
Тақдири азал бўлса, найлай, анга бермай жон?

Минг шукр Худойимға, Мансурға қўшулдум ман,
Ул рўйи сияҳларким Мансурни ўлдурғон.

Бул ишқ йўлига кирган, албатта, кечар жондан,
Кечмаса агар жондан, айтган сўзидур ёлғон.

Ширин ғамида Фарҳод, тоғларда этиб фарёд,
Ишқ ўтида ўртониб, охир чу фано бўлғон.

Ул ошиқи Мажнун ҳам Лайлига бўлуб шайдо,
Чўлларда ватан айлаб, кўз ёши равон ўлғон.

Ул зори Зулайхо ҳам Юсуфға бўлуб шайдо,
Кўрдунгму, халойиқға расвойи жаҳон бўлғон.

Кўр Тоҳиру Зуҳрони, халқ ичра бўлуб машҳур,
Кўнглини бериб ёрға, ишқин йўлида ўлғон.

Ишқ ўтида ўртанган ул Вомиқу Узро ҳам,
Маҳшар куни бўлғанда Жаннатда қилур жавлон.

Кўр ошиқ эранларни, эй Машраби девона,
Келганда ажал жоми жони била сипқорғон.

170

Мандин саломе ба сўйи жонон,
Эй бод, еткур арзи ғарибон.

Ҳам дардмандам, бехонумонам,
Жоно, ту буди дардимга дармон.

Ҳарчанд моҳи қурбон келодур,
Ҳар дам қилурман жонимни қурбон.

Эй дўст, ту рафти, то дийда рўят,
Ёлғуз қолибман дар шаҳри ҳижрон.

Аз дурийи ту намонда сабрам,
Эмди кетарман тахти Сулаймон.

Бечора Машраб куйди ғамингда,
Монанди зулфат ҳолим паришон.

171

Бир каромат айлағил, бедасту бепоман букун,
Умрум ўтти, во дариғо, кўру гумроман букун.

Йўл хатар, манзил йироқ, безодлиғ, ўтти умр,
Гоҳи ориф, гоҳи мўъмин, гоҳи тарсоман букун.

Ҳеч билолмасман ўзумни – қайси миллат халқиман,
Гоҳи восил, гоҳида маҳруми даргоҳман букун.

Машрабо, иншойи дил кўпдур, қани умри дароз,
Халқ айтурларки, ман машғули савдоман букун.

[147] Вожгун – тескари, чаппа, паст.

Зулфининг савдосидин кўнглум паришондур букун,
Ёр васлин кўрмайин ер бирла яксондур букун.

Халқ аро гар шодлиғлар бор эмиш, ман кўрмадим,
Ҳар киши юз ғам билан чоки гирибондур букун.

Гар манга қилса назар, хуршид дерман отини,
Гарчи андин бир кўрунса, моҳи тобондур букун.

Бандидин Фарҳод қочти ғам тоғида беркиниб,
Хаста Мажнун ҳам кезиб, чўлларда сарсондур букун.

Гар муҳаббат бирла қилса бир назар ул сарвиноз,
Жаннат ул-ризвон бўлур – бул кулба эҳсондур букун.

Итлариға ҳамдам этти Машраби бечорани,
Аллоҳ-Аллоҳ, не ажаб лутфу эҳсондур букун.

Ишқ саргардонидурман, манда йўқ сабру сукун,
Толеим бўлди манинг рўзи азалдин вожгун.[147]

Бир бузуғ оввора кўнглумға топалмам маҳраме,
Токи синган шишани қайтиб қилиб бўлмас бутун.

Дилдаги нақдимни ман йўлунгга барбод айладим,
Не машаққатларни торттим сан гули раъно учун.

Душмани ғаддор дунё қилди ҳолимни хароб,
Хеч мўъмин мисли ман расвойи олам бўлмасун.

Дўстлар ҳолимға йиғлар, душманим кўрса кулар,
Дард – кўп, ҳамдард – йўқ, душман – қавий, толеъ – забун.

Юз жафо бошимға орттурди, вафосин кўрмадим,
Охири бори маломат қоматимни қилди нун.

Кеча-кундуз тинмайин кўп изтироблар айладим,
Роҳатим дилдин камайди, меҳнатим бўлди фузун.

Ғам кўзум термултуруб қўйди биёбонлар аро,
Қонли ёшим қилди саҳроларни рангин лолагун.

Ҳақ йўлин топған ҳама дунёни таркин қилдилар,
Кўп, санам тарк айлағил, эй Машраби соҳибжунун.

Ай (ا) – алифдек қоматингдин ибтидо қилдим букун,
Бе (ب) – баолойи доғи дардинг дилга жо қилдим букун.

Те (ت) – тиловат қилғай эрдим ояти рухсоринги,
Се (ث) – савоби хатми Қуръон интиҳо қилдим букун.

Жим (ج) – жамолингни кўрай деб келдим, эй шоҳи жаҳон,
Ҳе (ح) – ҳаётим борича ман илтижо қилдим букун.

Хе (خ) – халойиқ ичра хуш хулқу некулик сандадур,
Дол (د) – дилни олғучиға ошно қилдим букун.

Зол (ذ) – зоил бўлмасун деб ҳар замон меҳринг санинг,
Ре (ر) – работинг ичра таъмири вафо қилдим букун.

Зе (ز) – зулфунг шомидин йиғлаб юруб шому саҳар,
Син (س) – селоби сиришкимни раҳо қилдим букун.

Шин (ش) – шакарлиғ лабларингдин меҳрибонлиғ кўрмадим,
Сод (ص) – сабрим қолмади, оҳу наво қилдим букун.

Зод (ض) – зоеълиғ билан умрум ўтодур оқибат,
То (ط) – толеъсизлиғимдин кўп хато қилдим букун.

Зо (ظ) – золим кўзларингнинг ғамзаси қилди хароб,
Айн (ع) – азиз жондин кечиб, жоним фидо қилдим букун.

Ғайн (غ) – ғарибларға тараҳҳум қилғил, эй султони ҳусн,
Фе (ف) – фароғат бирлан арзимни адо қилдим букун.

Қоф (ق) – қурбат васлидин бўлди мададкорим Худо,
Гоф (ك) – гулзорида айни муддао қилдим букун.

Лом (ل) – лабинг – кавсар, тишинг – гавҳар, хати лаълинг ўқуб,
Мим (م) – меҳроби қошингға иқтидо қилдим букун.

Нун (ن) – на бўлғай биргина кўрсам жамолинг, эй парий,
Вов (و) – ваъда, дилбарим, кўксумга жо қилдим букун.

Хе (ﻫ) – ҳазил эрмас киши доғини пинҳон айласа,
Лом-алиф (ﻻ) – лола сифат чоки қабо қилдим букун.

Ё (ﻱ) – ёрим, дилбаримға дуди оҳим сардини,
Ҳамза сокин (ﺀ) айлабон сўйи само қилдим букун.

Пардайи исматда сақла Машраби бечорани,
Дилрабо номаҳрамимни ошно қилдим букун.

175

Бу ишқ бозорида ҳар лаҳза сардафтар бўлай дерман,
Эгам даргоҳида ман мундин ҳам беҳтар бўлай дерман.

Қайси бир неъматларингнинг шукрини баржо қилай,
Мақоми кўҳи Тур узра Мусо акбар бўлай дерман.

Ўшандоғ пири Канъонни нафасда бегуноҳ қилди,
Тамомий пири муршидга ўзум раҳбар бўлай дерман.

Ки «**Субҳоналлазий асро**»си[148] бул кўнглумга жо эрди,
Худонинг дўсти – Пайғамбар каби беҳтар бўлай дерман.

Кел эмди, тавба қилғил, Машрабо, бул гуфтигўйингдин,
Агарчи осидурман, эмди ман сарвар бўлай дерман.

176

Хожалиғ осон эрур, марди Худо бўлмоқ қийин,
Ҳақ Таолонинг ўзиға ошно бўлмоқ қийин.

Пирга қўл бердим дема, кел, сан дилингни соф қил,
Маҳзи зоҳир сурат ила бегуноҳ бўлмоқ қийин.

Соч-сақолинг оқариб, чун эшакингнинг ёлидек,
Эмди пирлиғ келди, мундоғ подшо бўлмоқ қийин.

Баъзилар мўъмин бўлуб умматлиғ лофини урар,
Лек масти боргоҳи Мустафо бўлмоқ қийин.

Ташла мисвоку фашу дасторни, Машраб, букун,
Дилда дардинг бўлмаса, ёди Худо бўлмоқ қийин.

---

[148] Исро сураси, 1-оятига ишора; маъноси: "**Ўз бандаси** (Муҳаммад алайҳиссалом) **ни** (жасади ила) **кечаси Масжиди Ҳаромдан Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжиди Ақсога олиб борган Зот** (Аллоҳ ҳар қандай нуқсонлардан) **пок-муназзах ва шони олийдир...**"

177

Хеч тузалмас, билки, дарди бедавоға учраган,
Беҳу бунёди қурур – қаҳри Худоға учраган,

Дил сиёҳ дунёға ҳаргиз келмасун, эй жамъият,
Кирқар иймонини – тийғи авлиёға учраган.

Хизмати комил Сиротдин ҳам қийиндур, бил муни,
Бир йиқилган зуд қўполмас – пушти поға учраган.

Ҳар тухум бўлса палағда, жўжа андин чиқмағай,
Чун Азозил қавмида қўпғай – хатоға учраган.

Қўрқаман, иймон қўлингдин кетмасун, эй Машрабо,
Ғайрига лаб ёрмағай – ул кимиёға учраган.

178

Раҳравонлар кеттилар, ман мунда танҳо бораман,
Руҳи жумла анбиёга мағфиратхоҳ бораман.

Кўп гуноҳ қилдим, юрубман пайрави нафси ҳаво,
Бир Худодин қўрқушумдан Каъбатуллоҳ бораман.

Яхшилар бирлан юруб, ман нега тоат қилмадим,
Найлайин, фоний жаҳондин дасти кутоҳ бораман.

Офтоби ду жаҳондин баҳра олмай заррае,
Бу Лаҳабдек хушк лаб аз пеши дарё бораман.

Ташналик одат қилиб ол ул Набий авлодидин,
Ман умид бирлан "**Шаробан ан-таҳуро**"[149] бораман.

Тийғи узлат бирла Фиръавн фарқини барбод этиб,
«**Рабби ариний**»[150] деб Мусодек Тури Сино бораман.

Обрўйи ду жаҳон яхши амалдур, Машрабо,
Ман ҳамон дасти тиҳий охири дунё бораман.

---

[149] Аслида "**шаробан таҳуро**"; Инсон сураси, 21-оятдан: "**Ва сақоҳум Роббуҳум шаробан-таҳуро**"; маъноси: "**Раббилари уларга бехад пок бир** (охират) **шароб(и)ни ичирур**".

[150] Аъроф сураси, 143-оятдан: "**Робби ариний анзур илайка**"; маъноси: (Мусо муножот қилиб): **«Ё Раббим! Менга** (Ўзингни) **кўрсат, Сенга қарайин»,.деди.**

Хожатим бор нораво, ман йиғламай ким йиғласун?
Дилда дардим бедаво, ман йиғламай ким йиғласун?

Бул сабабдин дод этарман Холиқим даргоҳиға,
Етмаса додимға Шоҳ, ман йиғламай ким йиғласун.

Зулмати мотамда қолдим бул хатарлик йўл аро,
Бекасу бераҳнамо, ман йиғламай ким йиғласун?

Васвас айлабдур лаъин Офоқ Хожам маҳбубини,
Қилмасам андин жудо, ман йиғламай ким йиғласун?

Тошканд бориб, Азозил бирла қилғум ман масоф[151],
Бермаса ёрий Худо, ман йиғламай ким йиғласун?

Ман дуойи хайр қилдим, раҳбарим амр эттилар,
Қилмаса Ҳақ мустажоб, ман йиғламай ким йиғласун?

Етмиш йиллик тоату хайру саховатлар билан,
Кетса мундин рўсиё, ман йиғламай ким йиғласун?

Гар умид бирлан келиб, кетса бу Машраб ноумид,
Бўлмаса мушкулкушо, ман йиғламай ким йиғласун?

[151] Масоф *(арабча)* – жанг, уруш.

180

Минг башорат тинглагил сан марди соҳиб кордин,
То хабар тобқай дилинг ул Аҳмади мухтордин.

Маънидон халқлар билур ойина дилнинг қадрини,
Дилни бирр[152] қилмоқ керак бул дийдайи дийдордин.

Кунда Ҳақ чорлайди: "Эй уфтода бандам, мунда кел",
Минг башорат англағил ойинайи Жаббордин.

То тирикман, ёди ул Маҳбубга ман фоний бўлай,
Зикри Ҳақни дилга олған қолмағай такрордин.

Ким иноёти азалдин бир башорат бўлмаса,
Ман нечук айлай талаб бекор ул жўйбордин.

Руҳи қобил халқни кўрсанг, дилингдин дафтар оч,
Бехабарга заррайи кўрсатмагил асрордин.

Даргаҳи Холиқни, Машраб, гардини дийдангга сурт,
Яхшилик доим талаб қилмоқ керак Жаббордин.

181

Жоним онам, йиғлама, бечора онам, қол букун,
Абри найсон кўзларинг, дурдона онам, қол букун.

Чун дуойи хайр этгил, фараҳ бунёд этиб,
Ожизу бечорага ҳамхона, онам, қол букун.

Хизмати шоиста ҳаргиз бўлмади мандин санга,
Буйруғи Жаббордур, мардона онам, қол букун.

Жон чекиб сан бир неча фарзанд камолин айладинг,
Кўрмадинг зарра вафо, гирёна онам, қол букун.

Ҳалқайи солди жунун бўйнумға ҳар ён судрабон,
Ихтиёрим вожгун, мастона онам, қол букун.

Куйди жону устухоним, кошки кул бўлғай эди,
Шамъ доғи бўлдум-у, парвона онам, қол букун.

Машраби бечора Пирнинг хизматига олди йўл,
Каъбаму қиблам манинг, ғамхона онам, қол букун.

[152] Яхши, яхшилик.

Дўстларим, ман норасоларни расо қилдим бу кун,
Мунча бежоларни кўрдум, жобажо қилдим бу кун.

Сурайи Ёсин этиб хатм, бир Худо деб йиғладим,
Бошими саждага қўюб, кўп дуо қилдим бу кун.

Аршу Курси, Лавҳ, Каламни сайр этиб, олдим жавоб:
"Ман Муҳаммадни суюб дўсти Худо қилдим бу кун".

Ҳар каси нокас билан ўзумни ман тенг этмадим,
Кўнгли севган бандаларга раҳнамо қилдим бу кун.

Сўфилар мағрур эрурлар тоату тақвосига,
Кимки манга таъна қилди, рўсиё қилдим бу кун.

"Шоҳи Иброҳими Адҳамни тушурдум тахтидин,
Ёди Ҳақни кўнглига солдим, гадо қилдим бу кун.

Чун Азозилдек кишилар ўзни расво айлади,
Тавқи лаънатни анинг бўйнига жо қилдим бу кун".

Ҳар киши ихлос ила девонани маҳкам тутар,
Қўл очиб ҳаққига онинг кўп дуо қилдим бу кун.

Лоф урар бўлсанг, бу йўлға кирмағил, эй Машрабо,
Неча йиллик беимонни боимон қилдим бу кун.

183

Эй касал, бошингни ур – ёнингда Луқмон кетмасун,
Ҳеч ким мандек бу кун чоки гирибон кетмасун.

Онқадар зикриға мойил бўл, агар чин бандасан,
Хонайи кўнгулни танг тутма, бу меҳмон кетмасун.

Марг осондур бу йўлда, бандалик қилмоқ қийин,
Кетса жон кетсун, вале мўъминдан иймон кетмасун.

Йўлда қолса, кўза синса, арзанига арзимас,
Ҳеч кимини кўзаси дар захми хумдон кетмасун.

Банданинг айбини ким қилди, Худо қаҳр айлагай,
Ҳеч киши дунёдин аммо ғарқи исён кетмасун.

Аввали мўъмин келиб, бир лак муридға қўл бериб,
Охири чу Барсисо ҳамроҳи шайтон кетмасун.

Барча иш осон эрур, Машрабки, мўъминлик қийин,
Беимон ҳеч ким бу дунёдин гўристон кетмасун.

184

Ботини шўридаларни кимиё қил, эй Худо,
Кўзда ёшини дури қимматбаҳо қил, эй Худо.

Ҳиммате бергилки, чун ёдингни ман доим қилай,
Йўл адашган бандаларни ошно қил, эй Худо.

Сан ўзунг бандам дебон боқғил – карам, лутф айлабон,
Нафси саркашдин бу бандангни жудо қил, эй Худо.

Бош кўтармас ҳужрайи торик – лаҳаддин ул замон,
Бандаларни ҳамраҳи ул Мустафо қил, эй Худо.

Машраби шўрида келди бош уруб даргоҳинга,
Йўлда қоғон бандаларни авлиё қил, эй Худо.

Худо деб йиғласанг, бўлур нидойи додгар пайдо,
Талаб қилсанг дилу жондин, бўлур бир роҳбар пайдо.

Ки топмай роҳбарни, ҳеч киши топмас Худоға йўл,
Чу кўри беасокашга бўлур хавфу хатар пайдо.

Бу йўл устида қолғон бенаво бир кўри ожизман,
Асокашсиз қадам қўйсам, бўлур олдимда жар пайдо,

Ажаб поёни йўқ йўлдур, арода кўп хатар бордур,
Бу йўлға кирмагин сан – қилмайин бир ҳамсафар пайдо.

Аларким ушбу йўлни тай қилиб манзилга еттилар,
Бўлубтур анбиёву авлиёлардин хабар пайдо.

Вагарна, ҳамсафарсиз ушбу йўлдинким юругонлар,
Бўлуб гумроҳ, қилдилар ўзига шўру шар пайдо.

Ҳар иш бевосита бўлмас эмиш, билгил, жигарбандим,
Паямбарларга бўлди Жабраил хўп роҳбар пайдо.

Демагил анбиёлар кеттиларким, авлиё йўқтур,
Қилибтур авлиёни жонишин ул додгар пайдо.

Агарчанде Муҳаммад Мустафо кетти бу оламдин,
Валекин нисбати марди худолардин бўлар пайдо.

Анинг ҳар нисбатидин муқтадое халқ бўлдилар,
Ки Нажмуддин, Жалолуддин, Баҳовуддин,[153] дигар пайдо.

Зуҳур айлар бу нисбат то қиёмат куни бўлғунча,
Гадодин, гоҳи шаҳдин, гоҳи ҳар кимдин бўлар пайдо.

Келибдур поя-поя чун бу нисбат ушбу соатда,
Офоқ Хожам пиримдин бўлди чун бори дигар пайдо.

Эрур бир нисбати улким, зуҳур айлар бир одамдин,
Ки баъзидин бўлур кулл, баъзидан андак асар пайдо.

[153] Нажмуддин Кубро, Жалолуддин Румий, Баҳовуддин Нақшбанд.

Сана ўтсаки минг етмиш йил мавти паямбардин,
Бўлурлар ул замонда даъви айлаб шайхлар пайдо.

Вале бир туркдин бул нисбатий кулл, бил, зуҳур айлар,
Ўзи мулло, Хуросон мулкидин – айлар асар пайдо.

Оти Исломки, андин бўлғусидур равнақи ислом,
Ки толибларға дам-дам айлагай нури дигар пайдо.

Анинг домонига ким даст урар, бўлур вужуди зар,
Ҳидоятлар топиб андин бўлур шаҳбозлар пайдо.

Бўлур комил мукаммал офтоби нуридин ул дам,
Вале аҳли залолатлар қилурлар кийналар пайдо.

Отиб санги маломатни анинг билкулл вужудига,
Қиёмат куни бўлганда бўлурлар хўку хар пайдо.

Хусумат айлабон марди худолардин ўгуруб юз,
Кетарлар ушбу оламдин, қилиб жойи Сақар пайдо.

Бериб барбод динни қўлларидин жамъи ҳосиллар,
Ки суд этмас, қилурлар ўзларига кўп зарар пайдо.

Вагарна қавлу афъоли Набий андин урар сарбар,
Бўлур мисли Муҳаммад – мисли уммат ўзгалар пайдо.

Деди Пайғамбари мурсалки: "Шайхи роҳи дин, бешак,
Ўшал қавми ичинда мисли пайғамбар бўлар пайдо".

Ҳама бир тан эрурлар олами маъний ичинда, бил,
Бўлубтурлар тасарруфдин неча хунин жигар пайдо.

Жалолуддини Румий шайхи олий айтиб ўттилар:
Бўлур шаҳбозлар ул дамки туркдин пир бўлар пайдо.

Бу сўзларни баён эттим мани девонайи Машраб,
Чароки, бўлдилар манга ҳамма руҳонилар пайдо.

186

Эй фалак, қилдинг мани ул меҳрубонимдин жудо,
Булбули шўрида янглиғ гулситонимдин жудо.

Найлайин, қилдинг мани охир ғарибу бенаво,
Мубталойи ғам қилиб, кўксумда жонимдин жудо.

Қумри янглиғ бандалик тавқини бўйнумға солиб,
Термулуб ҳайрон эдим, сарви равонимдин жудо.

Оҳ уруб қон йиғласам, айб айламанг, эй дўстлар,
Ман бўлубман тўтийи ширин забонимдин жудо.

Кўҳ ба кўҳ, саҳро ба саҳро, Машрабо, юрмоқ надур,
Чуғзи бевайронадурман, ошёнимдин жудо.

187

Булбул эрдим, қилди ғам охир гулистондин жудо,
Ҳар сў мотам бирла юрдум — шаккаристондин жудо.

Сийна чок эттим, манинг айбимни қилманг, дўстлар,
Қилди Яъқубни фалак хуршиди Канъондин жудо.

Неча савдоларни кўрди бул манинг ғамлик сарим,
Бўлмадим бир соате зулфи паришондин жудо.

Норасонинг дастига, ё Раб, бу гавҳар тушмасун,
Қадр топмас ул нигин дасти Сулаймондин жудо.

Шодмоний изладим, бошимга ғам келди ҳама,
Бир замоне бўлмадим бул оҳу афғондин жудо.

Машрабо, ўлгунча, даргоҳида мақсудинг будур,
Хотирингни қилмағил мундоқ пушаймондин жудо.

188

Ғамза қилиб қошима кел, санга қилай жонни фидо,
Куйди юрак ҳажр ўтида, оҳ нетайин, бўлдум адо.

Ўлди бу Мажнунинг хароб, Лайли, ғамингда, тинмади,
Тўлди юракка ҳасратинг, куйдиву бўлди мубтало.

Зоҳиди баҳра олмағон иззату ҳурматни тилар,
Тоати хушки зуҳдиға мунча қилиб кибру ҳаво?

Дод этадурман, эй санам, бўлса қиёмат ул куни,
Ҳаммага марҳамат этиб, манга бу дарди бедаво.

Боди хазони бемаҳал умрума етти, найлайин,
Тавба қилиб уялмадим Санга Худойи Кибриё.

Машраби беқарори ишқ топса сани сўроғлашиб,
Қўйса бошин бўсоғага, ҳосил ўлурму муддао?

189

Хуш қолинг, ман эмди кетдим, эй ёронлар, алвидо!
Бошима тушди ғариблик, орифонлар, алвидо!

Бўлмағай эрди авалда кошки айёми ишқ,
Доғи ҳижрон ўртади, эй нуктадонлар, алвидо!

Келди айёми баҳору сабза бўлди ер юзи,
Этти пайдо лоладек доғи ниҳонлар, алвидо!

Гар фалак куйдурса мундоғ неча кунлар айланиб,
Бул жаҳонда қолмағай ному нишонлар, алвидо!

Нури дийдам, қуввати жону дилимсиз, дўстларим,
Йиғламоқдин кўзларимдин оқти қонлар, алвидо!

Ҳар на бўлса, Машраби бечорадин айланг биҳил,[154]
Хуш каломи булбули боғи жаҳонлар, алвидо!

[154] Кечириш, афв этиш, бағишлаш.

190

Кўнглум олурға ул пари Мажнуни шайдо қилдило,
Ақлу ҳушумни олиб, бехудлуғ пайдо қилдило.

Мастлиғ, бехудлиғ ҳар кимга тегмас, дўстлар,
Майи муҳаббат ичуруб, ошиқу шайдо қилдило.

Келса ул нозик бадан минг ишва бирлан дам-бадам,
Жоним олурға дилбарим қош бирлан имо қилдило.

Дардманд ўлдум яна номеҳрибоним ишқида,
Шевасини кўрсатиб ошиқни расво қилдило.

Борму жаҳонда ман каби ишқ билан ҳарб айлаган,
Аҳли дард халқи келиб, бир-бир тамошо қилдило.

Машраби ринди Умам, кўйингда жон берсам, на ғам,
Ҳар гуноҳе ўтса мандин, тавбайи оҳ қилдило.

191

Саҳар сўзимға чирмашдимки, қилсам то рақам имло,
Ики сажда қилиб бир бошим илан, чун қалам имло.

Бошим бирлан йўлунгда айланиб ҳар дам сужуд эттим,
Қародин баҳраманд айлаб, қалам айлар «Санам» имло.

Сужуди қошларинг ишқинда маъбадлар бино қилдим,
Гаҳи иншо калисо айладим, гоҳи ҳарам имло.

Сужуди ишқ бирлан шарҳдин ийҳом этиб дардим,
Ҳақиқат тоғидин олтин қуюб, қилдим дирам имло.

Қуёшлардин сариқ барги хазон сепдим аёғингга,
Биҳишту ҳусни ҳурлардин қилиб фавқи ҳашам имло.

Шароби маърифат дурдини Маҳдий[155] илгидин ичдим –
Ки, ғайри ошнолиғ номасин қилмас Умам имло.

---

[155] Маҳдий – Машрабнинг тахаллуси, "ҳидоят қилинган, ҳидоят топган, ҳидоятга эришган, тўғри йўлга сазовор бўлган зот" деган маънода (126-ғазал изоҳига қаралсин).

192

Қилур Мажнун биёбонда надомат оҳу вовайло,
Бу ишқ бандиға тушғонларни зикри доимо Лайло.

Эшитгач етти Дўзах ваҳмидин кўнглим қачон қўрқар –
Ки, ошиқ чашмидин ёш оқса, Дўзах бўлғуси дарё.

Ки, Дўзах йиғлаб айтур: «Ол бу қулни ушбу хин, ё Раб –
Ки, бизда қолмади тоқат бул ошиқ ўтидин асло».

Кел, эй дилбар, бу ҳолатда берай жоним олур бўлсанг,
Ғазаб бирлан бошим чулғаб қўлимни дармаҳал боғло.

Кел, эй Машраб, умид этгил, Худойинг лоязол[156] эрмиш,
Иноят бўлса Ҳақдинким, бўлурсан ёр билан танҳо.

193

Эй сабо, мандин дегил сарви равонимға дуо,
Гулшани васлиға борсанг, меҳрубонимға дуо.

Қоматим нундек бўлубтур доғи ҳижрони билан,
Куйдуруб аъзойи борим, дилситонимға дуо.

Ғунчадек лабдин такаллум айлабон жоним олур,
Сўзлари дурру гуҳар ширин забонимға дуо.

Нақди жоним хирманин ишқ ила торож айлабон,
Ман ҳазин юз шукр этиб, ул роздонимға дуо.

Кору борим доимо ғам бирла, Машраб, муттасил,
Мушкул ишларни ечар давлатнишонимға дуо.

[156] Абадий, сўнги йўқ, сўнгсиз.

194

Ул шўхи париваш билан гар бода ичайн-о,
Сархуш бўлибон шишайи соғарни чекайн-о.

Маҳв ўлди кўнгулки анидек баҳим ўлмас,
Солғил назаринг мангаки, қурбонинг ўлайн-о.

Олуда бўлуб бош-оёғим жўши гунаҳдин,
Раҳм айлаки, ваҳ, ғазабингдин титирайн-о.

Помоли чаман сабза сифат бўлди вужудим,
Ташрифи қудуми қадаминг фатҳи этайн-о.

Машраб, турушинг мисли насимдир бу жаҳонда,
Бир дамда келиб, сайр қилиб, зуд кетайн-о.

195

Ошиқ бараҳман ўлса, санам хонаси лиқо.
Маъшуқ шамъ эса, онинг парвонаси лиқо.

Бир дона ёзуқни ул дамки Одам айлади,
Исёни сабаб дўст юзи хонаси лиқо.

Доғи оташ руҳум ўртади, бағрим нечук тутай,
Наргиси майу оташи паймонаси лиқо.

Ваҳ-ваҳ, қошу кўзларидин масти ноб ўлай,
Боқмиш юзумға дилбари жононаси лиқо.

Занжирларин солиб санамим зулфини ўруб,
Бўйнумға боғла, Машраби девонаси лиқо.

Зиҳи расволиғим оламға солди шўру шар танҳо,
Наҳанги нуҳ фалак дарёси бўлди, алҳазар, танҳо.

Биҳишт айвониву тоқу равоқин орзу қилмай,
Нигорим бирла ман бир пираҳанда халқи бар танҳо.

Олурға дину дунёнинг матоҳин орзу қилмай,
Қаландарман, жаҳонни сайр этиб, қилдим сафар танҳо.

Бари Руму Хито божу хирожин орзу қилмай,
Чу Симурғики парвоз айларам беболу пар танҳо.

Шаҳи рўйи замину тахту тожин орзу қилмай,
Гадойи фақр бўлдум, сайр этарман баҳру бар танҳо.

Дили тиғи ситамдин пора бўлғон халқни кўрдум,
Зулм туғёнидин ҳар ён юрурлар дарбадар танҳо.

Назар то қутби олам қилмағунча, бегумон билғил,
Нечук олғай жавоҳир баҳрдин соҳиб назар танҳо.

Бало дашти агарчи пурхатардур, ёнмағил зинҳор,
Қадам бул водиға қўйғил бамисли шери нар танҳо.

Муҳаббатдин насими субҳи содиқ бўйи гул истар,
Кани бул булбули шўридадин оҳи саҳар танҳо?

Сани кўргунча то, эй нозанин, Тангрига топшурдум,
Мани мундоғ мусофир айлади даври қамар танҳо.

Тиларсан, Машрабо, жон кулбасинда суҳбати маъшуқ,
Киши маҳрам бўлолмас ёриға, бўлмас агар танҳо.

197

Раҳравонлар кеттилар, ман қолдим ҳамроҳдин жудо,
Чун хароба шаҳр ўлурким, одил ул шоҳдин жудо.

Ман тасаддуқи ўшандоғ оли ҳимматлар бўлай,
Лаҳзае қўнглини қилса меҳри дунёдин жудо.

Ноумид бўлса муриде пиридин, муртад кетар,
Бесамар бўлғай дарахтким, бўлса дарёдин жудо.

Кимёдур ишқ, анқодур, топиб бўлмас ани,
Кимга тушди, бўлди ул дунёйи уқбодин жудо.

Ман ўшал тифлеки, минг карра саргардониман,
Ҳеч шогирд бўлмасун бир лаҳза устодин жудо.

Ҳар қадам кўйсанг, ўзунгни сан Сирот устида бил,
Қилма дилни соате "Астағфуриллоҳ"дин жудо.

Зулмат афзун бўлса гар, шамси жаҳондин нур кетар,
Дийда қайда, қилса чун бул мисни тиллодин жудо.

Машрабо, пир излагил, андин муроди дил тила,
Бўлмагил сан бир даме охирги савдодин жудо.

198

Айюҳас-султони олам, подшоҳим, марҳабо,
Ҳазратим, Аллоҳу акбар, каж кулоҳим, марҳабо.

Бўлмағай бечоранинг ҳам сандин ўзга чораси,
Меҳрибон, Тангрим, Эгам, пушти паноҳим, марҳабо.

"**Қул: Ҳуваллоҳу Аҳад**" отингни руҳум тинглагай,
Дуввум "**Аллоҳус-самад**" – Сансан Илоҳим, марҳабо.

Доғи ҳасрат ўртади Машрабни ҳар дам, соати,
Шамъ – Сан, парвона – ман, эй меҳрубоним, марҳабо.

199

Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Кишига ишқ ўтидин заррайи тушса, бўлур гирён,
Бўлур бесабру бетоқат, юрак-бағри ҳамон ўртар.

Нечук тоқат қилай, дўстлар, бу дард бирлан бўлуб ҳайрон,
Ғамим бошқа, алам бошқа, юракимни ниҳон ўртар.

Мани бехонумон тинмай куюб ҳар дам фироқингда,
«Нигоро!» деб отинг айтсам ки, шавқингдин забон ўртар.

Қаю тил бирла, эй жоно, санинг васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгакларни чунон ўртар.

На қаттиқ кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,
Манинг оҳим ўтиға бул замину осмон ўртар.

Юракда дарду ғам қат-қат, ки манда қолмади тоқат,
Агар бир заррасин бул вақт десам, ишқи баён ўртар.

Бу дард бирлан хароб ўлдим, келиб ҳолимни сўрмайсан,
Унум чиқса юракдин, бул тану жон, устухон ўртар.

Бу Машраб дардини, ё Рабки, ҳеч ким бошиға солма,
Агар Маҳшарда оҳ урсам, Биҳишти жовидон ўртар.

200

Зоҳид, мани айб этма, гул юзу дудоғ ўртар,
Парвонани кўрдунгму, ҳар кеча чароғ ўртар.

Наргиз кўзи бир дамда жонимни хароб айлар,
Лаъли лаби майгуни доғ устида доғ ўртар.

Зоҳид каби бўлғонлар, ишқ ўтини кўрғонлар,
Бул ўт сори борғонда бир дамда йироғ ўртар.

Дилхаста бу Машрабни ҳар кечаву ҳар кундуз,
Гоҳ ўтли нигоҳ ўртар, гоҳ сўзи фироқ ўртар.

201

Бир жунуне манда бор – юз маҳшаристонни бузар,
Чун ҳадис, оят сўзин мункири Қуръонни бузар.

Гарчи юз минг ғулу дод ишқ лангари бўлғайму деб,
Барқи мастон хез-хези ул хайли осмонни бузар.

Куйдирур ошиқнинг оҳи дўзаху ҳафт иқлиминг,
Бул самандар ахгари Лавҳу Қалам – осмонни бузар.

Ёрдин манга саломе ҳам паём бўлғайму деб,
Лашкари файзи саҳар васвоси шайтонни бузар.

Машрабо, сан иқтидолик бандаларға улфат ўл,
Яхши ҳамроҳ бўлмаса, албатта, иймонни бузар.

202

Парда кўтариб ул шўх, ҳар лаҳза итоб айлар,
Нози билан ул дилбар ошиққа азоб айлар.

Куйдурди мани ишқи, кўнглумда анинг завқи,
Хижрон ўтида шавқи бағримни кабоб айлар.

Гоҳ ғамза билан чиқса, гоҳ ишва билан боқса,
Зулф занжирини ҳар дам бўйнумға таноб айлар.

Ҳушумни тамом олди, ишқ оташиға солди,
Соқий қадаҳин сунмай, махмури шароб айлар.

Қад – сарву юзи – гулзор, Машрабни қилиб афгор,
Ҳам нозу итоб айлар, ҳам хонахароб айлар.

Шаҳду шакардин ортуғум, ороми жоним келдилар,
Кўнгул уйини кўргали руҳи равоним келдилар.

Кетиб эди ақлу ҳушум, билиб турурлар хоҳишим,
Йўқдур алардек ҳеч кишим, ширин забоним келдилар.

Соқий, манга сунгил қадаҳ, махмур эдим ман ишқида,
Шаҳри вужудим тахтиға шоҳи жаҳоним келдилар.

Ёд айлар эрдим гоҳ-гоҳ, келгайму деб ул подшоҳ,
Бўлди юзум монанди коҳ, ул дилситоним келдилар.

Доим анга ҳайрон эдим, ишқида саргардон эдим,
Ман Машраби гирён эдим, ул ёри жоним келдилар.

Маниng оҳу фиғонимға ўшал пайки сабо йиғлар,
Таассуф айлабон, бағри куюб шоҳу гадо йиғлар.

Юроким порасини тонгла очсам, халққа кўрсатсам,
Шафоъат айламасдин илгари ул Мустафо йиғлар.

Мусибат достонидин агар дафтар очар бўлсам,
Абу Бакру Умар, Усмон, Алийул-Муртазо йиғлар.

Бу дунё ғурбатидан ҳеч фориғ бўлмади кўнглум,
Биёбонларда оҳ урсам, Хусайни Карбало йиғлар.

Ўшандоғ тожу тахтини қўюб анвойи нурони,
Сулаймон ҳолатимға Осаф ибни Бурхиё йиғлар.

Ўшал нозук адонинг ҳажрига ким мубтало бўлса,
Саҳарлар нола айлаб, ўртаниб, мотамсаро йиғлар.

Юракнинг дардини очиб бировга кўрсатиб бўлмас,
Мани бахти қаронинг ҳолига бахти қаро йиғлар.

Синамни чок этиб, гўрдин кўтарсам хаста бошимни,
Куярлар мўъмину кофир, ҳама воҳасрато йиғлар.

Ҳама ошиқларинг бирлан турарман бир тараф тонгла,
Худо қози бўлуб сўрса, бу Машраб додхо йиғлар.

205

Бўюнгни, эй пари, монандайи сарви расо дерлар,
Малоҳатлиғ юзунгни офтоби "**Ваз-зухо**" дерлар.

Тамоми халқни бир ғамза бирлан банд айлабсан,
Санинг дастингдин ошиқлар ҳама: «Во ҳасрато!» дерлар.

Бу нозу ишва бирлан ҳар замон уйдин қулуб чиқсанг,
Киши ўргулмаса сандин, ани юзин қаро дерлар.

Агар кифрик ўқи бирлан бу қонимни тўкар бўлсанг,
Магар ишқ йўлида ўлсам, шаҳиди Карбало дерлар.

Сочинг занжири-ла боғлаб кел эмди, ол бу жонимни,
Худо қози бўлуб сўрса маниким, додхо дерлар.

Бу сўзни йиғлаб айди кеча-кундуз Машраби мискин,
Бу оламда мани юз минг балоға мубтало дерлар.

206

Сани Лайлию раънодек ажойиб дилрабо дерлар,
Мани Мажнуни шайдодек кўйингда бир гадо дерлар.

Кеча-кундуз эшигингда фиғону нолалар қилсам,
Ки ҳарчанди наво қилсам, ҳанузам бенаво дерлар.

Бориб сўрдум табиблардин: «Бу дардимға даво борму?»
Алар айтурки: «Эй нодон, бу дарди бедаво дерлар!»

Боқибон ул пари кўз учидин юз ноз қилиб ўтти,
Руҳи чун ул маҳи табонни анворул-худо[157] дерлар.

Тафарруж айлабон ногаҳ назар қилса гўристонға,
Кўпуб гўрдин ҳама одам, ҳама: "Во ҳасрато!" – дерлар.

Қани Лайли, қани Мажнун, қани Ширин билан Фарҳод,
Алар ўтти бу оламдин, бу олам бевафо дерлар.

Итини хоки пойиники Машраб кўзига суртти,
Нидо келдики оламдин: бу кўзга тўтиё дерлар.

[157] Анворул-худо – ҳидоят нурлари.

207

Гарчи ҳоил жон эса, васл излаган жондин кечар,
Ким юзию кўзи ўтлуғ хори мужгондин кечар?

Ошиқи содиқ қиё боқмас парилар ҳуснига,
Тарк этиб Жанноти Ризвон ҳуру ғилмондин кечар.

Ичмасин Кавсар шаробин оғзини айлар чучук,
Зуҳд эли май тобидин гулдек очилғондин кечар.

Кимки топса жовидоний ишқ гар, қилмас назар –
Ким хазондек юз динор совриб – сочилғондин кечар.

Жонибидин ўзга ҳайрат бўлмағай, эй Машрабо,
Кимки майни бир татур, қайтиб очилғондин кечар.

208

Қайси парининг сан каби дилбари гулъузори бор?
Қайси чаманнинг гулларин тийри мижангча хори бор?

Ўтти жаҳондин ишқ эли, ман каби санга йўқ гадо,
Сан каби қайда, эй санам, ишқ элининг нигори бор?

Ишқ ўтида жисму таним сурма бўлубтур ўртаниб,
Сурма қилурни истаса, офати жон хумори бор.

Учди назар қуши кўрунг, қолди кўнгулда чоҳлар,
Оҳуйи ишқнинг ажаб лолаву чашмасори бор.

Маҳзун кўзларим манинг хотами ишқ айлади,
Машраби зор кўнглида жон ўртагувчи нори бор.

Завқининг йўлига кирган суду савдодин кечар,
Ким лаҳад ёдига тушса, ушбу ғавғодин кечар.

Бандалик осон эмасдур Ҳақ таъоло йўлида,
Йўлга кирган бандалар имрўзу фардодин кечар.

Жон тасаддуқ айлагил чун Шеримардони валий,
Васли дийдорини қўрганда бу дунёдин кечар.

Ким қаландарликни қилса ушбу йўлда ихтиёр,
Мисли Адҳамдек бўлубон мустаманд жодин кечар.

Чун кулоҳи бехуди бошиға кийган бандалар,
Мисли ул Фахрий бўлуб, Фирдавси аълодин кечар.

Мўйсафидо, дилсиёсан, бўлмаса дийдангда нур.
Ҳақни дийдорини кўрган бул тамошодин кечар.

Осмон бошиға бўлса осиё, йўқтур ғами,
Масти ло йақул бўлуб, кулли ашёдин кечар.

Зулфиқори Хайдарий қўлиға олған бандалар,
Сайри гул барбод этиб, ул пасту болодин кечар.

Оли ҳиммат олдида чун икки олам бир нафас,
Ҳар киши Мажнунки бўлди, қайда Лайлодин кечар?

Маънидон бўл аввалу охирки, Машраб, ғам ема,
Кимки шайтонга яқиндур лутфи Мавлодин кечар.

210

На ҳожат ҳажжи акбар, Кошғар узра мазорим бор,
Зиёйи чашмима хоки даридин сурмазорим бор.

Мижам жоруб этиб, кўз косасидан сув сепай дерман,
Биҳишт айвони янглиғ соз этмак ихтиёрим бор.

Манга қисмат азалдандур емак дарду аламларни,
Бу ишрат гулшанида зулм элидин ғамгусорим бор,

Ити ичкан ялоғида манга ҳам тўъма бергай деб,
Тилаб Кавсар шаробин зуҳд эли янглиғ хуморим бор.

Мани кўрса қочодур шайхул-ислом Аҳраман янглиғ,
Нечун, бўйнумға зулфи тори чирмашған туморим бор.

Азалдин ман дили ғамгин халойиқ хайлини севдим,
Шаҳид қонини сипқорғон шаҳаншоҳлардин орим бор.

Таним таронғидур, ҳар ёнда юз минг сояйи ар-ар,
Ўшал оҳу кўзу ғам тоғи узра сарвзорим бор.

Мани Машрабни бўйнини итинг занжириға боғлаб,
Эрур давлат аёғ остида судратсанг, на орим бор!

211

Мори бад мандин қочарким, кони наштар манда бор,
Баттарини халқдурман, нафси кофар манда бор.

Ҳар қачон дарвозайи маргдин омон ўтсам вале,
Йўл хатардур, қўрқаман, юз минг балолар манда бор.

Бас, манинг нафсим худолик даъви қилди ҳар замон,
Йўлда қолғон бараҳманман, ташти ахгар манда бор.

Чун азалдин, дўстлар, ишқида куйган бандаман,
Мотамим бошимда кўпдур, доғи дилбар манда бор.

Оташимни тоза қилманглар, қўйинглар, йиғлайин,
Ўртаниб куйган бу Машраб доғи абтар манда бор.

Мавжи дарёйи талотум шўриши Маҳшарча бор,
Ерга тушса қатра ашким, бахшиши гавҳарча бор.

Гавҳари ноёбни ҳар кимга зоеъ қилмағил,
Ҳақ сухан, бил, бехабарнинг кўнглига наштарча бор.

Ман тасаддуқи ўшандоқ оли ҳиммат лар бўлай,
Зикри Аллоҳ – Зулфиқори чопиши Хайдарча бор.

Ҳар хасе чўбини кўрдум: зикрини бисёр дер,
Ҳар пири комилки, ўз қавмига пайғамбарча бор.

Гар ўзи бир лутф қилса, мўри лангни шер қилур,
Пашшайи лоғарни кўр, йўлида Искандарча бор.

Боқмағил чашми ҳақорат бирлан ул сомон кўруб,
Ким алар ботиндаги ҳашматлари Қайсарча бор.

Машрабо, қилма сухан сан ҳар нечук нодонга ҳайф,
Қадрини билган кишига ёқути аҳмарча бор.

Сетор деманг, ҳоли дилим сўрғучи танбур,
Кўнглим гирефин ғамларини сурғучи танбур.

Бир неча рақиблар сўзидин ғамзада бўлсам,
Ҳамдард бўлубон оғушима кирғучи танбур.

Кўтоҳназар эл буни ҳеч қадрини билмас,
Даргоҳи азалдин хабере берғучи танбур.

Гар ёр жамолини кўруб пардаға солсам,
Нағмаси анинг сийнахарош этгучи танбур.

Ҳам ёр жамолидек онинг нашъаси бордур,
Ҳайрат ўтидин маҳв санам қилғучи танбур.

Ошиқ юрагидин чиқиб ўттек келибон ул,
Бир учқуниға жумлани куйдирғучи танбур.

Машрабни тамом ақлин олиб ул бути хунрез,
Жонимни ёқиб, сийнахарош этғучи танбур.

Чиқсам кўчаға, шоҳсуворим келадур,
Гул ғунчасидек лола узорим келадур.

Ҳар ёнға боқиб, кифрик ўқин халқға отибон,
Ўтларни ёқиб жонимға, нигорим келадур.

Гулгун лабидин ишқ майин элга сунибон,
Ўз мастлиғидин кўзи хуморим келадур.

Жонимға тегиб ҳар соридин рашк қиличи,
Мужгон ўқини ҳар ён оторим келадур,

Келмай неча кун қайда қарор этти эканким,
Кўнглумдин олиб сабр-қарорим келадур.

Ўлмайму бу дард бирлаки, эй ёру ёронлар,
Ҳар лаҳзада минг жоним олорим келадур.

Кундуз ё кеча – ҳеч маҳал келмаган эрди,
Бул турфа кўрунг: лайлу наҳорим келадур.

Гул барги каби ғам билан сарғайди бу Машраб,
Не ғам манга эмди ким, у(л) ғамхорим келадур.

215

Гулгун май ичиб, лола узорим келадур,
Хар ён сузулуб, кўзи хуморим келадур.

Тишлаб лабини, мужгон ўқин манга отибон,
Чоғлаб юрагим, кўнглум олорим келадур.

Зулфини тараб бошдин-оёғ зевар этибдур,
Сунбул била гул — боғу баҳорим келадур.

Илкида қилич, тийри садоқи билан ул дам,
Чопмай турубон жоним олорим келадур.

Машраби бечорани зор, нотавон айлаб,
Ишқ ўтига куйдургали ёрим келадур.

216

Дилбар юзини кўргали девона келибдур,
Юз нозу карашма била жонона келибдур.

Юз жоним агар бўлса, тасаддуқ анга айлай,
Рафтори билан кўзлари мастона келибдур.

Девонайи шўрида, бу жонингни фидо қил,
Кокилларикким белина чулғона келибдур.

Зарроти жаҳон ичра куйуб, ташналаб эрдим,
Жонона бўлуб соҳиби паймона келибдур.

Жонингни фидо айлагил, эй хастайи Машраб,
Лаблари шакар, тишлари дурдона келибдур.